

• БУХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ •

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ:

МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

ОЦЕНКА ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ПРЕДПРИЯТИЯ:

ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ



8



ИСТИҚЛОҚ ВА ИҚТИСОДИЙ
НАШРИЁТ УИИ

СОЛИҚЛАР ВА
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Н. Ҳасанов
С. Нажбиддинов

**КОРХОНА МОЛИЯВИЙ
ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ:**

МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8-чиқарилиш

Тошкент — 1999

65.053
X 24

657 (575.11)
X-30


Тақризчилар:
Ю. М. Иткин — Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси раиси, иқтисод фанлари доктори.
А. А. Ризоқулов — «Ҳисобчи» МЧЖ бошқаруви раиси, иқтисод фанлари номзоди.
С. В. Воҳидов — ТДИУ бухгалтерия ҳисоби кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди.

Ҳасанов Н., Нажбидинов С.
Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: Муаммолар ва уларни ҳал қилиш. 8-чиқарилиш. — Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999 й. — 224 б. («Бухгалтер кутубхонаси» туркуми)
I. Ҳаммуаллиф

Ушбу китобда корхоналарни соғломлаштириш ва банкротликдан ҳалос этиш мақсадида корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг ҳужалик фаолияти, қўйилган сармоянинг қанчалик ўз-ўзини оқлаши, хатарлилик даражаси, рентабелликни баҳолаш имконини берадиган молия коэффициенти ва ри ўзгариши билан боғлиқ (мутлақ ва нисбий) кўрсаткичлар тизими келтирилган.

ББК 65.053+65.9(5У)29

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999 й.



КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шаронтида корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборот етакчи бўлиб, фойдаланувчиларнинг турли тоифалари: менежер, акциядор, кредитор, эҳтимолий инвестор, етказиб берувчилар, давлат органлари ва бошқалар манфаатларини қамраб олади. Бунда фойдаланувчиларнинг ҳар бир тоифаси корхона молиявий ҳолатини баҳолашда ўз мақсадларидан келиб чиқадиган ва ўз мезонларига эгадир.

Менежер учун ҳужалик фаолияти самарадорлиги, фойдаланиладиган ресурслар ва олинган натижаларни баҳолаш ғоятда муҳим ўрин тутати. Мулкдорлар ва акциядорларни эса биринчи навбатда қўйилган сармояларнинг ўзини оқлаши, хатарлилик даражаси ёки эҳтимолий зарарлар қизиқтиради. Кредиторлар инвестиция маблағларининг қайтиши истиқболларини баҳолашдан келиб чиқишса, мол етказиб берувчилар корхонанинг етказиб берилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаш қобилиятини баҳолашади.

Бундан ташқари, юқорида санаб ўтилган фойдаланувчиларнинг ҳаммаси бошқа мақсадларни, ҳусусан, корхона молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, иқтисодий ночорлик ва банкротликнинг олдини олишни ҳам кўзда тутадилар.

Корхонанинг иқтисодий «касаллиги» кўпинча яширинча келади ва уни ўз вақтида пайқаб, оғир аҳволга тушиб қолишнинг олдини олиш учун ишончсиз шерикларни аниқлаш, вазиятни ҳолиё баҳолаш, корхонанинг вақтинчалик тўловга ноқобиллигини корхонанинг ҳақиқатан иқтисодий ночорлигидан фарқлай билишни ўрганиб олиш зарур.

Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилиш-баҳолаш натижасида улар иқтисодий ҳолатининг у ёки бу мезонлари билан боғлиқ барча саволларга жавоб топиш мумкин.

Тўлиқ таҳлил корхонадаги ишларни юқори даражада объектив баҳолаш ва тўғри қарорга келиш имконини беради. Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун молиявий кўрсаткичларни ўлчаш билан боғлиқ мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар тизими қўлланади. Айни шулар мазкур китобнинг мавзусини ташкил қилади.

3



КОРХОНАНИНГ ТЎЛОВГА ҚОБИЛЛИГИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Корхона фаолиятини баҳолашда аввало унинг тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқилади. Шунинг учун молиявий ҳолатни чуқур таҳлил қилиш айтиш шу кўрсаткичлардан бошланади.

Тўловга қобиллик деганда корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмида ҳисоб-китобларни амалга оширишга қодирлиги тушунилади. Бундай мажбуриятларга, масалан, иш ҳақи бўйича ходимлар билан, олинган товар-моддий бойликлар билан кўрсатилган хизматлар учун мол отказиб берувчилар билан, ссудалар, бюджетга тўловлар бўйича банклар билан ҳисоб-китоблар ва бошқалар киради.

Тўловга ноқобиллик вақтинчалик ҳамда узоқ муддатли, доимий бўлиши мумкин. Бунинг сабаблари ички, яъни молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, сотувлар ҳажми ва тегишли равишда тушумнинг камлиги, оборот маблағлар етарли эмаслиги ҳамда ташқи — контрагентлардан тўловларнинг ўз вақтида келмаслиги ва бошқалар бўлади.

Тўловга ноқобиллик белгилари балансини ўқинишда «оқсаётган, қаноатлангирмайдиган» моддаларнинг мавжудлиги ва зарарлар акс этиши билан кўзга ташланади. Биринчи тўловга қобиллик кўрсаткичлар тизими ёрдамида янада аниқроқ ва асослироқ баҳоланади (1-чизма). Бундай баҳолашнинг умумий ғоясини жорий мажбуриятларни уларнинг сўндириш учун сарфланадиган активлар билан таққослаш ташкил этади. Жорий активлар (мажбуриятлар)га муомала (сўндириш) муддати бир йилгача бўлган активлар (мажбуриятлар) киради. Тўловга қобиллик кўрсаткичлари икки бий коэффициентлар бўлиб, бунда суратда жорий активлар, махражда эса жорий (қисқа муддатли) мажбуриятлар ёзилади.

Тўловга қобилликнинг энг аниқ, умумлаштирилган кўрсаткичи сафарбар ликвидлик коэффициенти бўлиб, барча оборот маблағларини сафарбар қилганда, корхона қисқа муддатли мажбуриятларининг қандай қисмини қоп

лаши мумкинлигини кўрсатади. Тўловга қобилликни тавсифлаш учун бошқа кўрсаткичлар ҳам қўлланади. Уларнинг асосийларини кўриб чиқамиз.

Муддатли ликвидлик коэффициенти — ликвидлик ёки қоплаш коэффициентининг бир тури бўлиб, унда суратда фақат пул маблағлари, қисқа муддатли қўйилмалар ва соф дебиторлик қарзи ҳисобга олинади, товар-моддий захира-лар эса истисно қилинади. Бу ишлаб чиқариш захиралари мажбуран сотилганда олинадиган пул маблағлари уларни харид қилгандаги харажатлардан анча кам бўлиши билан изоҳланади. Чунончи, хорижий иқтисодчилар маълумотларига қараганда, банкрот бўлган корхоналарни тугатиш пайтида олинадиган маблағ ишлаб чиқариш захиралари ҳисобдаги қийматининг кўпи билан 40 фоизини ташкил этади:


$$\text{Муддатли ликвидлик коэффициенти} = \frac{\text{Пул маблағлари, қисқа муддатли қўйилмалар ва соф дебиторлик қарзи (170-сатр (1-ш.)дан 290-сатргача (1-ш.) қисқа муддатли мажбуриятлар 1-ш. (420-сатрдан 530-сатргача - (400 + 410 + 370 + 300))}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар 1-ш. (420-сатрдан 530-сатргача - (400 + 410 + 370 + 300))}}$$

бунда қавс ичида бухгалтерия баланси (молия ҳисоботи) дан олинадиган бошланғич кўрсаткичларнинг хос рақамлари (кодлари) берилган.

Ҳарбда бу коэффициентнинг қиймати 1 дан кам бўлмаслиги керак, деб ҳисобланади. Тўғри, муддатли ликвидлик коэффициентининг жуда юқори кўрсаткичи соф дебиторлик қарзининг асосиз равишда ўсиб кетиши натижаси бўлиши мумкин. Соф дебиторлик қарзи деганда нафақат инвентарлаш йўли билан аниқланган, балки гунонли (ишончсиз) қарзлар чегирилган қарзлар ҳам тушунилади. Ўтиш иқтисодиёти шароитида қарзларни амалда ундиришнинг қатор имкониятлари мавжуд бўлмай, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар эса ривожланган иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлардагидек молия воситаси аҳамиятини касб этмаганлиги сабабли мазкур коэффициентнинг ҳақиқий қиймати 0,6-0,7 дан ортиқ эмас.

Молиявий ҳисобот маълумоти учун хос рақам икки қисмдан иборат: биринчи қисми ҳужжат хос рақамини, иккинчиси — ҳужжатдаги сатр рақамини кўрсатади. Молиявий ҳолатни баҳолашда фойдаланиладиган молия ҳисоботи шакллари қуйидагилардир:





1-ЧИЗМА

- 1-ш — 1-шакл «Корхона баланси»;
- 2-ш — 2-шакл «Молиявий натижалар ҳақида ҳисобот»;
- 3-ш — 3-шакл «Асосий маблағлар ҳаракати ҳақида ҳисобот»;
- 4-ш — 4-шакл «Пул оқимлари ҳақида ҳисобот»;
- 5-ш — 5-шакл «Ўз сармояс ҳақида ҳисобот».

Баъзи экспертларнинг фикрига қараганда, республикамиз шароитида тўловга қобилликни жорий ва муддатли ликвидлик коэффициентлари эмас, мутлақ ликвидлик коэффициенти энг аниқ аке этгириши мумкин.

Мутлақ ликвидлик коэффициенти корхонага тегишли бўлган банклардаги ва касса ҳисобварақларидаги пул маблағларининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатини ташкил этади. Бу тўловга қобилликнинг энг қатъий мезони бўлиб, қисқа муддатли мажбуриятларнинг қандай қисми дарҳол сўндирилиши мумкинлигини кўрсатади. Бу коэффициент қиймати 0,2 дан кам бўлмаслиги керак, деб ҳисобланади.

$$\text{Мутлақ ликвидлик коэффициенти} = \frac{\text{Пул маблағлари 1-ш (170 + 180 + 190 + 200 + 210)}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар 1-ш (420 дан 530 гача) - (400 + 410 + 370 + 380)}}$$

Соф тушум коэффициенти — соф фойда ва амортизация ажратмалари йиғиндисининг товарлар ва хизматларни сотишдан келган ва ҚҚС, акцизлар ва божлар чегирилгандан кейин қолган тушумга нисбатидир. Соф фойда ва амортизация ажратмаларидан ташкил топадиган соф тушум пул шаклида корхона оборотида қолади. Амортизация ажратмалари суммаси эса эскириш ва маҳсулот (иш, хизмат)лар таннарни орқали корхона оборот маблағларига келиб тушади. Бунда ҳисобот даври учун асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҳисобланган эскириш инobatга олинади. Тушум умумий суммасидаги соф тушумнинг улуши қанчалик кўп бўлса, корхонанинг ўз қарз мажбуриятларини сўндириш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

$$\text{Соф тушум коэффициенти} = \frac{\text{Соф фойда + Амортизация 2-ш (200) + 1-ш (021)}}{\text{Сотишдан тушган соф тушум 2-ш (050)}}$$

Соф тушум коэффициентининг пастлиги (фикриятча, 0,1 дан камлиги) корхона оғир молиявий ҳолатдалиги ва ундан яқин орада мустақил равишда чиқа олмаслиги дан далолат беради.

Оборот сармоясининг ҳаракатчанлиги коэффициенти — оборот сармоясидagi захира ва харажатлар улуши. Оборотдаги (ҳаракатдаги), ишлаётган сармоя деганда қисқимуддатли мажбуриятлар сўндирилгандан кейин оборот маблағларининг корхона жорий харажатларини тўлаш учун қолган қисми тушунилади. Ҳаракатлагги сармоя жорий активлардан қисқа мудатли мажбуриятлар айирмаси сифатида ҳисобланади.

$$\text{Оборот сармоясининг ҳаракатчанлиги коэффициенти} = \frac{\text{Захира ва харажатлар} + \text{Пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар}}{\text{Захиралар ва харажатлар 1-ш (120 + 130 + 140 + 150 + 160)}} = \frac{\text{Ҳисоб-китоблар ва бошқа пасивлар}}{\text{Ҳисоб-китоблар ва бошқа пасивлар}}$$

Бу кўрсаткич қанчалик юқори ва 1 га яқин бўлса шунчалик ёмон, чунки ўз оборот маблағлари таркибидagi захирада ҳаракатсиз ётган сармоя улуши шунчалик юқору бўлади.

Корхона молиявий ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида ўзининг сармоясини кўпроқ сарфланади ва табии равишда қарзга ботилади, бу эса ўз навбатида корхона молиявий барқарорлигининг пасайишидан далолат беради. Молиявий барқарорликни активлардаги ўзининг ва қарз маблағлари нисбати, ўз маблағларни тўлаш суръатларининг нисбати, моддий оборот маблағларининг ўз манбаелари билан қанчалик таъминланганлиги бўйича баҳолаш мумкин.

Ликвидлик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари бир-бирини ўзаро тўлдириб, биргаликда корхонанинг молиявий ҳолати ҳақида тасаввур беради. Агар корхонада мушхуш ликвидлик кўрсаткичлари аниқланиб, бироқ у молиявий барқарорлигини сақлаб қолса, оғир аҳволдан чиқари кетилш учун имкон топини мумкин. Аммо ликвидлик ҳам молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг иккаласи қор

қарсиз бўлса, бундай корхонанинг банкрот бўлиш эҳтимоли юқоридир.

Молиявий нобарқарорликни енгиб ўтиш жуда мушкул: бунинг учун вақт ва инвестициялар зарур. Сурункали «касалланган», молиявий барқарорлигини йўқотган корхона учун вазиятнинг салбий томонга бироз ўзгариши ҳам тўғридан-тўғри банкротликка етаклаши мумкин. Молиявий барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари куйидагилардир:

Мухторлик коэффициенти — корхона ўз маблағларининг баланс активлари умумий суммасидаги улуши:

$$\text{Мухторлик коэффициенти} = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари 1-ш (390)}}{\text{Активлар суммаси 1-ш (310)}}$$

Мухторлик коэффициенти корхонанинг кредиторлардан молиявий мустақиллиги даражасини акс эттиради. Акциядорлик жамиятларига татбиқан ушбу кўрсаткичнинг бошқа тури — акциядорлик сармоясини тўпланиши коэффициенти қўлланади. Мухторлик коэффициентида фарқли равишда мазкур ҳолда суратда барча ўз маблағлари эмас, фақат акциядорлик сармоясини (устав, қўшилган ва резерв сармоясини) кўрсатилади:

$$\text{Акциядорлик сармоясини тўпланиши коэффициенти} = \frac{\text{Акциядорлик сармоясини 1-ш (320 + 330 + 340)}}{\text{Активлар суммаси 1-ш (310)}}$$

Мухторлик ва акциядорлик сармоясини тўпланиши коэффициенти 0,5-0,6 дан паст бўлмаслиги лозим, деган фикр тарқалган. Ушбу коэффициентларнинг паст қийматларида кредиторлар ва бошқа инвесторлар томонидан корхонага ишонч билдирилмайди, деб ҳисобланади.

Қарзга олинган ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти ҳамда молиявий бўйсунилш коэффициенти каби кўрсаткичлар мухторлик коэффициентининг ҳосилалари бўлиб хизмат қилади. Қарзга олинган ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти — жалб қилинган сармоясининг (1-ш 540) ўз сармоясига (1-ш 390) нисбатидир. Табиийки, мухторлик коэффициенти йўл кўйилган қиймати 0,5 бўлганда қарзга олинган ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти 1 дан ошмаслиги лозим. Молиявий бўйсунилш коэффициенти мух

торлик коэффициентига тескари қиймат ёки 1 ва мухторлик коэффициенти айирмаси (яъни активлардаги қарз маблағлари улуши) сифатида ҳисобланади.

Қарз маблағларини узоқ муддатга жалб қилиш коэффициенти узоқ муддатли мажбуриятлар суммасини ўз маблағлари ва узоқ муддатли мажбуриятлар йиғиндисига бўлиши билан аниқланади:

$$\text{Қарз маблағларини узоқ муддатга жалб қилиш коэффициенти} = \frac{\text{Узоқ муддатли мажбуриятлар 1-ш (400 + 410)}}{\text{Ўз маблағлари манбалари 1-ш (390) + Узоқ муддатли мажбуриятлар 1-ш (400 + 410)}}$$

Бу кўрсаткич хорижий хўжалик амалиётида кенг қўлланади. Молиявий барқарорликнинг бошқа кўрсаткичлари сингари у ҳам ўша тармоқдаги ўхшаш тавсифли бошқа корхоналар билан таққосланганда энг тўлиқ қўлланади.

Инвестицияларни қоплаш коэффициенти ўз маблағлари ва узоқ муддатли мажбуриятларнинг корхона активлари умумий суммасидаги улушини акс эттиради:

$$\text{Инвестицияларни қоплаш коэффициенти} = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари 1-ш (390) + Узоқ муддатли мажбуриятлар 1-ш (400 + 410)}}{\text{Активлар суммаси 1-ш (310)}}$$

Бу кўрсаткич мухторлик коэффициентига нисбатан унга қатъий чекланмаган. Ғарб амалиётида бу коэффициентнинг меъёридаги қиймати тахминан 0,9 га тенг бўлиши керак, деб қабул қилинган. Унинг 0,75 гача камайиши мушкулликни билдиралади.

Ўз маблағлари ҳаракатчанлиги коэффициенти — ўз маблағлари манбаларининг ўз маблағлари манбалари умумий суммасига нисбатини ташкил этади:

$$\text{Ўз маблағлари ҳаракатчанлиги коэффициенти} = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари 1-ш (390) - Узоқ муддатли активлар 1-ш (110)}}{\text{Ўз маблағлари манбалари 1-ш (310)}}$$

Мазкур коэффициент корхона ўз маблағларининг ҳаракатчан шаклидаги, нисбатан эркин фойдаланиш мумкин бўлган қисмини кўрсатади. Баъзи муаллифлар ушбу кўрсаткичнинг энг мақбул қиймати 0,5 атрофида бўлиши керак, деб ҳисоблашади.

Юқорида таъкидланганидек, қарздор корхоналар молиявий барқарорлигини баҳолаш услубиятида ҳаракатчанлик коэффициенти оборот маблағларининг ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти ёрдамида аниқланади. Ушбу коэффициентнинг паст меъёрий қиймати 0,1 га тенг. Мазкур кўрсаткичга қўшимча сифатида ўз оборот маблағларини захира ва харажатлар қийматига бўлиш орқали захира ва харажатларни ўз манбалари билан таъминлаш коэффициенти ҳисобланади. Бу кўрсаткич умумлаштирилган статистик маълумотлар бўйича қатор корхоналарда 0,6 дан паст бўлмаслиги керак.

$$\text{Захира ва харажатларни таъминлаш коэффициенти} = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари 1-ш (390) - Асосий воситалар ва қўйилмалар 1-ш (110)}}{\text{Захира ва харажатлар 1-ш (310)}}$$

Кредитлар бўйича тўловларни қоплаш коэффициенти — корхона фойдаси ва кредитлар бўйича тўловларни акс эттирадиган кўрсаткич. Хорижий хўжалик амалиётида бу кўрсаткич турли усулларда ҳисобланади, масалан, суратда фойда ёки даромад (солиқлар тўлангунига қадар) қўшув амортизация ажратмалари, махражда эса — кредитлар ва есудалар бўйича фоиз тўловлари ёзилиши мумкин. Мамлакатимиз молиявий ҳисоботида фоиз тўловлари алоҳида акс эттирилмайди, шунинг учун кўрсаткич куйидаги кўринишга эга:

$$\text{Кредитлар ва қарзлар бўйича тўловларни қоплаш коэффициенти} = \frac{\text{Солиқлар тўлангунигача бўлган фойда 2-ш (170)}}{\text{Кредитлар ва қарзлар бўйича тўланган фоизлар 2-ш (135)}}$$

Хорижий ҳисоб юритиш амалиётида бу кўрсаткич кредитдорлар томонида корхонанинг тўловлар бўйича мажбуриятларини қоплашга қобиллигини тахминий баҳолаш учун қўлланади.

Узоқ муддатли инвестицияларни таъминлаш коэффициенти ўз сармояси ва узоқ муддатли мажбуриятлардан ташкил топган инвестицияланган сармоянинг қандай улуши асосий воситаларга жорий қилинганлигини кўрсатади:

Узоқ муддатли инвестициялар таъминлаш коэффициенти = $\frac{\text{Асосий воситалар, номодлий активлар ва сармоя қўйилмалари (1-ш 012 + 022 + 030)}}{\text{Ўз маблағлари манбалари (1-ш. 390) + Узоқ муддатли мажбуриятлар (1-ш. 400 + 410)}}$

Иммобилизация коэффициенти — асосий воситаларнинг жорий активлар, яъни оборот воситаларига нисбати:

Иммобилизация коэффициенти = $\frac{\text{Асосий воситалар ва қўйилмалар 1-ш (110)}}{\text{Жорий активлар 1-ш (300)}}$

Ҳисобнинг таҳлилий амалиётида молиявий барқарорликнинг бошқа кўрсаткичлари ҳам қўлланади, бироқ банк-рот бўлиш хатари нуқтаи назаридан олганда корхона молиявий нобарқарорлиги аломатларини аниқлаш учун юқорида келтирилган кўрсаткичлар етарлидир.

Мисол сифатида «ТЕКСТИЛЬ» корхонаси учун юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича ҳисобланган ликвидлик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари тизими берилган (1-жадвал). 1-жадвалдан кўриниб турибдики, «ТЕКСТИЛЬ» корхонасининг барча ликвидлик кўрсаткичлари қониқарсиз аҳволдадир. Молиявий барқарорлик кўрсаткичларига бир хилда баҳо бериб бўлмайди. Агар мухторлик, акциядорлик сармояси тўпланиши, қарзга олинган ва ўз маблағлари нисбати ва захираларни ўз молиялаш манбалари билан таъминлаш коэффициенти меъёрий қийматлар чегарасида бўлса, ўз маблағлари ҳаракатчанлиги ва оборот маблағларини таъминлаш коэффициенти меъёрдан пастдир. Корхона ҳали танг ҳолатда эмас, бироқ унинг тўловга қобилиги мушкул даражада турибди.

«ТЕКСТИЛЬ» корхонасининг тўловга қобилиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Ҳисобот даври		Меъёрий қиймат
	01.01.97	01.01.98	
Тўловга қобилик кўрсаткичлари			
Жорий ликвидлик коэффициенти	1,467	1,627	<2
Муддатли ликвидлик коэффициенти	1,078	1,001	>1
Мутлақ ликвидлик коэффициенти	0,134	0,241	>0,2
Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари			
Мухторлик коэффициенти	0,722	0,736	>0,5
Акциядорлик сармояси тўпланиши коэффициенти	0,278	0,264	
Қарзга олинган ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти	0,386	0,359	<1
Инвестицияларни қоплаш коэффициенти	0,778	0,626	
Ўз маблағлари ҳаракатчанлиги коэффициенти	0,180	0,225	<0,5
Ўзининг маблағларини ўз маблағлари билан таъминлаш коэффициенти	0,318	0,385	>0,1
Захираларни ўз манбалари билан таъминлаш коэффициенти	0,878	0,783	>0,6
Узоқ муддатли инвестицияларни таъминлаш коэффициенти	0,954	0,923	
Иммобилизация коэффициенти	0,592	0,570	

КОРХОНА АМАЛИЙ ФАОЛЛИГИ ВА РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Амалий фаоллик кўрсаткичлари корхона ўз маблағларини қанчалик самарали ишлаётганлигини таҳлил қилиш имконини беради. Одатда, бу кўрсаткичларга турли обролда бўлган маблағлар кўрсаткичлари киради.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолиятининг қанчалик фойда беришини ақс эттиради. Бу кўрсаткичлар олинган фойданинг сарфланган маблағларга нисбати ёки сотишдан олинган фойданинг сотилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланади.

Оғир молиявий аҳволда бўлган корхонада амалий фаоллик, рентабеллик ва мавжуд активлар унумдорлигининг паст кўрсаткичлари кузатилади. Молиявий-хўжалик фаолиятининг зарар кўриши корхона банкротлик хатари олдида турганлигидан далолат беради. Бироқ, бу зарар кўриб ишлаётган ҳар бир корхона дарҳол банкрот бўлади, деган маънони билдирмайди. Зарар кўриб ишлаш вақтинчалик бўлиши мумкин, корхона раҳбарияти ва менежерлари самарабахш қарорларга келиб, уни бундай ҳолатдан чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Бошқа томондан, юқори рентабеллик банкрот бўлиш хатаридан ҳалос этмайди, чунки корхона фойда олган тақдирда ҳам ҳисоб-китоб варағида эркин маблағга эга бўлмай, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қила олмайди, зеро, узини муддати чўзиб юборилган кредиторлик қарзининг мавжудлиги банкротликнинг асосий аломатидир.

Бу жиҳатдан француз мутахассислари қизиқарли маълумотларни берадилар. Банкрот бўлган корхоналарни текшириш чоғида зарар кўриб ишлаётган корхоналар 38 фолини ташкил этган, қолган 62 фоиз эса рентабел корхоналар бўлган. Банкрот бўлган рентабел корхоналар ўз хусусиятлари бўйича қуйидаги тарзда тақсимланади (умумий якунга нисбатан фоизда):

«заиф» — паст рентабелли ва молиявий побарқарор корхоналар	30
«ўта нафсониятли» — паст рентабелликда ишлаб чиқариш ҳажмларини оширган корхоналар	11

«нуфузли» — қониқарли рентабеллик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларига эга, бироқ хатарли товар сиёсатини юритган корхоналар

«ёш» — ўта юқори ўсиш суръатларига эга, паст рентабеллик ва чекланган асосий воситаларга эга корхоналар

ликвидлик маблағлари доим етишмаган, рентабелликнинг қониқарли ва ликвидлик ҳамда молиявий барқарорликнинг қониқарсиз кўрсаткичларига эга бўлган корхоналар

қатъий бошқарув тузилмасига эга, катта қўшимча харажатларга, қониқарли рентабеллик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари билан ишлаган корхоналар

Юқорида айтилган корхоналар гуруҳларининг банкрот бўлишининг бевосита сабаблари турличадир. Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабел корхоналар арзимас сабабга кўра, масалан, мижознинг банкрот бўлиши, вексель учун ҳақ тўлашдаги узилишлар, муайян битим билан боғлиқ зарарлар ва ҳоказолар туфайли банкрот бўлиши мумкин. Рентабел корхоналар қуйидаги сабабларга кўра касод бўлади: 1) алоҳида лойиҳалар ва битимларни амалга оширишдаги жиддий муваффақиятсизликлар, зарар кўрсатилган корхоналарни харид қилиш, фаолият турини ўзгартириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва бошқалар туфайли; 2) бозор конъюнктураси ўзгаришларини ҳисобга олмаган ҳолда мослашувчан маҳсулот турлари, инвентария ва техника сиёсатини юритиш натижасида; 3) корхонага боғлиқ бўлмаган ташқи сабабларга кўра (доимий харидорнинг банкрот бўлиши, солиқлар ставкалари ва бож тарифларининг ноқулай ўзгариши, кредитлаш шартларини янада қатъийроқ белгилаш ва бошқалар).

Банкротликни таҳлил қилиш (ташҳис қўйиш)да фақат ликвидлик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларини эмас, балки рентабеллик, амалий фаоллик ва активлар унумлигини ҳам текшириш керак. Фақат корхона фаолиятини тўлиқ текширишгина унинг иқтисодий ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввур бериши, яқин ва узоқ келажакда жиддий қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган яширин ноҳуш жараёнларни аниқлаш имконини беради. Агар тўловга

ноқобиллик ва молиявий нобарқарорлик — эҳтимолӣ банкрот бўлиш индикаторлари ҳисобланса, рентабеллик ва амалий фаолликнинг қониқарсиз кўрсаткичларига банкротликни албатта белгилайдиган эмас, балки молиявий қийинчиликларни чуқурлаштирадиган, банк ротлик эҳтимолини оширадиган жиҳатлар сифатида қараш лозим. Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, банкрот бўлган корхоналарнинг 16 фоизи меъёрдаги рентабелликка эга бўлган; 28 фоизи эса сотиш ҳажмларини ҳатто мунтазам ошириб борган корхоналар эканлигини айтиш мумкин.

Фойдаланиладиган ресурслар самарадорлиги (унумдорлиги)нинг асосий кўрсаткичларида тўхталамиз. Барча активлар унумдорлиги (оборотда бўлиши) — маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан келган тушумнинг барча активлар ўртача йиллик суммасига нисбатидир:

$$\text{Барча активлар унумдорлиги} = \frac{\text{Сотишдан келган тушум 2-ш (050)}}{\text{Активлар ўртача йиллик суммаси 1-ш (110-сар)}}$$

Активлар унумдорлигини баҳолашда ишлаб чиқаришнинг тармоқ хусусиятлари ва аввало фонд ҳажмини ҳисобга олиш даркор. Масалан, қиммат турадиган мураккаб жиҳозларни талаб қиладиган автомобиль ишлаб чиқариши фонд ҳажми технологик жиҳатдан мураккаб бўлмаган халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарадиган корхоналарга нисбатан олганда автомобиль заводи активларининг паст унумдорлигини белгилаб беради.

Асосий фондлар унумдорлиги сотишдан келган тушумнинг асосий воситалар ва номоддий активлар ўртача йиллик қийматига нисбатини ташкил этади:

$$\text{Асосий фондлар унумдорлиги} = \frac{\text{Сотишдан келган тушум 2-ш (050)}}{\text{Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати 1-ш (022 + 012)}}$$

Бу мамлакатимиз амалиётида кенг тарқалган асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланганлик даражасини аксеттирадиган фонд унумдорлиги кўрсаткичидир. Асосий фондларни айниқса фондни кўп талаб қиладиган ишлаб чиқаришида сустр банд қилинган таннархни анча ошириб, рентабелликни пасайтиради. Бироқ, бошқа томондан, фонд унум-

дорлигини пасайтириш янги қувватларни ишла тушириш ёки ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлиши мумкин, бу эса вақти билан ижобий натижаларни беради.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрига қараганда ва амалиётда бу кўрсаткич кўпинча асосий воситалар ва номоддий активларнинг дастлабки баланс қиймати ҳисоб-китоб билан келиб чиқиб аниқланади. Фикримизча, формулада кўрсатилганидек, бу кўрсаткични аниқлашда махражда асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати акс этиши лозим. Бу эса унумдорлик ҳисобот даврида ушбу активларнинг ҳақиқий қийматига қанчалик мос тушишидан далолат беради.

Корхонанинг молиявий натижалари кўп жиҳатдан оборот маблағларидан оқилана фойдаланиш ва улар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Оборот маблағларидан фойдаланиш даражаси оборот қилиш кўрсаткичларини акс эттиради, улар барча оборот маблағлари бўйича ёки оборот маблағларининг муайян турлари бўйича ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Оборот қилиш кўрсаткичларини жорий активларнинг алоҳида таркибий қисмлари (ишлаб чиқариш захиралари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари) бўйича баҳолаш ликвидлик кўрсаткичлари таҳлилини тўлдиреди ва чуқурлаштиради.

Оборот маблағларининг оборотда бўлиши — маҳсулотни сотишдан келган соф тушумнинг оборот маблағлари ўртача йиллик қийматига нисбати ёки ҳисобот даври (йил) учун амалга оширилган оборотлар ўртача сонидир:

$$\text{Оборот маблағларининг оборотда бўлиши} = \frac{\text{Сотишдан келган соф тушум 2-ш (050)}}{\text{Ўрта йиллик жорий активлар 1-ш (180 + 330)}}$$

Захираларнинг оборотда бўлиши — соғилган маҳсулот таннархининг ишлаб чиқариш захираларининг ўртача йиллик қийматига нисбати:

$$\text{Захираларнинг оборотда бўлиши} = \frac{\text{Соғилган маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган харажатлар 2-ш (060)}}{\text{Ўртача йиллик захиралар ва харажатлар 1-ш (120 дан 160 гача)}}$$

17

~~SamDU~~

ILMIY KUTUBXONASI

1650111

DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM

№ 13330

Кенг тарқалган кўрсаткичлардан бири — *сотилган маҳсулот рентабеллигидир*, яъни маҳсулот сотишдан тушган фойданинг сотишдан келган тушумга нисбати:

$$\text{Сотилган маҳсулот рентабеллиги} = \frac{\text{Сотилган маҳсулотдан тушган фойда 2-ш (070)}}{\text{ҚҚС, акциз солиги ва бошлар чегирилган сотишдан келган тушум 2-ш (050)}}$$

$$\text{Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш танирхига кўра рентабеллик} = \frac{\text{Сотилган маҳсулотдан тушган фойда 2-ш (070)}}{\text{Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш танирхи 2-ш (060)}}$$

Сотилган маҳсулот рентабеллиги кўрсаткичи корхона нарх сиёсатининг имкониятларини белгилаб беради. Агар бу кўрсаткич жуда паст бўлса, корхона ўз маҳсулотлари нархини арзонлаштира олмайди, чунки бунда зарар кўриб ишлай бошлайди.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги сотишдан тушган фойданинг сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш танирхига нисбати орқали аниқланади. Сотилган маҳсулот рентабеллигининг икки кўрсаткичи таққосланганда давр харажатлари ва асосий ишлаб чиқариш билан боғланмаган молиявий фаолият харажатлари сотишдан тушган фойда суммасига қанчалик таъсир кўрсатишини таҳлил қилиш имконини беради.

Мамлакатимиз амалиётида *ишлаб чиқариш фондлари умумий рентабеллиги* кўрсаткичи тарқалган:

$$\text{Ишлаб чиқариш фондлари умумий рентабеллиги} = \frac{\text{Солиқлар тўлангунгача бўлган фойда 2-ш (170) Асосий ишлаб чиқариш фондлари ва моддий оборот маблағлари ўртача йиллик қолдиқ қиймати 1-ш (022 + 120 дан 160 гача)}}$$

Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш даражаси ва улар самардорлигини акс эттиради. Унга қараб инвесторлар мазкур корхона ишлаб чиқаришига кўйилган пулларнинг унумдорлиги қанчалик бўлиши ҳақида хулоса чиқаришлари мумкин.

Акциядорлик сармоясининг соф рентабеллиги энг умумлаштирилган кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига олиб келадиган сабабларни аниқлаш учун у уч омили модель кўринишида тақдим этилади:

$$\text{Акциядорлик сармоясининг соф рентабеллиги} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Сотишдан келган тушум}} \times \frac{\text{Сотишдан келган тушум}}{\text{Активлар ўртача йиллик суммаси}} \times \frac{\text{Активлар ўртача йиллик суммаси}}{\text{Ўртача йиллик устав сармоясини}}$$

Дюпон формуласи номи билан таниш бўлган бу нисбат (биринчи марта «Дюпон де Немур» компаниясида қўлланган) таҳлил ишларида кенг қўлланилади. У акциядорлик сармоясини рентабеллиги уч омили: маҳсулот рентабеллиги, активлар унумдорлиги ва улар таркиби ёрдамида аниқланишини кўрсатади. Агар таҳлил жараёнида акциядорлик сармоясини рентабеллиги муайян давр ичида пасайганлиги кузатилса, Дюпон формуласи бунинг сабаби: 1) маҳсулот рентабеллиги пасайганлиги; 2) активлардан фойдаланишнинг ёмонлашиши ёки нотўғрилиги, натижада улар унумдорлиги пасайиши; 3) сармоя таркибининг ўзгариши ҳисобига амалга ошганлигини кўрсатиш имконини беради. Ҳар бир омилининг таъсири занжирни алмаштириш усули билан аниқланади.

Таъкидланган учала омилидан ҳар бирининг аҳамиятини баҳолашда тармоқ хусусиятларини назарда тутиш лозим. Чунинчи, фонд ҳажми катта тармоқлар (энергетика, машинасозлик, металлургия ва бошқалар)да активлар унумдорлиги паст, маҳсулот рентабеллиги эса аксинча нисбатан юқори бўлиши мумкин. Сармоя таркиби (ушбу ҳолда молиявий бўйсунтиш) кўрсаткичи корхонанинг нобарқарорлигини кўрсатади. Корхона ўзининг молиявий барқарорлигини пасайтириш ҳисобига активлар рентабеллигини ошириши, яъни молиявий хатар даражасини ошириб, кўпроқ фойда олишга ҳаракат қилиши мумкин. Бу юқоридаги рентабеллик ўсиши банкротлик хатарини заифлаштирмай, аксинча, баъзи ҳолларда ҳатто кучайтириши ҳам мумкин деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда молиявий таҳлил қилишда акциядорлик жамиятлари амалий фаоллигини баҳолаш учун ички манбалар ҳисобига *ўсиш барқарорлиги коэффициенти* қўлланилади. У тақсимланмаган фойдани (у дивидендлар кўринишида тўланмай, корхона ривожланишига қайта инвестицияланади) устав сармоясига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

$$\text{Ўсиш барқарорлиги коэффициенти} = \frac{\text{Тақсимланмаган фойда}}{\text{Ўртача йиллик устав сармоясини 1-ш (320)}} = \frac{\text{Соф фойда} + \text{Акциялар ва бадаллар бўйича дароматлар}}{\text{Ўртача йиллик устав сармоясини 1-ш (310)}}$$

Акциядорлик жамияти ўз сармоясини акцияларни қўшимча чиқариш ёки соф фойданинг бир қисмини қайта инвестициялаш ҳисобига кўпайтириши мумкин. Шу тариқа барқарор ўсиш коэффициенти акциядорликни қўшимча чиқариш йўли билан сармоясини жалб қилиш ҳисобига эмас, балки корxonанинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ўз сармоясининг ўртача ўсиш суръатларини кўрсатади. Бу коэффициентга қараб, агар турли молиялаш манбалари фонд унумдорлиги, ишлаб чиқариш рентабеллиги, дивиденд сиёсати ва бошқалар ўртасида шаклланиш нисбатлар ўзгармай қолса, кейинчалик ҳам корхона ўз сармоясини кўпайтириш учун қандай имкониятларга эга бўлиши тўғрисида тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Корхонани ривожлантиришнинг мақбул суръатларини танлаш — бозор иқтисодиёти шароитида молиявий таҳлил ва режалаштиришнинг асосий вазифаларидан биридир. Баъзи тарбдик мутахассислар кўплаб компанияларнинг амалий тажрибасига таяниб, нотўғри инвестиция сиёсатини танлаган ва қисқа муддатда жуда тез ўсиш суръатларига эришишга интилаётган корхоналар кўпинча банкрот бўлади, деб таъкидлашмоқда. Бироқ, жуда секин суръатлар ҳам мақбул эмас, ўртача ўсиш суръатларига эришиш лозим. Мақбул ўсиш суръатларини баҳолашда ўсиш барқарорлиги коэффициентини баҳолаш ёрдам беради.

Ўсиш барқарорлиги коэффициентини қандай омиллар таъсирида таъминланишини аниқлаш учун қуйидаги детерминантланган омиллар модели қўлланади:

$$\text{Барқарорлик коэффициенти} = \frac{\text{Сотилган келган тушум}}{\text{Активлар умумий суммаси}} \times \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Сотилган келган тушум}} \times \frac{\text{Активлар умумий суммаси}}{\text{Мажбуриятлар умумий суммаси}} \times \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Дивиденд улуши}}$$

Мазкур моделда биринчи ва иккинчи омиллар (активлар унумдорлиги ва маҳсулот рентабеллиги) ишлаб чиқариш фаолиятини, учинчиси ва тўртинчи омиллар молиявий

барқарорлик, дивиденд фонди улуши — молиявий фаолият, дивиденд сиёсатини акс эттиради. Корхона ўсиш барқарорлиги коэффициентини оқилона меъёрга ушлаб туриш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш (фонд унумдорлигини ошириш), оқилона нарх сиёсатини юритиш (маҳсулот рентабеллигини ошириш), қўшимча кредитларни жалб қилиш, етти ўлчанган дивиденд сиёсати каби иқтисодий воситалардан фойдаланиши мумкин.

Акциядорлик жамиятларини молиявий таҳлил қилишда молиявий ҳисобот ҳужжатларидан ташқари, шунингдек корхонанинг қимматли қоғозлар бозорида туган ҳолати ҳақидаги ташқи ахборот, яъни Қимматли қоғозларни мувофиқлаштириш маркази томонидан тасдиқланган ҳисоботдан ҳам фойдаланилади. Қимматли қоғозларнинг биржа ва биржадан ташқари бозорлари — корхонадаги ишлар ҳолатининг энг сезгир индикаторларидир (ахборот манбалари: «Тошкент» республика фонд биржаси ахборот бюллетени, «Вақт» миллий депозитарийси ахборот бюллетени, Консаудитинформ бюллетени). Корхона молиявий ҳолатининг ёмонланиши унинг акцияларига талабнинг камайишига ва оқибатда улар бозор қийматининг тушишига олиб келади. Бозор фаоллигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари: акция келтирган фойда, акциянинг бозор қиймати, акция рентабеллиги, дивиденд ёзилиши, акциялар котировкаси коэффициентидан иборат.

Акция келтирган фойда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар суммасига камайтирилган соф фойданинг чиқарилган оддий акциялар умумий миқдорига нисбатини акс эттиради. Айни шу кўрсаткич акциянинг бозор қийматига катта таъсир кўрсатади. Тадқиқотчилар корхона фаолиятини баҳолаш учун муайян вақт давомида ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришини текширишади. Тўғри, бу кўрсаткичга асосланиб фақат яқин истиқболга прогноз қилиш мумкин.

Акциянинг бозор нархи — акция қийматининг акция келтирган фойдага нисбатидир. Бу кўрсаткич инвесторларнинг корхона акцияларига қизиқишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичнинг тез суръатда ўсиши бозорда акцияларни муомалага чиқарган бошқа корхоналарга нисбатан ҳам мазкур корхонанинг фойдаси ўсиши кутилаётганини билдиради.

Корхона ҳолати ёмонлашганда ёки бозор контрагентлари нуқтаи назаридан олганда унинг фаолияти хатари ошганда, одатда, акция бозор қийматиининг кўрсаткичи тушади. Корхонанинг қандай тармоққа тегишлилиги ёки фонд биржасида шаклланган ўртача қийматдан келиб чиқиб, ушбу кўрсаткич миқдори юқори, ўртача ёки паст деб топилади.

Акция рентабеллиги — дивиденднинг акциянинг бозор қийматига нисбати. Соф фойданинг каттагина қисмини қайта инвестициялаш йўли билан ўз фаолиятини кенгайтираётган компанияларда бу кўрсаткич нисбатан анча пастдир. Акция рентабеллиги корхона акциясига сарфланган сармоянинг даромадлилиги даражасини кўрсатади. Бу унинг бевосита таъсирдир, бироқ акция бозор қийматиининг ўзгаришида кўзга ташланадиган яна билвосита таъсири (даромад ёки зарар) ҳам мавжуд.

Дивиденд даромади — дивиденднинг битта акция соф фойдасига нисбати. Бу кўрсаткич корхона соф фойданинг қайси қисмини акциядорларига дивиденд тўлаш учун йўналтиришини кўрсатади. Дивиденд даромади корхонанинг дивиденд сиёсатини ва айна вақтда қисман инвестиция сиёсатини ақс эттиради, чунки соф фойданинг қолган қисми корхона ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга қайта инвестицияланади. Акция котировкаси — акция бозор қийматиининг унинг бухгалтерия қийматига нисбатидир.

Бухгалтерия (баланс) қиймати — корхонанинг битта акцияга тўғри келадиган ўз сармояси. Бухгалтерия қийматининг номинал қиймати ва корхона ўз маблағларида, резерв сармояси, мақсадли тушумлар ва бошқалар, яъни баланс пассивининг I қисми)ни ўз ичига олади. Котировка коэффициенти қийматиининг бирдан катталиги эҳтимолий акциядорлар акцияни харид қилаётганда унинг бухгалтерия қийматида ортиқ нарх беришга тайёр эканликларини билдиради. Агар котировка коэффициенти бирдан кам бўлса, бу корхонада инвестицияларни жалб қилиш учун замин йўқлиги, унинг молиявий ҳолати барқарор эмаслигини, бозорда корхона мулки бухгалтерия ҳисобварақларида ақс этган қийматдан арзонга баҳоланаётганлигини аниқлатади.

Шу тариқа юқорида келтирилган молиявий кўрсаткичлар таҳлили корхонанинг ишлаб чиқариш, тижорат ва бозор фаолиятини тўлиқ баҳолаш, унинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, келажақда банкротликка олиб келиши мумкин бўлган хатар белгиларини ўз вақтида аниқлаш имконини беради.

2-жадвалда келтирилган маълумотлар «ТЕКСТИЛЬ» корхонасининг икки чоракдаги амалий фаолиги кўрсаткичлари динамикасини ақс эттиради.

2-жадвал

«ТЕКСТИЛЬ» корхонаси амалий фаолиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	01.01.97 й.га	01.01.98 й.га
Ресурслар самарадорлиги (унумдорлиги) кўрсаткичлари		
Барча активлар унумдорлиги (оборотда бўлиши)	0,002	0,002
Асосий фондлар унумдорлиги	0,167	0,189
Оборот маблағларининг оборотда бўлиши	0,001	0,003
Захираларининг оборотда бўлиши	0,001	0,003
Дебиторлик қарзининг оборотда бўлиши	0,006	0,009
Рентабеллик кўрсаткичлари		
Активлар соф рентабеллиги	0,001	0,001
Акциядорлик сармояси соф рентабеллиги	0,278	0,264
Ишлаб чиқариш фондларининг умумий рентабеллиги	0,030	0,033
Маҳсулот рентабеллиги	1,000	1,000
Бозор фаолиги кўрсаткичлари		
Битта акция келтирган соф фойда, сўм	2406	2612
Дивиденд чиқини	—	0,268

2-жадвалдан кўриниб турибдики, «ТЕКСТИЛЬ» корхонасида икки чорак мобайнида асосий фондларининг самарадорлиги

радорлиги кўпайиши кузатилади. Бироқ мазкур ҳолда мусбат натижа йўқ, чунки тушум сотилаётган маҳсулот нархини ошириш ҳисобига кўпайган, асосий фондлар эса ўз қийматини амалда ўзгартирмаган ва қайта баҳоланмаган. Оборот маблағлари, ишлаб чиқариш захиралари ва дебиторлик қарзи кўрсаткичларида ошишга мойиллик кузатилади, иккинчи чоракда уларнинг қийматлари барқарорлашди.

Активлар рентабеллиги кўрсаткичларига биринчи чоракда тахминан бир даражада ушланиб турган, иккинчи чоракда эса пасайган маҳсулот рентабеллиги динамикаси таъсир кўрсатди. Акция келтирган соф фойда иккинчи чоракда ошди. Шу тариқа, «ТЕКСТИЛЬ» корхонаси амалий фаоллиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш унинг хўжалик натижалари барқарор эканлигидан далолат беради.

Ғарбда ишлаб чиқилган банкротликни прогнозлаш моделлари ривожланган бозор иқтисодиёти шароитига мос келади. Ўзбекистоннинг ўтиш даври иқтисодиёти учун худди шундай прогноз моделларини ишлаб чиқиш зарур. Мамлакатимизнинг бозорга кириб бориши, хусусийлаштириш жараёнларининг ривожланиши ва миллий иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитининг яратилиши билан бу вазифанинг аҳамияти ошиб бормоқда.

КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Республика барқарор иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида иқтисодий ноқор корхоналарни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг молиявий соғломлашишига кўмаклашиш ва банкротликдан сақлаб қолиш республиканинг иқтисодий ўсиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Корхоналар ноқорлигини аниқлаш учун қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

зарарлилик — харажатлар даромадлардан ошиб кетганда корхонанинг молиявий ҳолати даражаси;

тўловга ноқобиллик — қарздор бажариш муддати етиб келган пул мажбуриятлари ва бошқа пул кўринишидаги талабларни бажаришга қодир бўлмаган ҳолда корхонанинг молиявий ҳолати даражаси;

иқтисодий ноқорлик — корхона унга тегишли мол-мулк ҳисобига пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талаблари, жумладан, иш ҳақини тўлаш тўғрисидаги талабларни бажариш, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир бўлмаган ҳолда корхонанинг молиявий ҳолати даражаси;

санация — судга қадар корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ўтказиш;

санация қатнашчилари — санацияда молиявий ёрдам кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек ташқи бошқарувчи;

молиявий барқарорлик — корхона активлари ҳолати ва таркибини ҳамда уларнинг қолаш манбалари билан таъминланганлигини кўрсатувчи молиявий ҳолат даражаси;

пул мажбурияти — қарздорнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзланган бошқа асосларга кўра кредиторга муайян пул суммасини тўлаш мажбурияти;

мажбурий тўловлар — қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган тартиб ва шартларда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

қарздор — қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган муддатда пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондириш ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмаган жисмоний шахс, шу жумладан хусусий тадбиркор ёхуд юридик шахс;

қарздор раҳбари — юридик шахснинг якка шахсли ижроия органи, шунингдек қонуларга мувофиқ ишончномасиз юридик шахс номидан фаолият юритадиган бошқа шахслар;

кредиторлар — ҳаёти ва саломатлигига зарар етказганлиги учун қарздор жавобгар бўлган фуқаролар, шунингдек бундай қатнашишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор-юридик шахс таъсисчилари (иштирокчилари)дан ташқари пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар.

Корхоналар иқтисодий ночорлиги ҳақидаги ишлар бўйича қўмита томонидан ишлаб чиқилган Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги аломатларини аниқлаш мезонлари тизимига (1-илова) мувофиқ, корхоналар ночорлиги даражаси корхонанинг иқтисодий ночорлиги аломатлари мавжудлигини аке эйтирувчи тўрт мезон бўйича баҳоланади. Кўрсатилган мезонлар тизимига кўра:

— корхона баланси тузилмасини қониқарсиз, корхонани эса ночор деб тан олиш;

— қарздор корхонанинг тўловга қобиллигини тиклаш имкони тўғрисида қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Кўрсатилган қарорлар қонунлар томонидан белгиланган корхона ночорлигининг кредитерлар олдидаги қарзи санасига, яъни корхонанинг кредитерлар олдидаги қарзи санасига, яъни корхонанинг кредитерлар олдидаги қарзи санасига 3 ойдан ортиқ муддатта узайтирилганлиги ёки йўқлигидан қатъи назар қабул қилинади («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси). Юқорида кўрсатилган Мезонлар тизимига мувофиқ қабул қилинадиган қарорлар тўловга ноқобил корхоналарга молиявий ёрдам бериш, уларни хусусийлаштириш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган бошқа ваколатларни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Корхоналар молиявий ҳолатини баҳолаш учун қабул қилинган мезонлар меъёрий қийматлари ягона бўлиб, корхона қайси тармоққа мансублигидан қатъи назар тегишли

бўлади. Бу ҳар бир корхона юридик шахс сифатида ҳужалик фаолияти натижалари учун бутун мол-мулки билан жавобгар бўлиши билан изоҳланади. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун ҳам корхоналарнинг бирор тармоқ ва худудий хусусиятларини ҳисобга оладиган қандайдир истиснолар қилмайди.

Қуйидагилар корхоналар иқтисодий ночорлигини аниқлаш учун асосий кўрсаткичлар ҳисобланади:

- тўловга қобиллик коэффициенти;
- ўзининг ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти;
- молиявий мустақиллик коэффициенти;
- ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти.

Тўловга қобиллик коэффициенти корхонанинг тўлов имкониятларини, яъни унинг оборот маблағлари қанчалик қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашини кўрсатади.

Коэффициент Мезонлар тизими асосида формула орқали аниқланади. Оборот маблағлари суммасини аниқлашда муддати ўтган дебиторлик қарзи суммаси оборот активлари суммасидан айрилади, чунки муддати ўтган дебиторлик қарзи кредиторлик қарзини қоплай оладиган корхонанинг ҳақиқий оборот маблағи бўла олмайди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, барча мажбуриятлар суммасидан узок муддатли кредиторлик қарзи суммаси айрилади, чунки бу сумма корхоналар маблағларининг ўз манбаларига тенглаштирилади.

Агар коэффициент 2 дан кам қийматга эга бўлса, бу кўрсаткич бўйича корхона ночор ҳисобланади. Бу ҳол оборот активлари қисқа муддатли қарздан икки барабар ортиқ бўлиши керак, бундан кам бўлса, демак корхона тўловга қобил эмаслигини англатади.

Ўзининг ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти ўз маблағларининг қисқа муддатли қарз манбалари билан таъминланганлик даражасини кўрсатади, яъни ўз манбалари (устав сармояси, қўшилган сармоя, резерв сармояси, тақсимланмаган фойда) суммаси қисқа муддатли қарз суммасидан кўп бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, бу нарса корхонанинг айтилган кўрсаткич бўйича ночорлигидан далолат беради.

Корхонанинг кредитордан қарзини аниқлашда узок муддатли кредиторлик қарзи айрилади, коэффициент Мезонлар тизими бўйича формула билан аниқланади ва 2 дан кам бўлмаслиги керак; агар ундан кам бўлса, демак, корхонанинг ўз маблағ манбаларига қараганда кредиторлик қарзи кўдир, яъни бу ҳолда кредиторлик қарзини узишни таъминлаш учун кафолат бўлмайди.

Молиявий мустақиллик коэффициенти корхона молиявий мустақиллигининг ошганлиги, бўлажак даврларда молиявий қийинчиликлар хатари камайганлиги, корхона томонидан ўз мажбуриятларини сўндириш кафолати ошганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткичнинг пасайиши тегишли равишда корхона молиявий мустақиллигининг камайганлиги, келажакда молиявий қийинчиликлар хатари кўпайганлигидан далолат беради, бу эса ўз навбатида корхона томонидан кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини сўндириш кафолатларини камайтиради.

Шунга эътиборни қаратиш керакки, бу коэффициентлар корхонада иқтисодий ночорлик аломатлари мавжудлигини кўрсатади, бироқ бу ҳали банкротлик эмас.

Юқорида айтилган тўрт коэффициент ночорлик белгиларини аниқлаш учун асосий мезонлар бўлиб хизмат қилса-да, баъзи ҳолларда улар биринчи бобда кўрсатилган сабабларга кўра тўлиқ манзарани бера олмайди. Шунинг учун корхона истиқболларини баҳолаш ва мониторинг юритишни энгиллаштириш учун ушбу кўрсаткичлардан ташқари, ўтиш даврига асосий воситаларнинг эскириши, ишлаб чиқариш қувватларидан амалда фойдаланиш даражаси ва активлар рентабеллиги (фойда ёки зарар) ҳисобта оладиган кўрсаткичлар жорий қилинган.

Бизнинг назаримизда, корхона иқтисодий ночорлигини баҳолаш учун қуйидаги коэффициентларни асосий кўрсаткичлар сифатида белгилаш мумкин:

- тўловга қобиллик ёки қоплаш коэффициенти — Ктқ;
- ўзининг ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти — Кмн;
- ўзининг оборот маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти — Кмг;
- активлар рентабеллиги коэффициенти — Кар;
- қувватлардан фойдаланиш коэффициенти — Кқф;

♦ асосий воситалар эскириши коэффициенти — Кэс.

1. Дастлабки тўрт кўрсаткич Банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан 1997 йил 17 апрелда тасдиқланган Мезонлар тизимига асосан аниқланади.

2. Қувватлардан фойдаланиш коэффициенти — ишлаб чиқариш қувватларининг қанчалик иш билан таъминланганлиги даражасини кўрсатувчи кўрсаткич.

$$Кқф = \frac{Q \text{ амал.}}{Q \text{ лойиҳа.}}$$

Бунда: Q лойиҳа. — белгиланган вақт мобайнида натурал кўринишда маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) мумкин бўлган энг катта ҳажм, бунга асосий технология ускуналаридан тўлиқ фойдаланиш ва белгиланган иш тартибида эришиш мумкин;

Q амал. — ҳисобот даврида натурал кўринишда ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган хизматлар)нинг амалдаги ҳажми.

Агар ҳисобот даври учун ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти 0,6 дан ёки ўртача тармоқ кўрсаткичидан кам бўлса, корхона бу кўрсаткич бўйича иқтисодий ночордир.

3. Жиҳозларнинг эскириш коэффициенти — асосий воситаларнинг эскириш даражасини кўрсатувчи ўртача кўрсаткич.

$$Кэс = \frac{\mathcal{E}}{A}$$

Бунда: Э — асосий воситаларнинг эскириши, «Бухгалтерия баланси»нинг 1-шакл 011-сатри,

A — асосий воситаларнинг бирламчи (тиклаш) қиймати «Бухгалтерия баланси»нинг 1-шакли 010-сатри.

Агар асосий воситалар эскириши коэффициенти кўриб чиқиладиган давр охирига 0,5 қийматидан ортиқ бўлса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича ночор ҳисобланади.

Мавсумийлик омили бўйича энг қулай ҳисобот даврига қарам бўлган корхоналар бўйича энг қулай ҳисобот давридаги кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

4. Корхонанинг иқтисодий ҳолатини аниқлаш учун муайян даврга молиявий-ҳужалик фаолияти мониторинги амалга оширилади.

Корхоналар мониторинги қуйидаги шартли ажратилган гуруҳлар бўйича ўтказилади:

- тўловга қобил корхоналар;
- ихтисосини йўқотган корхоналар;
- хатар билан ишлаётган корхоналар;
- юқори хатар билан ишлаётган корхоналар;
- таъғ ҳолатдаги корхоналар;
- банкротлик чегарасидаги корхоналар;
- шартли банкрот бўлган корхоналар;
- банкрот бўлиши эҳтимоли бўлган корхоналар.

Коэффициентлар қиймати уларнинг $K_{тқ}$, $K_{ми}$, $K_{мт}$, $K_{ар}$, $K_{қф}$, $K_{эс}$ коэффициентлар қаторини аниқлаш билан аке этирилади.

Корхоналарни бирор гуруҳга киритиш ҳар бир коэффициент қийматига боғлиқ бўлади, шартли банкрот бўлган корхоналар гуруҳига эса коэффициентларнинг якуний йиғиндисидан келиб чиқиб киритилади.

Тўловга қобил корхоналар гуруҳи бошқа кўрсатилган гуруҳлардан бирортасига ҳам киритилмаган корхоналардан ташкил топади.

Стагнация ҳолатидаги ва ихтисослигини йўқотган корхоналарга молиявий коэффициентларидан қатъи назар $K_{қф} < 0,5$ (ўртача тармоқ қийматидан паст) бўлган корхоналар киритилади.

Хатар билан ишлаётган корхоналарга қуйидаги қийматларга эга бўлган корхоналар киради:

1) биринчидан ташқари барча коэффициентлар меъёрдан ортиқ;

$K_{тқ} > 2$, $K_{ми} > 2$, $K_{мт} > 0,1$.

2) кейинги исмишган икки коэффициент меъёрдан паст бўлган ва иккинчи исмишган икки коэффициентларидан бири меъёрдан юқори келмайди.

3) $K_{ар}$, $K_{қф}$, $K_{эс}$ коэффициентларидан бири меъёрдан юқори хатар билан ишлаётган корхоналарга қуйидаги шарт-шароитларда ишлаётган корхоналар киради:

1) дастлабки икки коэффициент меъёрдан паст ва кейинги икки коэффициентлардан бири (исталгани) паст, бошқаси эса меъёрдан юқори бўлганда.

$K_{тқ} < 2$, $K_{ми} < 2$ ва $K_{мт} < 0,1$ ёки $K_{мт} > 0,1$, $K_{қф} < 0,5$ ёки

2) $K_{ар}$, $K_{қф}$, $K_{эс}$ коэффициентларидан исталгани меъёрга мувофиқ келмайди.

Таъғ ҳолатдаги корхоналарга қуйидаги қийматларга эга корхоналар киритилади:

1) $K_{тқ} < 2$, $K_{ми} < 2$, $K_{мт} < 0,1$, $K_{ар} < 0,05$ (ёки ўртача тармоқ кўрсаткичидан паст). $K_{қф} < 0,6$ (ёки ўртача тармоқ кўрсаткичидан паст),

2) $K_{ар}$, $K_{қф}$, $K_{эс}$ коэффициентларидан исталган бири меъёрга тўғри келмайди.

Банкротлик чегарасидаги корхоналарга қуйидаги шартларда ишлаётган корхоналар киради:

қуйидаги коэффициентлар алоҳида олганда меъёрдан паст:

$K_{тқ} < 1$, $K_{ми} < 1$, $K_{мт} < 0,1$, $K_{ар} < 0,05$ (ёки ўртача тармоқ кўрсаткичидан паст), $K_{қф} < 0,6$ (ёки ўртача тармоқ кўрсаткичидан паст),

$K_{эс}$ эскирини коэффициенти меъёрдан ортиқ $K_{эс} > 0,5$.

Шартли банкрот бўлган корхоналарга қуйидаги икки шартда ишлаётган корхоналар киради:

1) қуйидаги коэффициентлар алоҳида олганда меъёрдан паст:

$K_{тқ} < 2$, $K_{ми} < 2$, $K_{мт} < 0,1$, $K_{қф} < 0,6$ (ёки ўртача тармоқ кўрсаткичидан паст). $K_{ар} < 0,05$ (ёки ўртача тармоқ кўрсаткичидан паст) ёки

2) якуний сумма нолдан паст:

$K_{тқ} + K_{ми} + K_{мт} < 0$.

Банкротлиги эҳтимол бўлган корхоналарга қўшимча таҳлил қилинганидан сўнг шартли банкрот бўлган ва банкротлик чегарасидаги корхоналар таркибидан чиқарилган корхоналар киритилади, бунда қуйидаги жиҳатлар ҳисобга олинини керак:

1 — янги ташкил этилган ва (ёки) қайта таъмирланаётган, хусусан, кредитни сўндириш ҳисобига таъмирланаётган корхоналар (бошланғич даврда қувватларни жорий қилингунга қалар зарарлар даромаддан кўпроқ бўлади);

2 — стратегик тавсифга эга корхоналар;
3 — лотациядаги, режага биноан зарар кўриб ишлаётган корхоналар.

Корхонани банкротлиги эҳтимол бўлган, банкротлик чегарасидаги ва танг ҳолатдаги корхоналар гуруҳига киритиш корхонанинг ночорлигини кўрсатади.

Корхонани юқори хатар билан ишлаётган, хатар билан ишлаётган, ихтисосини йўқотган корхоналар гуруҳига киритиш ночорлик белгилари мавжудлигини акс эттиради.

Ночорлик белгилари мавжудлиги ва корхонани ночорлар гуруҳига киритиш корхона раҳбарига банкротлик хатари борлиги ҳақида кўрсатма берилишига олиб келади.

Раҳбар бу ҳақда хабардор қилинганидан сўнг корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашиши, уни соғломлаштириш учун чора-тадбирлар кўрилмаслиги корхона банкротлиги ҳақидаги таклиф киритилишига олиб келади.

Банкротлик ёки санация эълон қилиниши учун Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан 1997 йил 17 апрелда тасдиқланган «Корхоналарни молиявий таҳлил қилиш бўйича услубий тавсиялар»га мувофиқ молиявий ҳолатнинг кўшимча таҳлили ўтказилади, иқтисодий хулосалар чиқарилади, асосий фондлар, оборот маблағлари, муддати узайтирилган дебиторлик кредиторлик қарзларининг амалдаги ҳолати аниқланади, қатор йиллар ичидаги рентабеллик (зарар кўришлик) даражалари ўрганилади.

Қарздор корхонада тўловга қобиллигини тиклаш имкониятининг мавжудлиги кўйидаги кўрсаткичларда яққол кўринади:

Жорий ликвидлик коэффициенти корхонанинг ҳужалик фаолиятини юритиш ва қисқа муддатли мажбуриятларини ўз вақтида сўндириш учун оборот маблағларига эгалитини акс эттиради. Жорий ликвидлик коэффициенти корхонада мавжуд ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва бошқа оборот маблағлари кўринишидаги корхона оборот маблағлари амалдаги қийматининг (баланс активининг 2-бўлими яқунлари йиғиндиси) банк қисқа муддатли кредитлари, қисқа муддатли қарзлар ва кредиторлик қарзи кўринишидаги энг қисқа муддатли мажбуриятларига (баланс пассиви 2-бўлими яқу-

ни, бундан 400, 410, 380, 370-сатрлар чегирилади) нисбатидан келиб чиқади. Жорий ликвидлик коэффициенти ҳисоб-китоб қилиш учун формуланинг кўриниши кўйидагича:

$$K1 = \frac{A_2}{(400 + 410 + 420 + 430) - (400 + 410 + 380 + 370)}$$

Бунда: A_2 — баланс активининг 2-бўлими яқуни.

Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти корхонада молиявий барқарорликни таъминлаш учун зарур ўз оборот маблағлари мавжудлигини кўрсатади. Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ўз маблағлари манбалари ҳажмлари (баланс пассивининг 1-бўлими яқуни) ва асосий маблағлар ҳамда бошқа оборотдан ташқари активлар (баланс активининг 1-бўлими яқуни) айирмасининг корхонада мавжуд ишлаб чиқариш захиралари, тутатилмаган қурилиш, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва бошқа оборот маблағлари кўринишидаги оборот маблағлари (баланс активи 2 бўлими яқунлари йиғиндиси) амалдаги қийматига нисбати сифатида аниқланади. Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ҳисоблаш формуласи кўйидаги кўринишга эга:

$$K2 = \frac{П_1 - П_2}{A_2}$$

Бунда: $П_1$ — баланс пассивининг 1-бўлими яқуни;

A_1 — баланс активининг 1-бўлими яқуни;

A_2 — баланс активининг 2-бўлими яқуни.

Кўйидаги шартлардан бири бажарилса, корхона баланси таркиби қониқарсиз, корхона эса тўловга ноқобил деб топилади:

— ҳисобот даври охирида жорий ликвидлик коэффициенти 2 дан кам қийматга эга бўлса;

— ҳисобот даври охирида ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,1 дан кам қийматга эга бўлса.

Корхонани тўловга ноқобил деб тоиш унинг ночорлигини тан олишни аниқлатмайди, эгаси фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан жавобгар бўлишига олиб келмайди. Бу Кўмита

томонидан молиявий нобарқарорлик ҳолатининг қайд этилиши, холос. Шунинг учун кўрсаткичларнинг меъёрлари қийматлари шундай белгиланганки, корхона молиявий ҳолатининг оператив назоратини таъминлаш ва ночорликнинг олдини олиш бўйича вақтида чоралар кўриш, шунингдек корхонанинг танг ҳолатдан мустақил чиқишини рағбатлантиришга имкон беради.

Агар юқорида кўрсатилган коэффициентлардан бирортаси белгиланган талабларга жавоб бермаса, бўлажак давр (6 ой) учун тўловга қобилликни тиклаш коэффициенти (6 ой) учун тўловга қобилликни тиклаш коэффициенти 2 дан ортиқ ёки тенг, ўз маблағлари билан таъминлашни коэффициент эса 0,1 дан ортиқ ёки тенг бўлса, бўлажак давр учун (3 ой) тўловга қобилликни эҳтимоллий йўқотиш коэффициенти ҳисобланади. Шу тариқа корхонада олдиндан белгиланган муайян давр ичида тўловга қобиллигини тиклашнинг ҳақиқий имконияти мавжудлиги тўловга қобилликни тиклаш (йўқотиш) коэффициенти ёрдамида аниқланади.

Тўловга қобилликни тиклаш коэффициенти ҳисоб-китоб қилинган жорий ликвидлик коэффициентининг унинг белгиланган қийматига нисбати кўринишида аниқланади. Ҳисоб-китоб қилинган жорий ликвидлик коэффициенти ҳисобот даври охиридаги жорий ликвидлик коэффициентининг амалдаги қиймати ва тўловга қобилликни тиклаш даврига (6 ой) қайта ҳисобланганда ҳисобот даври бошлари ва тугаши орасида ушбу коэффициент қийматининг ўзгариши йиғиндисидан келиб чиқади. Тўловга қобилликни тиклаш коэффициенти қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{ткг} = \frac{Ka_1 + \frac{N}{T} (K\phi_1 - Kb_1)}{2},$$

Бунда: Ka_1 — жорий ликвидлик коэффициентининг амалдаги қиймати (ҳисобот даври охирига келиб);
 $K\phi_1, Kb_1$ — жорий ликвидликнинг ҳисобот даври бошидаги қиймати;
 2 — жорий ликвидлик коэффициентининг меъёрдаги қиймати;

N — тўловга қобилликни тиклашнинг меъёрдаги даври, ойларда;

T — ҳисобот даври, ойларда.

6 ойда тенг меъёрдаги даврга ҳисобланган тўловга қобилликни тиклаш коэффициенти қиймати 1 дан ортиқ бўлса, корхонада ўз тўловга қобиллигининг ҳақиқий имконияти мавжудлигини билдиради. Агар бу коэффициент 1 дан кам бўлса, яқин келажакда корхонанинг тўловга қобиллигини тиклаш имконияти бўлмайди.

Жорий ликвидлик коэффициенти келатган йил мобайнида ўз қисқа муддатли мажбуриятларини сўндириш учун корхонада ишлатиладиган маблағ етарлими ёки йўқлигини ақс эттиради.

Жорий ликвид- лик ко- эффи- циенти	=	Пул мблағ- лари	+	Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	+	Соф де- биторлик қарзи	+	Моддий ишлаб чиқарини захиралари
		Корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари						

Энг паст кўрсаткич корхонада қисқа муддатли мажбуриятларини сўндириш учун оборот маблағлари етарли бўлиши кераклиги билан изоҳланади, ақс ҳолда, у банкрот бўлиш хатари олдида қолади. Оборот маблағларининг қисқа муддатли мажбуриятлардан икки баравар ошиб кетиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу сармоянинг нотўғри тармақсидан мувофиқ эмас, қисқа муддатли мажбуриятлардан икки баравар ошиб кетиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу сармоянинг нотўғри тармақсидан мувофиқ эмас, чунки бу сармоянинг нотўғри тармақсидан мувофиқ эмас, чунки бу сармоянинг нотўғри тармақсидан мувофиқ эмас. Коэффициенти таҳлил қилишда унинг динамикасига алоҳида эътибор қаратилади.

Тўловга қобилликни йўқотиш коэффициенти ҳисоб-китоб қилинган жорий ликвидлик коэффициентининг унинг белгиланган қийматига нисбати сифатида аниқланади. Ҳисоб-китоб қилинган жорий ликвидлик коэффициенти ҳисобот даври охиридаги жорий ликвидлик коэффициентининг тўловга қобилликни йўқотиш даврига (уч ой) қайта ҳисобланганда ҳисобот даври охири ва боши оралиғида мазкур коэффициент қийматининг ўзгариши билан йиғиндиси сифатида аниқланади. Тўловга қобилликни йўқотиш коэффициенти қуйидаги формулага кўра ҳисобланади:

$$K_{йўк} = \frac{Ka_1 + \frac{3}{T} (K\phi_1 - Kb_1)}{2},$$

Бунда: Ka_1 — жорий ликвидлик коэффициентининг амалдаги қиймати (ҳисобот даври охирига келиб);

$Kф_1$, $Kб_1$ — ҳисобот даври бошидаги жорий ликвидлик коэффициенти қиймати;

2 — жорий ликвидлик коэффициентининг меъёрдаги қиймати;

3 — корхона тўловга қобиллигини йўқотишнинг меъёрдаги даври, ойларда;

T — ҳисобот даври, ойларда.

3 ой муддатга ҳисобланган тўловга қобилликни йўқотиш коэффициенти қиймати 1 дан ортиқ бўлса, корxonанинг тўловга қобиллигини йўқотмаслиги ҳақиқий имкониятидан далолат беради. Агар бу коэффициент 1 дан кам бўлса, корхона яқин орада тўловга қобиллигини йўқотиши мумкинлигини аниқлатади.

Корхона баланси таркибини қониқарсиз деб тан олиш учун асослар мавжуд бўлганда, бироқ корxonанинг белгиланган муддатларда тўловга қобиллигини тиклашнинг ҳақиқий имконияти борлиги аниқланса, баланс таркибини қониқарсиз, корxonани эса тўловга ноқобил деб тан олишни Қўмита томонидан белгиланган муддатга узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Тўловга қобилликни тиклаш (йўқотиш) коэффициенти аниқ қиймати ҳисобга олиниб, корхона баланси таркибини қониқарсиз деб тан олишга асослар бўлмаганда қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

тўловга қобилликни тиклаш (йўқотиш) коэффициентини қиймати 1 дан ортиқ бўлганда баланс таркибини қониқарсиз, корxonани эса тўловга ноқобил деб тан олиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши мумкин эмас;

тўловга қобилликни тиклаш (йўқотиш) коэффициентини қиймати 1 дан кам бўлса, баланс таркибини қониқарсиз, корxonани эса тўловга ноқобил деб тан олиш ҳақидаги қарор қабул қилинмайди, лекин ушбу корхона томонидан тўловга қобилликни йўқотишнинг хатари мавжуд бўлганлиги сабабли у белгиланган тартибда ҳисобга кўйилади.

Кредиторлар даъволари бўйича корxonалар ночорлиги тўғрисида иш кўрилатганида Қўмита хўжалик судлари расмий талаби билан юқорида кўрсатилган коэффициентлар қийматларига асосланиб корxonанинг молиявий ҳолати ва

баланси таркибини баҳолаш ҳақида хулоса тайёрлайди. Мазкур вазифа Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурдаги Корxonалар иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича қўмита фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 465-сон қарорига мувофиқ юклатилган.

Агар юқорида баён этилган қоидалардан келиб чиқиб корxonанинг ночорлиги давлатнинг ундан қарздорлигига бевосита боғлиқ эмаслиги қайд этилса, мазкур ҳол мулкида давлат улуши бўлган корхона раҳбарига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ-1658-сон «Корxonалар банкротлиги тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сон «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида бажариш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларида кўзда тутилган жавобгарлик чораларини кўриш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, шу билан бирга, корxonалар ночорлиги ишлари бўйича меъерий ҳужжатларда давлатнинг корxonалар олдида бевосита қарзи билан боғлиқ қандайдир имтиёзлар белгиланмаганлигини таъкидлаш лозим.

Фикримизча, устав сармоясининг 25 фоиздан ортиги (бадаллар, акциялар) давлатга тегишли бўлган корxonаларга (бадаллар, акциялар) давлатга тегишли бўлган корxonаларга нисбатан ушбу ҳолнинг қўлланилиши мажбурий тарзда Қўмита ташаббуси билан навбатдан ташқари қақириладиган, корхона таъсис ҳужжатларига мувофиқ корхона раҳбариятини ишдан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилишга ваколатли орган қарорига кўра раҳбарларни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш бўйича Қўмитанинг юридик ҳаракатларига олиб келади. Қўмита қарздор корхона раҳбариятини эгаллаб турган лавозимига жавоб бермаганлиги учун ишдан бўшатиш ҳақида қарор киритиши лозим. Раҳбарни лавозимидан бўшатиш тўғрисидаги қарор корхона ночор деб тан олинган пайтдан бошлаб амалга киритилиши мумкин. Агар корxonанинг ночорлиги бевосита давлатнинг ундан қарздорлиги билан боғлиқ бўлганлиги аниқланса, бу корхона раҳбарини эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш масаласини кўйиш учун асос йўқлигидан далолат беради.

Бир мисолни кўриб чиқайлик. (1)–(3) формулалар ёрдамида корхона баланси ва молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот асосида мезон кўрсаткичлари ҳисоб-китоби ама.па.на.онширилди ва олинган натижалар 3-жадвалда кўрсатилади.

3-жадвал

Баланс таркибини баҳолаш

№	Кўрсаткич номи	01.07.96 й. да	01.07.97 й. да	Кўрсаткичнинг метъерий қиймати
1.	Жорий ликвидлик коэффициенти	1,467	1,627	<2,0
2.	Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	0,318	0,385	>0,1
3.	Корхонанинг тўловга қобилиятини тиклаш коэффициенти	-0,20	-0,20	<1,0

3-жадвал кўрсаткичлари қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Жорий ликвидлик коэффициенти кейинги йил мобайнида қисқа муддатли мажбуриятларини сўндириш учун корхонада етарли маблағ йўқлигини кўрсатмоқда.

2. Корхона оборот фондларини тўлдириш учун ўзининг маблағлари етишмаслиги оқибатида молиявий нобарқарорлик сезмаяпти.

3. Корхона олти ой ичида (шартли) тўловга қобилиятини тиклаш имконига эга эмас.

Агар корхона почорлиги тузатишган жорий ликвидлик коэффициенти ёрдамида (давлат қарздорлиги билан боғлиқ бўлмаганда) аниқланса, бундай почорлик давлатнинг ундан қарздорлиги билан бевосита боғлиқ эмаслигини кўрсатади. Ушбу ҳолда корхона почорлиги учун раҳбар жавобгар эканлиги исботланган дейиш мумкин. Демак, қарздор корхона раҳбарини эгаллаб турган давлатнинг жавоб бермаганлиги учун ишдан бўшатини ҳақида қарор қабул қилиш мумкин.

КОРХОНА НОЧОРЛИГИ САБАБЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона банкрот ёки бошқа корхонанинг банкротлиги курбони бўлиши мумкин. Аммо моҳирлик билан ишлаб чиқилган иқтисодий стратегия, молия, инвестициялар, парх ва маркетинг соҳасидаги оқилона сиёсат юритиш корхонага бунинг олдини олиш, кўп йиллар мобайнида амалий фаолигини, фойда олиш ва ишончли шерик ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи сифатидаги юқори нуфузини сақлаб қолиш имконини беради.

Ғарб мамлакатлари тажрибасининг кўрсатишича, ҳар бир банкрот бўлган корхона муайян сабаблар ва вазиятлардан келиб чиқиб, ўзича «касол» бўлади. Шундай бўлса-да, ҳар қандай банкротликдан сақланидиган универсал бир тадбир бор — корхонанинг молиявий ҳолатини мухтазам таҳлил қилиб туриш лозим. Бу талаб муваффақиятга олият юритаётган корхоналарга ҳам тегишли. Бозор иқтисодиёти шароитларида айнан молиявий таҳдидга етакчи ўрин берилади, у туфайли молиявий ресурсларни самарали бошқариш имкони туғилади. Ушбу ресурслар асосий воситалар ва оборот маблағлари, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш ва ушунинг рағбатлантириш маблағларига қанчалик тўлиқ ва мақсадга мувофиқ айлантирилганлигига, умуман корхона, унинг мулк эгалари ва ходимлари фаровонлиги боғлиқ бўлади. Молиявий таҳлил кўп мақсадли воситадир. Унинг ёрдамида асосланган инвестицияга оид ва молиявий қарорлар қабул қилинади, корхонадаги мавжуд ресурслар баҳоланади, улардан фойдаланиш тамойиллари аниқланади, яқин ва узоқ келажакка корхонани ривожлантириш прогнозлари ишлаб чиқилади.

Маъмур параграфда банкротлик ташҳиси, яъни молиявий таҳдиднинг биринчи навбатда корхона фаолиятидаги банкротлик юзага келиши эҳтимоли нуқтани назардан хавфли бўлган турли нуқсонлар ва камчиликларни имкон борича олдинроқ аниқлашга қаратилган тури кўриб чиқилади. Таҳлилий иш жиддий йўлда кўйилган корхона келажакдаги тангликни аввалроқ аниқлаш, унга ишбаган тезкор чора кўришга қодир, унинг «кўнгилсизликлар»дан халос бўлиш ёки хатарлилик да-

ражасини камайтириш эҳтимоли ҳам кўпроқдир. Шунингдек, яхши маълумки, ҳар қандай касаллик қанчалик олдин аниқланса, шунчалик осон тuzатилadi.

Кўпгина омиллар банкротлик сабаби бўлиши мумкин. Бу омилларни ички, яъни корхона ичида, раҳбарият ва ходимлар хатолари, камчиликлари билан боғлиқ бўлган ҳамда ташқи, корхонадан ташқарида вужудга келадиган ва кўпинча унинг таъсирида бўлмаган омилларга ажратиш мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда корхоналар банкрот бўлишининг 1/3 қисми ташқи омиллар, 2/3 қисми эса ички омиллар билан изоҳланади. Ўзини иқтисодиёти шароитларида ташқи омиллар ички омиллардан кўпроқни ташкил этади (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Корхоналар ичоралигига таъсир кўрсатадиган омиллар

1. Меъёрдан ортиқча хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотга маблағ ажратиш натижасида ўз оборот маблағларининг камомади.
2. Маҳсулотни сотиш ҳақиқий нархини белгилаш механизмининг шаклланмаганлиги, яъни олинadиган фойда асосида бевосита ва билвосита харажатларни нотўғри ҳисобга олиш.
3. Шартнома интизомининг шаклланмаганлиги, уни бузганлик учун томонлар жавобгарлиги белгиланмаганлиги, шартномаларда шартларни бузганлик учун икки томонга қўйиладиган молиявий жазо чораларининг мавжуд эмаслиги.
4. Хўжалик жараёнига амал қилинмаганлик учун корхона юридик хизматларининг чора кўрмаслиги, яъни корхоналар юридик маслаҳатчилари ишнинг дастлавражадаллиги ёки уларнинг умуман йўқлиги.
5. Ижтимоий, маданий-маиший объектларни сақлашга харажатларнинг кўпайиши. Корхона банкротлик ёқасида

турганига қарамай унинг балансида турар жойлар, соёломлаштириш ва мактабгача муассасалар, маданий-маиший йўналишдаги бошқа объектлар сақланади, уларнинг харажатлари корхона оборот маблағларини жалб қилиш ҳисобига қопланади.

6. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўсиши. Ночор корхоналар балансида даъво муддати ўтиб кетган қарз суммалари ҳисобда бўлади. Қарзни ундириш ва оборот маблағларини кўпайтириш бўйича тадбирларнинг самарали эмаслиги.
7. Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти зарари ҳисобига тугалланмаган капитал қўйилмаларга оборот маблағларнинг жалб этилиши.
8. Балансида ноликвид товар-молдий бойликларнинг мавжудлиги.
9. Ноишлаб чиқариш харажатлари, яъни асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ва даромад келтирмайдиган харажатлар.
10. Оборот маблағларини ўз акцияларини харид қилишга сарфлаш. Бу асосан раҳбарлари оборотдан оборот маблағларини жалб қилиб АЖ акциялари назорат пакетини эгаллик қилишга интилаётган акциядорлик жамиятларида қузатилади.
11. Корхоналар раҳбарлари ва иқтисодий хизматлари масъул ходимларининг солиқ солиш масалаларини билмаслиги.
12. Корхонанинг тижорат фаолияти ҳақидаги ахборотнинг бошқаларга маълум бўлиши.

Энг муҳим ташқи омилларга инфляция (бошланғич хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия манбаи, бугловчи буюмлар, транспорт ва бошқа хизматлар билан бирга корхона маҳсулоти ва хизматларига нархларнинг апча ва нотекис

ошиб кетиши), банк фоиз ставкалари ва кредитлаш шартлари, солиқ ставкалари ва божхона божлари ўзгариши, меҳнатта оид қонунларда мулкдорлик ва ижара муносабатларининг ўзгариши ва энг кам иш ҳақи янги миқдорининг белгиланиши ва бошқалар кирди. Кўрсатилган омиллардан баъзилари корхонанинг дарҳол банкрот бўлиши, бошқалари аста кучайиб, кўпайиб бориб, корхонанинг ишлаб чиқаришини таназзулга етаклаши ва оқибатда банкрот бўлишга олиб келиши мумкин.

Асосан корхоналар ички омиллар таъсирида банкротлик ёқасида бўлишади. Чунончи, гарб экспертлари баҳо-сита кўра, кичик корхоналар турли даражадаги муваффақиятсизликларининг 90 фоизи менежерлар тажрибасизлиги, раҳбарият билимсизлиги, унинг ўзгарувчан бозор муҳитида йўл топа билмаслиги, хизмат лавозимини суин-стеъмол қилиши, фикрлашнинг эскичалигидан келиб чиқали, булар корхонани самарасиз бошқариш, нотўғри қарорлар қабул қилиш, бозорда тутган ўрнини йўқотишга олиб келади. Кўринишича, бу омиллар республикамиз корхоналарига ҳам тегишли.

Молиявий таҳлил босиб келаётган кулфатнинг муайян сабабини аниқ белгилаб беради, деб кутиш керак эмас. Бироқ фақат унинг ёрдамида корхона иқтисодий «касал-лиги»нинг тўғри ташҳисини қўйиш, корхона иқтисодиётидаги энг заиф жойларни аниқлаш ва танг аҳволдан чиқиш бўйича самарали қарорларни таклиф этиш мумкин.

Корхонанинг аниқ молиявий ҳолати ҳақидаги объектив маълумотларни олишдан қўйидагилар манфаатдор: 1) корхона мулкдорлари (таъсисчилар ва акциядорлар), чунки банкротлик улар учун ўз сармоясидан маҳрум бўлиш, қатор ҳолларда эса хонавайрон бўлишни аңглатади; 2) кредиторлар (банклар, инвестиция компаниялари, корхона облигациялари эгалари), чунки корхона банкрот бўлган-лиги муносабати билан улар фоизларни тўлиқ олмаслик, баъзи ҳолларда эса кредитнинг қайтмаслигидан зарар кўра-ди; 3) корхона раҳбарлари, мутахассислари ва бошқа ёллан-ма ходимлари, улар учун корхонанинг банкрот бўлиши амалдан маҳрум бўлишни аңглатади; 4) корхонанинг амал-дий шериклари (шерик корхоналар, материаллар етказиб-берувчилар, товар ва молиявий брокерлар, маҳсулотни

сотиш бўйича дилерлар) — корхона банкрот бўлганида улар фойдали бутортмалардан маҳрум бўладилар ва шунинг учун зарар кўрадилар; 5) давлат бошқарув органлари, жумладан солиқ хизмати, чунки корхоналар ялпи банкрот бўлгани-да республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар солиқ ва тўловлар кўринишидаги тушумларнинг маълум қисмидан маҳрум бўладилар (2-чизмага қаранг).

Манфаатдор шахсларда таҳлил учун бошланғич ахборотни олиш имкони турличадир. Корхона бошқарув хо-димлари энг кўп маълумотга эга. Улар бевосита корхона-нинг ўзида корхона бошқаруви вазифаларидан келиб чи-қиб, молиявий фаолиятнинг ички таҳлилинини ўтказишади. Бу таҳлил қилишнинг энг чуқур ва муфассал туридир: уни ўтказишда ишлаб чиқариш жараёни йўналишини, тижо-рат фаолияти, муайян бўлинмалар ва умуман корхона ин-фратузильмаси ва молиявий натижалари ҳолатини объек-тив баҳолаш имконини берадиган барча маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Бошқа манфаатдор шахсларда ахборот олиш имкония-ти чекланган. Улар корхона молиявий ҳисоботининг эълон қилинадиган расмий ахборотларидан келиб чиқиб, ташқи таҳлилни амалга оширишлари мумкин. Бу ҳисобот маълумотлари кўпинча умумлаштирилган кўринишга эга бўла-ди, чунки корхона тижорат сирини сақлаш ҳақида гамхўр-лик қилади. Мамлакатимиз ва хорижий ҳисоб юритиш амал-лиётида корхона фаолиятининг расмий молиявий ҳисо-ботда берилган чекланган кўрсаткичлари доираси бўйича ҳам унинг молиявий ҳолатини аниқлаш имконини бера-диган турли таҳлил қилиш услублари ишлаб чиқилган ва амалда қўлланади.

Молиявий ҳисобот натижаларига кўра корхона фаолия-ти доимий равишда акциядорлар, кредитдорлар, мол етказиб берувчилар, ҳақиқий ва эҳтимолий инвесторлар ва бош-қаларнинг кузатуви ва назоратида бўлади. Бундай таҳлилни амалга ошириш учун одатда аудиторлик ва маслаҳат фир-маларидан корхона ҳақидаги маълумотларнинг мустақил ва малакали экспертзасига кафолат берадиган билимдон му-тахассислар жалб қилинади. Оғир молиявий ҳолатда бўлган корхоналар ўз муаммоларини яшириши ва, табиийки, ҳисо-бот кўрсаткичларини ўзгартириши ёки кўпайтириб кўрса-

Корхона баланси таркиби

Актив	Пассив
I-бўлим. Узоқ муددели активлар	I-бўлим. Ўз маблағлари манбалари
II-бўлим. Оборот активлари	II-бўлим. Мажбуриятлар

Таҳлилнинг яна бир муҳим ҳужжати — «**Молиявий фаолият ҳақида ҳисобот**» дир (2-шакл). У қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: 1) сотишдан келган соф тушум; 2) сотишнинг ялпи молиявий натижаси; 3) асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси; 4) умумхўжалик фойдасининг молиявий натижаси.

«**Сотишдан келган соф тушум**» бўлимида мазкур корхонани ташкил этишнинг мақсади бўлган маҳсулот, товарлар, ишлар, хизматларни сотишнинг, шунингдек корхонанинг қўшимча, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш корхоналари маҳсулотини четга сотишнинг молиявий натижаси; хўжалик ҳисоб-китобида бўлмаган ҳамда хўжалик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятидан даромад оладиган корхоналар томонидан олинган даромаднинг харажатлардан ортиқча суммаси кўрсатилади.

«**Сотишнинг ялпи молиявий натижаси**» сотишдан келган соф тушум ва ишлаб чиқариш таннархининг айирмаси сифатида аниқланади.

«**Асосий фаолиятнинг молиявий натижаси**» ни аниқлаш учун ялпи молиявий натижадан сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, бошқа харажатлар (яъни 26-4-илова ҳисобварақдан ташқари 26-«Давр харажатлари» ҳисобварағи) йиғиндиси айрилади ва бошқа даромадлар суммаси қўшилади.

«**Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси**» — асосий фаолият молиявий натижаси қўшув (ёки айтирув) корхонанинг молиявий фаолияти натижаларидир.

Расмий молиявий ҳисоботнинг (1, 2-шакллар) юқорида кўриб чиқилган ҳужжатлари етарлича бошланғич маълумотларни қамраб оладигани, уларни таҳлил қилиб корхо-

тини керак эмас. Ташқи мустақил экспертизани ташкил этиш улар учун айниқса муҳимдир, чунки корхона бошидан кечираётган қийинчиликлар миш-мишларга ва иносифиз рақобатчилар томонидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланилган воситага айланиши мумкин. Бу шунингдек доимий шерикларнинг корхонага бўлган ишончини мустаҳкамлаш тарови бўлиб хизмат қилади.

Биринчи навбатда қуйидаги йиллик молиявий ҳисобот ҳужжатларида акс этирилган маълумотлар таҳлил қилинади:

«Корхона баланси» (1-шакл);

«Молиявий фаолият ҳақидаги ҳисобот» (2-шакл);

«Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот» (3-шакл);

«Пул оқимлари ҳақида ҳисобот» (4-шакл);

«Ўз сармоясига ҳақидаги ҳисобот» (5-шакл).

Бухгалтерия баланси — бухгалтерия ҳисоботининг асосий шакли бўлиб, ҳисобот даври (йил, чорак) охирида келиб маблағларнинг пул кўринишидаги ҳолати, шунингдек бу маблағларнинг давр бошига нисбатан ўзгаришини кўрсатади. Баланс икки томонли жадвал кўринишида қурилади: чап қисмида активлар, яъни корхонанинг хўжалик воситалари (асосий воситалар, ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, касса ва ҳоказо) ва қарз ҳуқуқлари; ўнг қисмида эса — пассивлар, яъни корхонанинг маблағларни шакллантириш манбалари ёки қарзлар ва кредиторларнинг қарзлари бўйича мажбуриятлари (устав сармоясига, банклар кредитлари, мол етказиб берувчилардан қарзлар ва ҳоказо) акс этирилади. Активлар ва пассивлар бўйича яқунлар тенг, баланс тушунчасининг маъноси айнан шунда кўринади (6-илова).

Баланс жадвали икки қисмга бўлинади, улардан бирида хўжалик воситалари акс этади ва у актив деб номланади, иккинчисига воситалар манбалари кўрсатилади ва у пассив деб номланади. Ҳар бир қисм балансининг тегишли моддаларини ўз ичига олган икки бўлимдан иборат бўлади (5-жадвал). Муайян хос рақамга эга ҳар бир моддада ҳисобот даврининг боши ва охиридаги сумма кўрсатилади.

Балансининг ҳар бир моддаси учун бухгалтерия ҳисоботи рағи (актив ва пассив) рақами, белгиланган вақтда балансининг ушбу моддасига кўчирилган сальдо акс этирилади.

на молиявий ҳолатининг барқарорлиги ёки побарқарорлиги ҳақидаги тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари шаклидаги корхоналарга нисбатан яна бир ахборот олиш манбаи мавжуд. Бу қимматли қоғозларнинг биржа ва биржалар ташиқари бозорларида мазкур корхона акцияларининг котировкаси ҳақидаги ахборотдир. Акцияларнинг бозор курси корхона молиявий ҳолатининг индикатори ҳисобланади. Ночор корхона ўз акцияларининг юқори курсга эга бўлишига умид қилмаса ҳам бўлади. Эмитент корхона ночор бўлганда унинг акцияларига бўлган талаб кескин камаяди, тегишли равишда уларнинг бозор нархи ҳам тушади.

Шу тариқа, фақат кўрсаткичларни (молиявий коэффициентларни, айниқса уларни маҳсулот тавсифи ва қўлланадиган технологиялар бўйича ушбу корхонага яқин бошқа корхоналарнинг бир неча йиллик кўрсаткичлари билан таққослаганда) таҳлил қилиш нохуш оқибатларни ҳамда корхона ҳолатининг эҳтимолий ёмонлашишини ўз вақтида кўрсатиши мумкин.

КОРХОНАЛАРНИНГ ЗАРАР КЎРМАЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШINI ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ

Корхона фаолият юритаётганида кўнгина қутилмаган ҳодисаларга дуч келиши мумкин. Вазиятни тўғри баҳолаш, қутилмаган хатарлар, ҳар томонлама кўра билиш, молия, инвестициялар, маркетинг, меҳнатга оид муносабатлар, техника ва технология соҳасида ўз вақтида асосли қарорлар қабул қилиш — бозорда корхонанинг барқарор ҳолатини сақлашнинг шартлари ана шулардан иборат.

Баъзида биттагина нотўғри қарор турғун бўлиб кўринган корхонани банкротлик ёқасига олиб келиб қўйиши мумкин. Барча қабул қилинадиган қарорлар учун тайёр ашдозаларни таклиф этиш мумкин эмас, бироқ шундай муаммолар ҳам борки, уларни ҳал қилиш корхонанинг тўловга қобилиги ва зарар кўрмай ишлашига таъсир кўрсатиши турган гап. Бунда ишлаб чиқаришнинг мақбул ҳажмини ва корхонани ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқ суръатларини танлаш ҳақида сўз бормоқда.

Маҳсулотнинг янги турини ўзлаштиришда ишлаб чиқаришнинг (сотишнинг) энг кам ҳажмининг, яъни фойда нолга тенг бўлганда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг кам миқдорини аниқлаш зарурати тувилади. Бундай кам ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш фақат зарар келтиради. Корхона бирор сабаблар (талабнинг камайиши, хом ашё ва бутловчи қисмларни етказиб беришнинг қисқариши, маҳсулотни янгисига алмаштириш)га кўра маҳсулотни ишлаб чиқаришни камайтиришга мажбур ҳолларда ҳам энг кам ҳажмини аниқлаш лозим.

Ушбу вазифани бажариш учун ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотишнинг барча харажатларни икки турга: ўзгарувчан ва доимий харажатларга ажратиш керак. Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмларига бевосита муносабат равишда боғлиқдир. Маҳсулот бирлиги таннархида бундай харажатларнинг муайян миқдорини аниқлаш мумкин. Уларга асосий материаллар, харид қилинадиган бутловчи буюмлар, махсус асбоблар ва технология энергияси, асосий ишчилар иш ҳақи, ички транспорт ва бош-

қаларнинг харажатлари киреди. Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмининг баъзи оралиқдаги ўзгаришида ҳам сақланиб қолади. Бунда кўриб чиқиладиган оралиқда технология, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жиҳозлар таркиби, ишлаб чиқаришни бошқариш тизими деярли ўзгармай қолади. Асосан мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарадиган ускуналарни банд этиш ўзгаради. Доимий харажатларга амортизация ажратмалари, бошқарув ва таъмирлаш харажатлари, ижара ҳақи, кредит учун фоизлар ва бошқалар киреди. Бунга яна таннархга киритиладиган кўпгина солиқларни, масалан, мол-мулк солиғи, ер солиғини ҳам киритиш мумкин.

Маҳсулот сотишдан тушган соф фойда сотишдан келган соф тушум (солиқларсиз) билан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари айирмасига тенг:

$$\Phi = T - X,$$

бунда Φ — сотишдан келган соф фойда;
 T — сотишдан келган соф тушум (солиқлар чегирилганда);
 X — маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари.

Агар ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажми ўзгаришининг кўриб чиқиладиган оралиғида маҳсулот бирлиги нархи аввалги даражада қолса, тушум ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмига натура ифодасида тўғри мутаносиб бўлади:

$$T = pQ,$$

бунда p — буюм (маҳсулот бирлиги) нархи;
 Q — ишлаб чиқариш (сотиш)нинг натура кўринишидаги ҳажми.

Барча харажатлар ўзгарувчан ва доимий харажатлардан ташкил топади:

$$X = \dot{y}Q + S,$$

бунда \dot{y} — битта буюм учун ўзгарувчан харажатлар;
 S — доимий харажатлар.

Ёзилган формулаларни бирлаштириб, фойда ифодасини чиқарамиз:

$$\Phi = (p - \dot{y})Q - S.$$

Ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажмини аниқлаётганда фойда нолга тенг бўлади.

Юқорида келтирилган формуладан $\Phi = 0$ бўлганда ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажми учун ифодани топамиз:

$$Q_{\text{эк.}} = \frac{S}{p - \dot{y}}$$

Ғарб мутахассислари ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажми ҳисоб-китоб қилаётганда шунингдек сотиш натижаси тушунчасини ҳам қўллашади, у вақтинчалик харажатлар чегирилгандаги соф фойдага тенг бўлади:


$$C = T - \dot{y}Q = (p - \dot{y})Q,$$

бунда C — сотиш натижаси.

Ушбу ҳолда фойда сотиш натижаси ва доимий харажатлар айирмаси сифатида қаралади:

$$\Phi = P - S = (p - \dot{y})Q - S.$$

Ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажмини аниқлаш формуласи аввалгидек қолганлигини кўриш қийин эмас. Ишлаб чиқариш (сотиш)нинг энг кам ҳажмини аниқлашни чизмада ҳам тасвирлаш мумкин (1-расм).



1-расм.

Тушум ва умумий харажатлар линиялари кесинганидан ҳосил бўлган I нуқтаси ҳам, сотиш натижаси ва доимий харажатлар линиялари кесинганидан ҳосил бўлган 2 нуқтаси ҳам ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажми қийматини беради.

Тадбиркорлик амалиёти учун ишлаб чиқаришнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кам ҳажминини аниқлаш ҳам муҳимдир, бунда маҳсулот рентабеллиги даражаси паст мақбул даражада бўлади. Маълумки, маҳсулот рентабеллиги соф фойданинг сотишдан келган тушумга нисбатига тенгдир:

$$R = \frac{\Phi}{T} = \frac{(p - \ddot{y}) \times Q - S}{pQ}$$

Бу боелиқликдан $R = R_{mp}$ бўлганда ишлаб чиқаришнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кам ҳажминини аниқлаш учун ифода топамиз, бунда R_{mp} — паст мақбул рентабеллик:

$$Q_{йқ} = \frac{S}{(1 - R_{mp}) \times p - \ddot{y}}$$

Баъзи хорижий муаллифлар ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажминини рентабеллик чегараси деб аташади ва унинг ҳисоб-китобига корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашади. Ишлаб чиқаришнинг амалдаги ҳажми билан энг кам ҳажми ўртасидаги фарқ қанчалик катта бўлса, корхонанинг «молиявий мустаҳкамдир», яъни молиявий барқарорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. «Молиявий мустаҳкамлик захираси» амалдаги тушум билан ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажмига тўғри келувчи тушум орасидаги фарқ ёки бу фарқнинг амалдаги тушумга нисбати сифатида ҳисобланади. «Молиявий мустаҳкамлик захираси» сотишдан келган тушумнинг корхона молиявий ҳолатига жиддий хатар туғдирмай қанчалик қаймайиши мумкинлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган боелиқликлар ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажмининг ўзгариши фойдага қандай таъсир қилишини кўриш имконини беради. Маълум бўлишича, ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳар қандай ўзгариши фойданинг янада кўпроқ ўзгаришига олиб келади. Демак, агар корхона за-

рар кўриб ишласа, ишлаб чиқариш ҳажми (тегишли равишда тушум) I фоизга камайганида зарар бир неча фоизга кўпаяди. Бу ҳодиса ишлаб чиқариш ёки операция ричаги таъсири (эффекти) деб аталади. *Ишлаб чиқариш ричаги* — ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда доимий харажатларнинг фойда (зарар)га таъсири даражасидир.

Операция ричаги — операция хатарини ўлчовчи бўлиб, корхонанинг доимий операцион харажатлари билан шартланган. Операция ричаги сотилган маҳсулотдан келган тушумнинг ўзгаришига боғлиқ равишда операция фойдаси (асосий фаолиятдан тушган фойда) қандай ўзгаришини кўрсатади ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$OP = \frac{\% \text{ Фаф}}{\% \text{ СМТ}}$$

бунда OP — операция ричаги;
 $\% \text{ Фаф}$, СМТ — тегишли равишда фойда ва тушумнинг нисбий ўзгаришлари.

Ишлаб чиқариш ричаги тушум I фоизга ўзгарганида асосий фаолиятдан тушган фойда (зарар) неча фоизга ўзгаришини кўрсатади. Тушум ва ўзгарувчан харажатларнинг нисбий ўзгаришлари мос келганлиги сабабли, яъни $\text{СМТ}/\text{СМТ} = \ddot{y}/\ddot{y}$, ишлаб чиқариш ричагини ҳисоблаш формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$OP = \frac{\text{СМТ} - \ddot{y}}{\text{Фаф}} = \frac{S + \text{Фаф}}{\text{Фаф}}$$

бунда T — сотишдан келган тушум;
 \ddot{y} — ишлаб чиқаришнинг бутун ҳажмидаги ўзгарувчан харажатлар;
 S — доимий харажатлар;

Φ — фойда солиги тўланганга қалар бўлган фойда.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, операция ричагини қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$OP = \frac{Q(P - Y)}{Q(P - Y) - F}$$

бунда Q — сотилган маҳсулот ҳажми, дона;
 Y — маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар;

F — доимий операция харажатлари;
P — маҳсулот бирлиги нархи.

Келтирилган формуладан кўришиб турибдики, муайян ишлаб чиқариш ҳажмида чиқимлар умумий сўммасидаги доимий харажатларнинг салмоғи қанчалик кўп бўлса, ишлаб чиқариш ричаги шунчалик юқори бўлади, бинобарин, ишлаб чиқариш қисқарганда, масалан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талаб кескин камайганда корхонани шунчалик катта хатар кутади.

Доимий катта чиқимлар қиммат турадиган ихтисослаштирилган ва автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозланган корхоналарда юз беради. Бу ноликвид активлар бўлиб, ишлаб чиқаришни камайтирганда уларни талофатларсиз қисқартириш мумкин эмас. Шунинг учун доимий харажатлар улуши қанчалик катта бўлса, талбиркорлик хатари ҳам шунчалик катта бўлади. Юқори ишлаб чиқариш ричаги билан ишлашни фақат катта ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини таъминлайдиган ва истиқболда ўз маҳсулотига доимий талаб бўлишига қатъий ишонадиган корхоналаргина ўзига эл кўриши мумкин.

Масалан:

P — 25 сўм

Q — 6000 та стул

Y — 15 сўм

F — 50.000

$$OP = \frac{6000 \times (25 - 15)}{6000 \times (25 - 15) - 50.000} = 6.$$

Бу сотилган маҳсулотдан келган тушум 10 фоизга ошса, асосий фаолиятдан тушадиган фойда 60 фоизга кўпаяди; сотилган маҳсулотдан келган тушум 10 фоизга камайса, асосий фаолиятдан тушадиган фойда 60 фоизга камайди, деган маънони аниқлатади.

Ўз маблағлари билан бир қаторда қарз маблағларидан ҳам фойдаланадиган корхоналар фақат талбиркорлик хатарини эмас, балки молиявий хатарни ҳам бошидан кечиради. Ўз маблағлари улушига қорхона барча активларининг 60-70 фоизи, қарз маблағлари улушига эса 30-40 фоизи тўғри келса, энг катта даромал таъминланади, деб ҳисобланади. Бунда сармоя таркиби ҳам сотувлар ҳажмига боғлиқ бўлади. Агар сотишлар ҳажми катта бўлмаса, корхона ўз

маблағлари билан кифояланиши мумкин. Агар сотишлар ҳажми муайян даражадан ортиқ бўлса, қарз сармоясини жалб қилиш ҳам мақсадга мувофиқ ва лозим бўлади. Қарз маблағларини жалб қилиш ўз сармоясининг рентабеллигини оширади, молиявий ричаг таъсири шундан келиб чиқади. *Молиявий ричаг* — корхона томонидан қарз маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ молиявий хатарни ўлчаш воситасидир. Молиявий ричаг соф фойданинг ўзгариши операция фойдаси ўзгаришига боғлиқлигини акс эттиради.

$$MP = \frac{\% CF}{\% OF}$$

бунда MP — молиявий ричаг,

CF — соф фойда,

OF — операция фойдаси.

Формулаи куйидаги тарзда кўрсатиш ҳам мумкин:

$$MP = \frac{Q(P - Y) - F}{Q(P - Y) - F - I}$$

бунда I — дивидендларни тўлаш бўйича харажатлар.

Шу тариқа, молиявий ричаг операция фойдаси I фоизга ўзгарганида соф фойда неча фоизга ўзгаришини кўрсатади, яъни дивидендларнинг фойда ўзгаришига таъсирчанлигини акс эттиради.

Дивиденднинг корхона умумий активларидаги қарз маблағлари улушига боғлиқлиги анча мураккабдир. Аввалига қарз маблағлари улуши кўпайишига қараб дивиденд ошиб боради. Бу барча турдаги кредитлар учун тўловлар суммаси солиқ олинганига қадар фойдалан ундирилади, шунинг учун қарз ресурслари нисбатан арзон бўлади. Бироқ қарз маблағлари миқдори ортгани сари кўшимча сармояни жалб қилгани учун фоиз ставкалари ошиб боради, бу эса корхонанинг молиявий нобарқарорлиги ўсиши билан боғлиқдир. Қарз сармоясини жалб қилишдан солиқ таъсири камайди, натижада акцияга ҳисобланадиган дивиденд камайди. Катта молиявий хатарда сотишлар ҳажмининг бир оз камайиши битта акция учун дивиденднинг бир неча барабар кўп пайишига олиб келади, бунинг оқибатлари ҳам яққол кўзга ташланади (акция курсининг тушиши, корхона сармояси бозор қийматининг камайиши).

Масалан,

P — 25 сўм

Y — 15 сўм

Q — 6000 та стул

F — 50.000

I — 2.000 (банк кредити учун фоизлар).

$$OP = \frac{6000 \times (25 - 15) - 50.000}{6000 \times (25 - 15) - 50.000 - 2.000} = 1,25.$$

Бу, агар, операция фойдаси 10 фоизга кўнайса (камайса), соф фойда 12,5 фоизга кўпаяди (камаяди), деган маънони англатади.

Тулиқ (умумий) хатар ишлаб чиқарини хатарининг молиявий хатарга кўнаймасига тенг. Соф фойда ўзгаришининг доимий операция харажатлари ва қарз сармоясига фоизлар билан изоҳланган маҳсулотни сотишдан келган тушумининг ўзгаришига умумий боғлиқлигини кўрсатади. Куйидаги формула билан аниқланади:

$$TX = \frac{Q(P - Y)}{Q(P - Y) - F - I}$$

$$TX = OP \times MP$$

$$TX = 6 \times 1,25 = 7,5$$

Шу тариқа, биз корхона молиявий ҳолатига таъсир қилиши мумкин бўлган икки асосий ричағни кўриб чиқдик. Булар:

— маҳсулот ташархи таркибида доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг ўзаро мақбул маблағлари ўзаро нисбати нуқтани

— ўзининг ва қарз маблағлари таркибини танлаш. Кредит назаридан сармоянинг оқилона таркибини қўллаш ҳам корхона пачорлигининг олдини олиш имконини беради.

КОРХОНАЛАР БАНКРОТЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Банкротлик бўйича қонун ҳужжатлари базасида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни, кейинчалик унга киритилган қўшимчалар ва ўзгаришлар билан бирга, асосий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур Қонун, унинг кириш қисмида айтилганидек, корхонани пачор қарздор, банкрот деб эълон қилиш шартлари ва тартибини белгилайди ва қандай навбатда кредиторларнинг талаблари қондирилишини кўрсатади. Қонун, агар қайта ташкил этиш тадбирлари иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса ёки улар ижобий натижа бермаса, пачор корхоналарни мажбурий ёки ихтиёрий тугатиш учун ҳуқуқий негизга асослади. Шунингдек банкротлик механизми шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (49-57-моддалар) ҳамда Хўжалик-процессуал кодексида ўзифодасини тошган.

Хўжалик юритиш субъектининг банкротлиги деганда қарздор мажбуриятлари унинг мол-мулки қийматидап охиб кетганлиги сабабли товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўлаш бўйича кредиторлар талабларини қондиришга, шу жумладан бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни амалга оширишга қодир эмаслиги тушунилади. Яъни *банкротлик* белгиланган тартибда корхонанинг иқтисодий пачорлигини тан олиш, хўжалик суди томонидан уни банкрот деб эълон қилиш демакдир.

Агар хўжалик юритиш субъекти кредиторлар талабларининг, уларни бажариш муддатидан кейин уч ой мобайнида, амалга оширилишини таъминламаса ёки таъминлашга қодир эмаслиги яққол аён бўлса, унинг жорий тўловлари тўхтатилади, бу ҳол унинг банкротлиги ташқи аломати ҳисобланади.

Хўжалик суди томонидан банкротлик фактининг эълориф этилгани ёки ихтиёрий тугатилаётганда хўжалик юритувчи субъект томонидан бу ҳақда расман эълон қилинишидан кейин хўжалик юритувчи субъект банкрот ҳисобланади.

Қарздор корхонага нисбатан бир неча тадбирларни қўллаш кўзда тутилган (2-чизмага қаранг).

Улардан биринчиси — қайта ташкил этиш. Қарздорнинг ўзи, корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича ваколатли орган, кредиторлар ёки прокурорнинг аризаси корхонанинг ночорлиги тўғрисидаги ишни кўзга тутиш учун асос бўлади. Кредиторнинг қарздор жойлашган ердаги хўжалик судига аризаси ёзма равишда тақдим этилиши керак, унга қарздор томонидан тўлаш кунидан кейин уч ой мобайнида қондирилмаган талаблар ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолда илова қилинади. Ариза хўжалик суди қарздорни банкрот деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилишунини қадар даъвогар томонидан қайтариб олиниши мумкин. Қарздор фаолиятини давом эттириш мақсадида унинг мол-мулки бир қисмини сотиш ёки бошқа тадбирларни ўтказиш йўли билан қарздорнинг тўловга қобилигини тиклаш бўйича ҳақиқий имконияти мавжудлиги қайта ташкил этиш учун асос бўла олади. Қайта ташкил этиш муддати 18 ойдан ошмаслиги лозим. Бундан кейин ҳулоса чиқарилиб, банкротлик тўғрисидаги ишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинади ёки корхона банкрот деб эълон қилинади ва тугатилади, унинг мол-мулки эса сотиб юборилади.

Қайта ташкил этишда санация қўлланилиши мумкин, бунда корхона мулкдорлари, кредитор ёки бошқа шахслар (жумладан давлат) қарздор корхонага молиявий ёрдам



2 - Ч И З М А

кўрсатади. Тўловга қобилликни тиклаш ҳақиқий имкония-
тининг мавжудлиги санацияни ўтказиш учун асос ҳисоб-
ланади. Санация иқтисодий ночор корхоналарни санация-
лаш тўғрисидаги низом, Давлат қўллаб-қувватлашига би-
ринчи навбатда муҳтож бўлган ночор корхоналарни аниқ-
лаш бўйича муваққат низом ва Иқтисодий ночор корхона-
ларни санациялашда давлат молиявий қўллаб-қувватлаши-
ни тақдим этиш тартибига мувофиқ берилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 49-мол-
дасида корхоналар учун қайта ташкил этиш (дастлабки)
тадбирлари хусусиятлари баён этилган.

Мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар учун
қайта ташкил этиш тадбирлари Корхоналар иқтисодий
ночорлиги ишлари бўйича қўмита ёрдамида хўжалик суди
иштирокисиз ўтказилади.

Иккинчиси — фаолият йўналишини ўзгартириш.

Учинчиси — диверсификациялаш, яъни бир томонлама,
кўпинча фақат битта маҳсулотга асосланган ишлаб чиқа-
риш тузилмасидан кенг номенклатурада чиқариладиган
турли йўналишдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш.

Тўртинчи ва бешинчи тадбирлар — тугатиш бўлиб, у
хўжалик суди қарори бўйича мажбурий ёки ихтиёрий, қарз-
дордан қолган мол-мулкни сотишни амалга оширадиган
кредитор назорати остида бўлиши мумкин. Бугунги кунда
Қарздор корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақида қарор қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги муваққат низом тасдиқланган.
Тугатиш қарздор корхонанинг молиявий ҳолати умидсиз
бўлиб, қайта ташкил этиш тадбирлари ёрдамида яхшила-
ниши мумкин бўлмагандагина қўлланилади.

Навбатдаги тадбир — *келишув битими*, у банкротлик
ҳақидаги ишнинг исталган босқичида қарздор ва кредитор
ўртасида тузилиши мумкин. Келишув битими хўжалик суди
томонидан тасдиқланиши керак ҳамда тўғривчи ва ундан
кейинги навбатда турган кредиторларнинг ундан икки қис-
ми (талаблар йиғилганда) рози бўлганда қабул қилинган
ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш керакки, келишув битими
хусусида Қонунинг 13-моддаси унинг 32-моддасига зид
қилади. Фуқаролик кодексининг 53-моддасига мувофиқ
корхона банкрот деб эълон қилинганидан кейин қўллани-
ладиган тадбирлардан қатъи назар, у тугатилиши керак.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда санация масалалари тўлиқ ақс этмаган, чунки санациянинг хўжалик судлари қарорисиз берилиши мумкин бўлган турлари ҳам мавжуд.

Қонун атайлаб қилинган ёки сохта банкротлик учун жавобгарликни белгилайди, бироқ бундай ноқонуний ҳаракатлар учун аниқ жазоларни кўрсатмайди.

1996 йил охирига қадар «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун корхоналар банкротлиги билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш тартибини назорат қиладиган ҳақиқатда ягона меъёрий ҳужжат эди. Амалда у бажарилмас эди. Бу даврда муайян ҳуқуқий бўшлиқнинг мавжудлигини мамлакатда ўтказилаётган мулкчилик муносабатларини оммавий қайта ташкил этиш, кўпгина корхоналарнинг хусусийлаштирилиши билан изоҳлаш мумкин. Уларга нисбатан банкротлик тадбирларини қўллаш учун ҳали вақт бор эди. 1996 йилда хусусийлаштириш бўйича асосий тадбирларнинг тугалланиши банкротлик механизми амалга ошириш ва тегишли меъёрий базани яратиш учун объектив замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ-1658-сон «Корхоналар банкротлиги ҳақида қонун ҳужжатларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ мазкур фаолият соҳасида (бундан кейин Қўмита деб номланади) ва унинг чўлиқ бўлинмалари бош давлат ижроия органи бўлди.

Қўмита томонидан ночорлик, банкротлик ва санация масалаларини тартибга соладиган меъёрий база ишлаб чиқилди ва татбиқ этилди.

Корхоналар иқтисодий ночорлиги аломатларини аниқлаш учун мезонлар тизимига мувофиқ корхоналар ночорлигини аниқлаш учун кўрсаткичлар тизими белгиланди.

Кўрсатилган коэффициентларни таҳлил қилиш асосида қабул қилинадиган қарорлар тўловга ноқобил корхонали молиявий қўллаб-қувватлаш ёки уни банкрот деб эълон қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш ёки бошқа қайта ташкил этиш ва ўзга чораларни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Корхоналар ночорлигини имкони борича аввалроқ қайта этиш ва унга танг ҳолатдан чиқиши учун ёрдам берадиган

тадбирларга ўтишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги 465-сон қарори билан тасдиқланган Санация тўғрисидаги низом ва Банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган Давлат молиявий қўллаб-қувватлашга биринчи навбатда муҳтож бўлган ночор корхоналарни аниқлаш бўйича муваққат низом (2-илова)да ночор корхоналарга давлат молиявий қўллаб-қувватлашнинг тақдим этиш шартлари белгиланган. Қарздор корхоналарни ихтиёрий тугатиш 1997 йил 17 апрелда тасдиқланган «Қарздор корхоналарни ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарорларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ амалга оширилади (3-илова).

Корхонали ночор деб тан олиш жараёнининг банкротлик жараёнидан асосий фарқи унинг судда кўрилмаслигидадир. Қўмита хўжалик судлари ваколатларининг бир қисмига эга бўлиб, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда баён этилган ночорликнинг ташқи аломатларидан қатъи назар, корхонанинг кейинги тақдири ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли, аммо бу нарса Корхоналар молиявий таҳлил бўйича услубий тавсияларга мувофиқ амалга оширилади. Тасдиқланган бир қатор меъёрий ҳужжатларда корхоналарни тугатиш жараёнининг турли томонлари кўрсатилган (4, 5-иловалар).

Бизнинг фикримизча, Қўмитага корхона тузилишини қайта ўзгартириш ҳақида муайян қарор қабул қилинадиган вариантни танлаш, зарурат туғилганда, корхонанинг отир аҳволга тушиб қолишида айбдор бўлган раҳбарни бўшатиб, ўрнига ташқаридан бошқарувчини тайинлаш ҳуқуқини бериш лозим. Бошқарувчининг вазифаси кўзланган соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш ёки корхона устидан назорат қилиш истагини билдирган янги мулкдор устидан бўлганида унга аввало қарзлар ёки уларнинг бир қисми билан ҳисоб-китоб қилиш, баъзи ҳолларда эса танлов шarti бўлган инвестиция дастурини бажариш мажбуриятини юклатдан иборат.

Фикримизча, корхоналарни шаҳар ҳосил этувчи корхоналарга киритиш тартиби ва бундай корхоналарга нисбатан

банкротлик талбирларини қўллаш хусусиятлари ишлаб чиқи-
лиши лозим. Бундай корхоналарда ижтимоий жиҳатлар ва
муҳандислик инфратузилмаси жиҳатларига алоҳида эътибор
қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бундай корхоналарга нисба-
тан қарорларни қабул қилишда маҳаллий ҳукумат органла-
ри, шунингдек Монополиядан чиқариш қўмитаси органла-
рининг туган ўрнини ошириш керак.

Бугунги кунда давлат органларининг асосий савий-ҳара-
катлари ҳақиқий банкротликларнинг олдини олишга қара-
тилган. Шунинг учун корхонани тугатиш ва унинг мол-
мулкани сотиш билан якунланидиган ҳақиқий банкрот-
ликни корхонанинг касод бўлишига йўл қўймасликка
йўналтирилган банкротлик талбирларидан фарқлаш лозим.
Корхона мутлақ ночор бўлиб, баланси ноликвид деб ҳисоб-
лангандагина тугатиш ҳақида сўз очиш мумкин.

Одатда банкротлик талбирлари корхона тугатилиши-
нинг олдини олишга қаратилган чора-талбирларни ўз ичига
олади. Бунда биринчи босқич — корхонани Корхоналар
иқтисодий ночорлиги аломатларини аниқлаш учун мезон-
лар тизимига мувофиқ ночор деб тап олиш ва унинг мо-
лиявий ҳолатини чуқур таҳлил қилишдан иборат, бу қар-
здор учун узлуксиз эмас, яъни у ўз кўрсаткичларини ях-
шилаши ва бундай аҳволдан чиқиб кетиши мумкин. Агар
бундай бўлмаса, корхона қайта тузилишини, фаолият йўна-
лишини ўзгартириш ва тугатиш жараёнлари кучга киради.

Банкротлик тартиби ва талбирларини тартибга солув-
чи асосий қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар шу-
лардан иборат. Банкротлик жараёни қарздор корхонанинг
кейинги тақдирини белгилайдиган қарорлар қабул қили-
ниши билан давом этади. Бундай қарорларни қабул қилиш
самаралорлиги ва адолатлилиги корхонанинг молиявий
ҳолатини баҳолаш даражаси. Корхоналар молиявий тах-
лили бўйича услубий тавсияларга мувофиқ иқтисодий тах-
лил қилиш ёрдамида унинг яширин имкониятларини аниқ-
лашга боғлиқ бўлади.

ХУЛОСА

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши шароитида кор-
хоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг вақти-вақти
билан мониторингини ўтказиш ва таҳлил қилиш ҳамда
бунинг натижасида молиявий хулоса чиқариш, уларнинг
бозор ва давлат томонидан тартибга солинишида асос бўлиб
хизмат қилади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш унинг ис-
тиқболи, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат)лар тур-
ларининг муҳимлиги ёки истиқболи йўқлигини аниқтай-
ди, фаолиятни ривожлантириш резервлари, баланс тар-
киби, молиявий натижалари, ишлаб чиқариш қувватла-
ридан фойдаланиш имкониятлари ва ҳоказони очиб бера-
ди. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаб, қўйидаги хуло-
саларни чиқариш мумкин:

♦ Молиявий таҳлил бирдан-бир мақсад эмас. У раҳ-
барларга корхона фаолиятини ривожлантириш ва кўпроқ
фойда олиш ёки уни танг ҳолатдан чиқариш бўйича сама-
рали бошқарув қарорларини қабул қилишда ёрдам бериш-
га мўлжалланган. Корхоналарда раҳбарларнинг қабул қи-
лаётган бошқарув қарорлари орасида янги ва ўзлаштирил-
ган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳақидаги қарор
энг муҳим ҳисобланади, чунки корхонанинг фойда кўри-
ши бевосита ишлаб чиқариш ҳажмларига боғлиқ бўлади.
Молиявий таҳлил «зарар кўрмай ишлаш нуқтаси» ёки
ишлаб чиқариш (сотишлар)нинг энг кам ҳажминини аниқ-
лаш имконини беради, бундан кам маҳсулот ишлаб чиқа-
риш паст рентабелли бўлади ёхуд зарар келтиради. Ишлаб
чиқаришнинг амалдаги ҳажми билан энг кам ҳажми ора-
сидаги фарқ қанчалик катта бўлса, «молиявий мустаҳкам-
лик захираси» ҳам, тегишли равишда корхонанинг молия-
вий барқарорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

♦ Молиявий таҳлил — таҳлилчиларнинг юқори малака-
сини талаб қиладиган жуда сермеҳнат жараён. Агар махсус
дастурий маҳсулотлар қўлланилса, унинг самаралорлигини
анча ошириш мумкин. Масалан, Қўмита томонидан ишлаб
чиқилган иқтисодий тўловга қобиллиги бўйича гуруҳларга
ажратишга мўлжалланган «СУБД» компьютер тизими ва

«Рейтинг-аналитик» тадқиқот-маслаҳат фирмаси (Тошкент) томонидан ишлаб чиқилган ҳамда электрон жалваларда барпо этилган «Аналитик» дастури ҳисоб-киتاب ва таҳлил ишини анча енгиллаштиради.

♦ Амалиёт томонидан молиявий ҳисоботнинг экспресс-таҳлил самарали усуллари ишлаб чиқилган, унинг вазифаси корхонанинг «огриқли» нуқталарини аниқлаш ва чуқур таҳлил учун йўналишларни белгилашдан иборат. Таҳлил иши катта куч-гайратни талаб этади, шунинг учун у оқилона амалга оширилиши, яъни кам харажатлар билан ишончли хулосаларга келишга ёрдам бериши лозимлигини ёлда тутиш керак. Экспресс-таҳлилсиз иккинчи даражали ҳисоб-китобларга кўп вақт сарфланг, энг муҳимини назардан четда қолдириш хавфи мавжуд.

Экспресс-таҳлилда ҳисоб-китоблар имкони борича кам бўлади, шунинг учун таҳлилнинг бу тури балансни ўқиниб деб аталади. Бунда корхона умумий активлари ва унинг фаолияти натижалари (гушум, фойда, даромад миқдори) ўзгарувчанлиги кузатиб, таққосланади. Сўнгра зарарлар ва мушлати узайтирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мавжудлиги аниқланади, улар салмоғи баҳоланади ва солиштирилади. Баланс активи ва пасиви таркибининг таҳлил қилиб, кўриб чиқиладиган давр учун корхона оборот маблағларидаги ўзгаришлар ҳақида қимматли маълумотга эга бўлинади. Экспресс-таҳлилда корхона фаолияти ҳақида, масалан, мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар бекор қилинган ҳоллар бўлганми, буларнинг сабаби нимадан иборат бўлган, хўжалик судларидан ишлар кўзгатирилганми, корхона раҳбарлари алмашганми, балансда бекор ётиб қолган маҳсулот мавжудми ва ҳоказо кўшимча маълумотларга эга бўлиш фойдалан ҳоли бўлмайди.

♦ Экспресс-таҳлилдан кейин кўрсаткичлар тизими бўйича таҳлил ўтказилади. Аввало тўловга қобиллик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари кўриб чиқилади, чунки айни шу кўрсаткичлар банкротликка олиб келиши мумкин бўлган хавfli тамойиллар ҳақида гувоҳлик беради. Тўловга қобиллик кўрсаткичлари нисбий коэффициентлардан иборат бўлиб, суратда жорий активлар, маҳражла эса жорий вақисқа муддатли мажбуриятлар кўрсатилади. Кўпинча тўлов

га қобиллик жорий ликвидлик, жадал ликвидлик ва муғлақ ликвидлик коэффициентлари бўйича баҳоланади. Кўрсаткичларнинг иккинчи гуруҳи — молиявий барқарорлик кўрсаткичларидир. Уларга мухторлик коэффициенти, акциядорлик сармоясини тўпланиши коэффициенти, қарз ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти, инвестицияларни қоплаш коэффициенти, ўз маблағлари ҳаракатчанлиги коэффициентлиги, оборот маблағларининг ўз молиялаш манбалари билан таъминланганлиги коэффициенти, узоқ муддатли инвестициялар таъминланганлиги коэффициенти, иммобилизация коэффициенти киради.

Кўрсаткичлар тизими билан ишлаш ўзининг салбий ва ижобий томонларига эга. Афзалликлари хўжалик фаолиятининг бирор жиҳатини акс эттирадиган кўрсаткичлар тўпламига эга бўлиб, корхонанинг молиявий ҳолати ҳақида анча тўлиқ тасаввурга эга бўлиши мумкинлигидан иборат. Камчиликлари эса узил-кесил хулосалар чиқариш учун олинган кўшлаб кўрсаткичларни умумлашма бир мезонга келтириш зарурлигида бўлиб, бунга осонликча эришиб бўлмайди. Энг муҳим коэффициентларни белгиловчи кўрсаткичларни танлаш лозим, бунга эса эксперт баҳосисиз эришиб бўлмайди.

♦ Иқтисодий ночорлик — корхонанинг «касаллиги» бўлиб, кўпинча яшвирин келади ҳамда уни аниқлаш ва хавfli оқибатнинг олдини олиш мақсадида корхона молиявий ҳолатини вақти-вақти билан таҳлил қилиш керак. Бугунги кунда Республикада кўшлаб қарздор корхоналар мавжуд. Бундай корхоналарга нисбатан молиявий ҳолатни таҳлил қилиш қўлланилганда, уларнинг ночорлигини қайд этиш ҳамда санация ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларига ўтиш, ишончсиз, банкрот деб эълон қилиш ҳамда тугатиш ёки қайта ташкил этиш кераклиги аён бўлади. Бунда танг ҳолатдан чиқиб бўйича қарорнинг имкони борича аввалроқ қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

♦ 1997 йил 17 апрелда тасдиқланган Корхоналар ночорлиги аломатларини аниқлаш учун мезонлар тизимига мувофиқ корхоналар ночорлигини белгилаш учун корхона баланси тўрт мезон: ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, тўловга қобиллик коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти, ўз ва қарз маблағ-

лари нисбати коэффициенти, зарурат туғилганда эса асосий воситалар эскириши, ишлаб чиқариш қувватларининг банглиги ва ҳоказоларни кўрсатувчи қўшимча коэффициентлар бўйича таҳлил қилинади.

Чуқур таҳлил натижалари бўйича корхонанинг қониқарсиз молиявий ҳолати учун раҳбариятнинг жавобгарлиги ҳақида хулосалар чиқарилади.

• Банкротлик таъҳиси аввало корхона эҳтимолий нолдорлигини аниқлашни билдиради, бунинг учун эса унинг амалий фаоллигини асос элтирувчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим. Ваҳоланки, гарб мамлакатлари тажрибасининг гувоҳлик беришича, рентабел ва зарар кўрмай ишлаётган корхоналар ҳам банкрот бўлиши мумкин. Агар тўловга қобиллик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари қониқарсиз бўлса, яъни ўз оборот маблағлари мавжуд бўлмаса, амалий фаоллик кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиб, корхонанинг ҳолати қанчалик жиддийлигини ва яқин орада буни яхшилашга имкон бор ёки йўқлигини айтиш мумкин.

• Банкротликни прогнозлаш вазифаси дискриминант таҳлили усули билан ҳал этилиши мумкин. Бу усул фактор статистик таҳлилининг бир бўлими бўлиб, унинг ёрдамида тасниф қилиш, яъни бирор таснифлаш хоссасидан келиб чиқиб, кўплаб объектларни синфларга тақсимлаш вазифалари ҳал этилади. Бизнинг вазиятда корхоналарни икки синф: банкрот бўладиган ва банкротликдан қутулишга қодир корхоналарга тақсимлаш ҳақида сўз бормоқда. Корхоналар банкротлигини прогнозлаш кўрсаткичларининг моделлари ва тизимлари қатор хорижий тадқиқотларда кўрсатилган. Булар орасида Нью-Йорк университети профессор Э. Альтманнинг тадқиқотлари энг машҳурдир. Альтман модели Америкада банкрот бўлган корхоналар ҳақидаги маълумотларни кўп омиллар бўйича статистик таҳлил қилиш негизида олинган эмпирик формуладан иборат. Мазкур модель ёрдамида ликвидлик, молиявий барқарорлик, рентабеллик ва бозор фаоллиги кўрсаткичлари асосида Z кўрсаткичи ҳисобланади. Ҳисобланган кўрсаткичдан келиб чиқиб корхонанинг банкрот бўлиши эҳтимолини прогноз қилинади.

• Қўмита томонидан тўловга ноқобил кўпгина корхоналарни тадқиқ қилиш кўпчилик корхоналарнинг тўловга ноқобиллиги қарз маблағларидан сунистеъмоллик билан фойдаланиш оқибати эканлигини кўрсатди. Аҳамияти йўқ битимлар, яъни томонлар молиявий муносабатларни ўз вақтида тартибга солиш ҳақида келишмаган ва атайин ҳисоб-китоб қилмаслик аломатлари бўлган битимлар кенг тарқалди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 9 июлдаги ПФ-816-сон «Оборот маблағларининг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», шунингдек 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сон «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бундай салбий ҳолларни бар тараф этишга йўналтирилган. Кейинги фармонда амалда тарафлар юклаб жўнатилган ишлар бажарилган ва хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб олгмиш кун (АҚШда у 21 кунга, Буюк Британияда олти ҳафтага тенг) мобайнида етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маблағларнинг келмаслиги муддати ўтган дебиторлик қарзи деб ҳисоблашга асос бўлиши кўрсатилган. Агар бу талаб бажарилмай ва кредитор қарзни ундириш учун қатъий чоралар кўрмаса, маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Кейин Қўмита дебиторлик қарзининг ундирилиши ва кредиторлик қарзи сўндирилишига кўмаклашади, бир ой мобайнида эслатилади, кейин судга мурожаат қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан «Рўйхатга олинган»
1997 йил 30 май

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси раисининг ўринбосари
В. А. Чжен
1997 йил 17 апрель 5-сон

КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИГИ АЛОМАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ УЧУН МЕЗОНЛАР ТИЗИМИ

Куйидаги коэффициентлар корхонанинг иқтисодий ноқорлигини баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар ҳисобланади (иловага қаранг):

- тўловга қобиллик коэффициенти — $K_{тқ}$;
- ўзининг ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти — $K_{ми}$;
- молиявий мустақиллик коэффициенти — $K_{мм}$;
- ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти — $K_{мт}$.

1. Тўловга қобиллик коэффициенти корхонанинг фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши билангина эмас, шу билан бирга тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларни муваффақиятли сотиш шарти билан баҳоланадиган тўлов имкониятларини кўрсатади. Коэффициентнинг камайиши корхонанинг паст тўлов имкониятларидан далолат беради. Бироқ, ўз вақтида дебиторлар билан ҳисоб-китоблар қилинганида ва зарурат туилганида, моддий оборот маблағлари солиққид бўлади. Акциялари ва облигациялари ноликвид бўлади. Коэффициент куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{тқ} = \frac{A2 - Удқ}{П2 - Уқк}$$

бунда $A2$ — оборот активлари (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва бошқалар), баланс активининг II бўлими, 300-сатри;
 $П2$ — мажбуриятлар (қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар, бюджет бўйича ва бошқа кредиторлик қарзлари), баланс пасивининг II бўлими, 540-сатр;
 $Удқ$ — муддати узайтирилган дебиторлик қарзи, ЎЗР Президентининг 12.05.95 й. даги 1154-сон Фармонига биноан;
 $Уқк$ — узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар, баланс пасивининг II бўлими, (400+410) сатрлар йиғиндиси.

Агар ҳисобот даври охирида тўловга қобиллик коэффициенти 2 дан кам қийматга эга бўлса, корхона бу кўрсаткич бўйича ноқор ҳисобланади.

2. Ўзининг ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти қисқа муддатли қарз маблағларининг ўз манбалари билан таъминланганлик даражасини кўрсатади. Коэффициентнинг камайиши корхонанинг ноқорлигидан далолат беради. Коэффициент куйидаги формула билан топилади:

$$K_{ми} = \frac{П1}{П2 - Уқк}$$

бунда $П1$ — ўз маблағлари манбалари (устав сармояси, қўшилган сармоя, тақсимланмаган фойда ва бошқалар), баланс пасивининг I-бўлими якуни — 390-сатр.

Агар ўзининг ва қарз маблағлари нисбати ҳисобот даври охирида 2 дан кам қийматга эга бўлса, бу нарса корхонанинг ушбу кўрсаткич бўйича ноқорлигидан далолат беради.

3. Молиявий мустақиллик коэффициенти корхонанинг молиявий мустақиллиги камайганлиги (кўпайганлиги), келгуси даврларда молиявий қийинчиликлар хатари ўстандиги (камайганлиги)дан далолат беради ҳамда корхонанинг

ўз мажбуриятларини сўндириш кафолатларини аниқлайди. Коэффициентнинг пасайиши корхона молиявий мустақиллиги камайганлиги, келажакда молиявий қийинчиликлар хатари ошганлигидан далолат беради, бу эса ўз навбатида корхонанинг кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини сўндириш кафолатларини пасайтиради. Қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{mm} = \frac{III}{BJ}$$

бунда БЯ — баланс активи ёки пасиви якуни, 310 ёки 550-сатр.

Агар молиявий мустақиллик коэффициенти ҳисобот даври охирида 0,5 дан кам бўлса, корхона бу кўрсаткич бўйича ночор ҳисобланади.

4. Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти корхонада унинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган ўз оборот маблағлари мавжудлигини ёки корхона мулкдорлари ва кредиторлар манфаатлари нисбатини акс эттиради. Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ўз маблағлари манбалари ҳажмлари ҳамда асосий воситалар ва оборотдан ташқари бошқа активлар айирмасининг корхонада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган қурилиш, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва бошқа оборот активлари кўринишидаги оборот маблағлари амалдаги қийматига нисбати сифатида ҳисобланади.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{mt} = \frac{III - III_1}{A_2}$$

бунда А1 — узок мудатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва бошқалар), баланс активининг I бўлими, 110-сатр.

Бу касрнинг сурати корхона ўз маблағларининг қандай суммаси оборот маблағларига йўналтирилганлиги, махражи эса барча оборот маблағлари суммасини кўрсатади. Бу коэффициентнинг энг кам қиймати 0,1 га тенг.

Корхоналар ночорлиги нўгўрисида қарорлар қабул қилишда кўрсаткичлар тизими

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар таълифи	Ҳисоблаш формуласи	Ночорлик нўгўрисида қарорлар қабул қилиш учун ўрнатилар
1	Тўловга қобилилик коэффициенти — Ктк	Паст тўлов имкониятларидан далолат беради	$K_{тк} = \frac{A_2 - U_{лк}}{II_2 - U_{лк}}$	$K_{тк} < 2$
2	Ўзининг ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти — Кми	Қисқа мудатли қарз маблағларининг ўз маблағлари билан қоплаши даражасини таъсирлайди	$K_{ми} = \frac{III}{II_2 - U_{лк}}$	$K_{ми} < 2$
3	Молиявий мустақиллик коэффициенти — Кмм	Молиявий мустақиллик камайганидан (қўлайганидан) далолат беради	$K_{мм} = \frac{III}{BJ}$	$K_{мм} < 0,5$
4	Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти — Кмт	Оборот маблағларининг ўз манбалари билан таъминланганлигини таъсирлайди	$K_{мт} = \frac{III - A_1}{A_2}$	$K_{мт} < 0,1$

Агар ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 0,1 дан кам қийматга эга бўлса, корхона бу кўрсаткич бўйича ночор ҳисобланади.

Агар ночорлик ўлчамлари сон қийматларининг йиғиндиси 4,6 дан камни ташкил этса, корхона ночорлиги ҳақида қарор қабул қилинади.

Корхоналар иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича кўмига раиси,
Ўзбекистон Республикаси Давлат
мулки кўмитаси раисининг биринчи
ўринбосари

М. Т. Умаров

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги билан
«КЕЛИШИЛГАН»

Б. Ш. Мирбобоев

1997 йил 20 июнь

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Корхоналар банкротлиги ва
санация масалалари бўйича
ҳукумат комиссияси
раисининг ўринбосари
В. А. Чжен
1997 йил 17 июнь 6-сон

ДАВЛАТНИНГ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШИГА БИРИНЧИ НАВБАТДА МУҲТОЖ БўЛГАН НОЧОР КОРХОНАЛАРНИ АНИҚЛАШ Бўйича МУВАҚҚАТ НИЗОМ

1. Мазкур Низом давлат молиявий қўллаб-қувватлашига (бундан кейинги ўришларда — ДМКҚ) биринчи навбатда муҳтож бўлган ночор корхоналарни аниқлаш тартибини белгилайди.
2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ-1656-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги 465-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.
3. ДМКҚга биринчи навбатда муҳтож бўлган ночор корхоналар (бундан кейин — корхона)ни аниқлаш Иқтисодий ночор корхоналарни санациялаш тўғрисидаги низомда белгиланган молиявий қўллаб-қувватлашни олишга имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадиган корхоналар орасидан қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалда оширилади:
 - маҳсулотга жорий талаб;
 - ишлаб чиқариш ва бозор имкониятларининг асосий тавсифлари (асосий ишлаб чиқариш фондлари ва қувватлари ҳолати, технология даражаси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлиги);

— таңг молиявий ҳолатдан чиқиш учун корхона ички резервларини, шунингдек молиявий соғломлаштириш режаларининг самарадорлигини баҳолаш.

ДМКҚни тақдим этиш биринчи навбатда молиявий ёрдамдан энг унумли фойдаланиш: қисқа муддатда қайта таъмирлаш ёки диверсификацияни ўтказиш. бозорда талаб қатта бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаринини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва самарали хўжалик фаолиятини юритиш учун шароитлар яратишга қодир корхоналарга йўналтирилган.

Бу мақсадларда пачор корхоналар орасидан биринчи босқичда Кўмита томонидан асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача тармоқдагига нисбатан эскириш миқдори ҳамда сифати ва истеъмол хусусиятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий турларига талаб даражаси бўйича корхоналар шакллантирилади.

4. Мазкур жараёни тўрт босқичда амалга оширилади.

4.1. Биринчи босқичда корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва бозор имкониятлари тавсифларига асосланган мезонларга мувофиқ ДМКҚ олишга даъвогар бўлган корхоналарнинг тўрт гуруҳи ажратилади:

Биринчиси — асосий ишлаб чиқариш фондлари эскириши ўртача тармоқдагидан паст ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосий турларига талаб доимий юқори бўлган корхоналар.

Иккинчиси — асосий ишлаб чиқариш фондлари эскириши ўртача тармоқ кўрсаткичи билан тенг ёки ундан юқори ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосий турларига талаб доимий юқори бўлган корхоналар.

Учинчиси — асосий ишлаб чиқариш фондлари эскириши ўртача тармоқ кўрсаткичидан паст ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосий турларига талаб паст бўлган корхоналар.

Тўртинчиси — асосий ишлаб чиқариш фондлари эскириши ўртача тармоқ кўрсаткичи билан тенг ёки ундан юқори ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосий турларига талаб паст бўлган корхоналар.

Ишлаб чиқариш ва бозор имкониятлари тегишли мезонларда тўловга қобилликни тиклаш имкониятини таъминлайдиган биринчи гуруҳ корхоналари алоҳида гуруҳга

ажратилади ва ДМКҚ ни биринчи навбатда оладиган корхоналар сифатида қаралмайди.

Тўртинчи гуруҳ корхоналари самарасизлиги туфайли тугатилиши керак.

Фақат иккинчи ва учинчи гуруҳ корхоналари ДМКҚнинг биринчи навбатда тақдим этилишига даъво қилади.

4.2. Иккинчи босқичда иккинчи ва учинчи гуруҳ корхоналарига нисбатан иқтисодий оғир ҳолатдан чиқишнинг чиқимсиз усуллари кўллаш имкониятлари масаласи кўриб чиқилади.

Бу мақсадда кўидаги тадбирларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги баҳоланади:

— конверсия (вақтинча тўхтатиш), қайта таркибий ташкил этиш (активларни қайта ташкил этиш), диверсификациялаш (ўз маблағларидан турли соҳаларда фойдаланиш усули);

— товарлар (ишлар, хизматлар)нинг янги турларини ишлаб чиқариш;

— чиқарилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини ошириш;

— маркетинг самарадорлигини ошириш;

— экспорт самарадорлигини ошириш;

— ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш;

— бошқарувнинг янги илғор шакл ва усуллари жорий қилиш;

— корхонани инвентарлашни ўтказиш ва бунинг асосида ортиқча ускуналар, материаллар, тайёр маҳсулотларни сотиш;

— дебиторлик қарзини камайтириш;

— оборот активларидаги ўз маблағлари улушини кўпайтириш;

— шубба фирмалар ва сармоядаги улушни бошқа корхоналарга сотиш;

— тугалланмаган ишлаб чиқариш, тугалланмаган қурилиш объектларини сотиш;

— корхонада банд бўлган ходимлар сонини қисқартириш ва ишдан бўшаганлар учун ижтимоий имтиёзларни таъминлаш;

— капитал қурилишни вақтинчалик тўхтатиб туриш;

— қисқа муддатли қарзларни узоқ муддатли ссудалар ёки узоқ муддатли заёмларга ўзгартириш йўли билан қарзларни конверсиялаш (тўхтатиб туриш), қайта таркибий ташкил этишлар;

— молиявий кўйилмаларнинг қўшимча манбаларини талаб қилмайдиган тадбирлар.

Ўтказилган таҳлил натижасида ДМҚҚ қисқа муддатларда (1-2 ойла) тақдим этилмаса ҳам ўз тўловга қобиллигини тиклашга қодир корхоналар ҳамда ДМҚҚ сиз молиявий ҳолатини соғломлаштириш мумкин бўлмаган корхоналар аниқланади. Улар ҳақидаги маълумотлар ва тегишли равишда келишилган молиявий соғломлаштириш режалари (МСР) асосида Кўмита маълумотлар банкини тузади.

4.3. Учинчи босқичда Кўмита Корхоналарни молиявий таҳлил қилиш бўйича йўриқномадан келиб чиқиб, корхоналар фаолият юритишининг тармоқ ва минтақавий хусусиятларини ақс эттирувчи кўрсаткичлар асосида иккинчи ва учинчи гуруҳ корхоналари иқтисодий ҳолати, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини баҳолайди ва ДМҚҚ ни тақдим этиш учун корхоналар кетма-кетлиги (навбатлилиги) рўйхатини тузади.

4.4. Тўртинчи босқичда корхоналар улар тақдим этган МСР ни таҳлил қилиш асосида танланади.

МСРда корхонанинг тўловга ноқобиллик ҳолатидан чиқиш, келажакда молиявий барқарор фаолиятини таъминлаш йўллари, шунингдек ДМҚҚ кўринишида берилган маблағларнинг қайтарилиши кўрсатилган бўлиши керак.

Ушбу талабга жавоб берадиган корхоналар режалари Кўмита томонидан тасдиқланади.

Ички рентабеллик ва ҳақиқий қиймат кўрсаткичлари ёрдамида амалга ошириладиган МСР самарадорлигини баҳолашга асосланиб, ДМҚҚ ни биринчи навбатда тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўлган корхоналар рўйхати тузилади.

Бунда иккинчи ва учинчи гуруҳ корхоналари тармоғи ва аҳамияти (салмоғи) ҳисобга олинган ҳолда битта гуруҳга бирлаштирилади.

Қайта танлаш натижасида биринчи навбатда давлат молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож корхоналар рўйхати узил-кесил тузилади.

5. Давлат молиявий қўллаб-қувватлашга биринчи навбатда муҳтож бўлган корхоналар рўйхати киритиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши билан бир вақтда:

— тўловга қобилликни тиклаш учун зарур бўлган, шу жумладан корхонада мавжуд ва қўшимча талаб этиладиган молиявий ресурслар;

- корхона санациясини ўтказиш муддати;
- давлат молиявий қўллаб-қувватлаш суммаси;
- кредит учун тахмин қилинадиган фоиз ставкаси;
- кредитни сўндириш муддати аниқланади.

6. ДМҚҚ корхоналарга Корхоналар иқтисодий очорлиги ишлари бўйича кўмита ҳузуридаги Корхоналарни санациялаш фонди маблағлари, республика бюджети, шунингдек тармоқ ва тармоқлараро фондлар ҳисобига мажбур Низомга мувофиқ Корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси қарори асосида тақдим этилади.

7. Маблағларнинг мақсадга кўра сарфланиши ва МСР ни амалга ошириш самарадорлиги устидан назоратни Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари амалга оширади.

Корхоналар иқтисодий очорлиги ишлари бўйича кўмита раиси,
Ўзбекистон Республикаси Давлат
мулки кўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари

М. Т. Умаров

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
билан «КЕЛИШИЛГАН»
1997 йил 30 май

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси раисининг ўринбосари
В. А. Чжен
1997 йил 17 апрель 2-сон

ҚАРЗДОР КОРХОНАЛАРНИ ИХТИЁРИЙ ТУГАТИШ ҲАҚИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА МУВАҚҚАТ НИЗОМ

1. Қарздор корхоналарни ихтиёрий тугатиш Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ кредиторлар талабларини қондириш ва корхона иқтисодий ночорлиги муносабати билан салбий ихтимойй оқибатларнинг олдини олиш мақсадида қарздор корхона ва кредиторларнинг ўзаро розилиги билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмита (бундан кейин — Қўмита) томонидан корхона иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш натижалари бўйича, тўловга ноқобил корхоналар балансини қониқарсиз деб белгиланиши мезонлари тизими асосида қабул қилинган, корхона баланси таркибини қониқарсиз деб тан олиш ҳамда корхонанинг тўловга қобиллигини тиклаш ҳақиқий имкониятлари йўқлиги ҳақидаги қарор мол-мулкида Ўзбекистон Республикаси давлати улуши (бадали) (бундан кейин — давлат улуши) бўлган корхоналарга нисбатан ихтиёрий тугатиш тadbирларини қўллашга тайёргарлик кўриш учун асос бўлади.

Агар мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналарни ихтиёрий тугатиш тadbирларини қўллашга тайёргарлик кўриш бошқа асосларга кўра амалга ошириладиган бўлса, корхона раҳбари кредиторлар йиғилиши ўтадиган пайтда

қадар бўлган 15 кундан кечиктирмай бу ҳақда Қўмитани хабардор қилиши ва корхона раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужатлик суди (бундан кейин — ҳужатлик суди) процессуал талабларида белгиланган маълумотлардан ташқари мулкчилик шакли ҳақидаги маълумотларни, қарздор ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги сабаблари, Қўмита учун зарур бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган қарорини тақдим этиши шарт.

Қарор корхонанинг ночорлигини олдиндан кўра билиб, тақдим этилиши мумкин. Қарздор қарорига дебиторлик ва кредиторлик қарзлари расшифровкаси билан унинг дебитор ва кредиторлари рўйхати, бухгалтерия баланси ёки унинг ўрнини босадиган бухгалтерия ҳужжатлари илова қилинади.

Қўмита корхонанинг ихтиёрий тугатилиш ҳақидаги қарорини Ҳукумат комиссиясига тасдиқлаш учун киритади. Ихтиёрий тугатиш бўйича кейинги тadbирлар корхона қарори Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланганидан кейин амалга оширилади.

2. Мол-мулкида давлат улуши бўлган корхонани ихтиёрий тугатишни Қўмита бошлаб берса, ихтиёрий тугатиш тadbирларини қўллашга тайёргарлик кўришни бошлаш корхона раҳбари учун корхонани ихтиёрий тугатиш бўйича белгиланган ҳаракатларни бажариш ҳақидаги мажбурий кўрсатмаларни ўз ичига олган Қўмита фармойиши билан расмийлаштирилади. Мазкур фармойиш белгиланган тартибда корхона раҳбарига юборилади ва мол-мулкнинг давлат улушини бошқариш учун ваколатли органга хабар қилинади.

3. Корхона раҳбари Қўмитанинг кўрсатилган фармойишини олган пайтдан бошлаб уч кун мобайнида куйилдиганларни бажаришга мажбур:

— Қўмита фармойишини бажариш бўйича барча зарур тadbирларни ташкил этиш тўғрисида буйруқ чиқариш;

— кредиторлар йиғилишини ўтказишни ташкил этиш, уни ўтказиш санасини белгилаш ва кредиторларга тегишли хабарномаларни юбориш;

— меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)ни ўтказишни ташкил этиш, у ихтиёрий тугатиш тadbирларида қатнашиши учун ўз вақилини сайлайди.

Корхона раҳбари чиқарган буйруқ чиқарилган кунда Қўмита маъзилига юборилади.

Кредиторлар йиғилиши Қўмита фармойиши олинган пайтдан бошлаб 15 кундан кечиктирмай ўтказилади.

Меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)-ни ўтказиш санаси кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган кундан кўпи билан 3 кун аввал белгиланади. Меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)нинг ўтказилмаганлиги Кредиторлар йиғилишини ўтказишга тўсқинлик қилмайди.

4. Қўмита кредиторлар йиғилишида корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги жами мажбуриятлари ҳажмида давлат манфаатларини ифодалайди ҳамда корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда давлат улушини бошқариш ваколатига эга бўлган (бундан кейин — ваколатли орган) тегишли тармоқ вазирликлари, идоралар ва органлар фикрларини албатта ҳисобга олган ҳолда овоз беради.

Кредиторлар йиғилишида корхона раҳбари ҳамда меҳнат жамоасининг ваколатли вақили қатнашади. Кредиторлар йиғилишида қатнашиш учун ҳокимликлар, тегишли тармоқ вазирликлари, ваколатли орган, молия органи, Давлат мулки қўмитаси, монополияга қарши орган вақиллари таклиф этилиши мумкин (агар корхона Ўзбекистон бозорида устун мавқега эга бўлса).

Агар кредиторлар розилиги билан бошқа тартиб тасдиқланмаган бўлса, кредиторлар йиғилишини ўтказиш тартиби Қўмита томонидан тасдиқланган кредиторлар йиғилиши намунади тартиби билан белгиланади.

Корхонанинг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш натижасида Қўмита томонидан корхона банкротлигининг атайин ёки сохта қилинганлиги аломатлари аниқланса, Қўмита бу ҳақда кредиторлар йиғилишини хабардор қилиши шарт. Бунда, атайлаб қилинган банкротлик аломатлари аниқланган тақдирда, Қўмита қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда корхонани банкротликка олиб бориш мақсадида тўзилган битимларни бекор қилиш талабларини тақдим этади, содир этилган ҳуқуқбузарликлар белгилари аниқланса, материалларни тергов органларига юборади.

Кредиторлар йиғилиши томонидан корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу қарор корхона раҳбари ва кредиторлар йиғилиши томонидан биргаликда қабул қилинган ҳисобланади. Корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши билан бир вақтда кредиторлар йиғилиши ишончли шахс (танлов бўйича бошқарувчи) номзодини таклиф этишга ҳақли.

Корхонани ихтиёрий тугатиш масаласи бўйича кредиторларнинг умумий йиғилиши қарори расмийлаштирилади ва уч кун ичида Қўмитага юборилади.

5. Қўмита мол-мулкида давлат улуши бўлган корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарорни олган пайтдан бошлаб уч кун ичида ушбу қарорни Ҳукумат комиссиясига тасдиқлаш учун киритади ва ишончли шахс (танлов бўйича бошқарувчи)ни тайинлайди.

Агар кредиторлар йиғилиши ишончли шахс (бошқарувчи) хусусида ўз номзодини таклиф этган бўлса, Қўмита уни кредиторлар йиғилиши таклиф этган ишончли шахс (бошқарувчи) деб тайинлаши мумкин.

Мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналарни ихтиёрий тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, Ҳукумат комиссияси ушбу қарорни тасдиқлаш учун корхона раҳбарига корхона устави бўйича уни тугатиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли бўлган корхона олий бошқарув органи (бундан кейин — Олий орган) йиғилишини ўтказишни топширади.

Олий орган йиғилиши корхона уставида белгиланган тартибда, корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарорнинг биргаликда қабул қилиниши пайтдан 30 кундан кечиктирмай ўтказилади.

Қўмита Олий орган йиғилишида давлатга тегишли улуш (бадал, акциялар пақети) ҳажмида давлат манфаатларини ифодалайди, бунда давлат манфаатларини ифодалайдиган бошқа барча шахсларнинг ваколатлари ушбу йиғилишда ҳақиқий бўлмайди.

Қўмита корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарорни тасдиқлашга қарши овоз беришга ҳақли эмас, корхона иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш натижасида корхонанинг ҳақиқатан тўловга қобиллиги ёки уни тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган ҳоллар, шунингдек мазкур Низомнинг 4-банди бешинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолларнинг мавжудлиги бундан мустасно.

Корхона раҳбари ва кредиторларнинг корхона тўловга қобиллигини тиклаш имконияти мавжуд бўлмаганлиги муносабати билан корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги умумий қарори овозлар умумий сонининг олдий кўпчилиги билан тасдиқланади.

Олий орган корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарорни тасдиқламаган ҳолда у корхонани иқтисодий ночор деб тан олиш ҳақида ариза бериш тўғрисида қарор қабул

қилишга ҳамда корхона раҳбарини ушбу аризани хўжалик судига тақдим этишга мажбур қилишга ҳақли.

Корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарор тасдиқланган тақдирда Олий орган ишончли шахс (бошқарувчи)ни тайинлаш мумкин. Агар кредиторлар йиғилиши таплов бўйича бошқарувчиликка ўз номзодини таклиф этган бўлса, Олий орган уни кредиторлар йиғилиши таклиф этган ишончли шахс (бошқарувчи) қилиб тайинлайди.

6. Агар корхона раҳбари белгиланган муддатда корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги Қўмига фармойишини бажармаса ёки у кредиторлар йиғилиши билан рад этилса, Қўмига корхона иқтисодий ночорлиги ҳақидаги ишни кўзгаи ҳақида аризани хўжалик судига тақдим этиш бўйича корхона раҳбари учун мажбурий кўрсатмани ўз ичига олган фармойиш чиқаради.

Ушбу фармойишни олганидан кейин корхона раҳбари икки ҳафта ичида Қўмигага корхонани иқтисодий ночор деб тан олиш ҳақидаги аризининг кўчирма нусхаси ва хўжалик суди томонидан ушбу ариза олинганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши шарт. Белгиланган муддатда мазкур ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда Қўмига мустақил равишда ушбу корхонани иқтисодий ночор деб тан олиш ҳақидаги аризани хўжалик судига тақдим этади.

7. Корхона раҳбари ва кредиторларнинг корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги биргаликдаги қарори Комиссия томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб корхона тугатиш жараёнида деб ҳисобланади. Корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги эълон белгиланган тартибда, ушбу қарор тасдиқланган пайтдан бошлаб уч кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилиш учун тақдим этилиши керак.

Кредиторлар назорати остида тугатиш тadbирларини амалга оширишнинг бошланиши мазкур Низомнинг 8-бан дига мувофиқ кредиторлар томонидан корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақида қабул қилинган қарордан норозилиги ҳақида аризани тақдим этиш учун белгиланган муддатта кечиктирилади.

8. Корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақида тасдиқланган қарорга норози бўлган кредитор бошқарувчига тегишли аризани юбориб, кўрсатилган қарорга норозилигини билдиради.

Корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги эълон босилган пайтдан бошлаб 20 кун ичида бошқарувчи ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарордан норозилиги ҳақида кредиторларнинг аризасини олмаса, ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарор барча кредиторлар билан келишилган ҳисобланади.

Агар кўрсатилган муддатда бошқарувчи кредиторнинг корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарордан норозилиги ҳақида ақалли битта аризасини олса, тугатиш тadbирларини амалга ошириш тўхтатилади. Бунда Қўмига хўжалик судига корхонанинг иқтисодий ночорлиги ҳақидаги ишни кўзгаиш ҳақида ариза тақдим этиш бўйича чоралар кўриши шарт.

9. Ишончли шахс (бошқарувчи) тугатиш комиссиясини тузади. Тугатиш комиссияси тугатиш тadbирларини амалга ошириш бошланган пайтдан 15 кундан кечиктирмай, Қўмига тақдим этиши билан Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган Корхоналарни тугатишнинг намуналардан режасига мувофиқ ишлаб чиқилган корхонани тугатиш режасини Қўмигага тақдим этади (фақат давлат улуши бўлган корхоналар). Агар белгиланган муддатда тугатиш комиссияси корхонани тугатиш режасини тақдим этмаса, Қўмига тугатиш режасини мустақил равишда ишлаб чиқишга ҳақли.

Қўмига билан, корхона Ўзбекистон Республикаси бозорида устун вазиятга эга бўлган тақдирда, тегишли монополияга қарши орган билан келишилган корхонани тугатиш режаси ишончли шахс (бошқарувчи) томонидан қарздор корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарор қабул қилинганидан кейин 15 кун ичида қақриладиган кредиторлар йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Кредиторлар йиғилишига бухгалтерия баланси, шунингдек кредиторлар рўйхати, уларнинг талаблари суммалари кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.

Кредиторлар йиғилиши:
— ишончли шахс (бошқарувчи) номзодини таклиф этади;

— қарздор мол-мулкани сотишни бошлаш, сотиш шакли, шунингдек унинг бошланғич нархи масаласини ҳал қилиши мумкин;

— ишончли шахс (бошқарувчи)га бериладиган тақдирлаш миқдорини белгилайди;

— келишув битимини тузиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин;

— бошқарувчи ҳаракатлари устидан назоратни амалга оширади.

10. Корхонани тугатиш режаси қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши керак:

— корхонанинг тўлиқ номи, юридик манзили ва ҳисобкитоб варағи;

— устав сармояси миқдори ва таркиби ҳақидаги маълумотлар;

— корхонанинг молиявий ҳолати, қарзи миқдори ва таркиби ҳақидаги маълумотлар;

— дебиторлик қарзларини ундириш бўйича тадбирлар рўйхати;

— кредиторлар талабларини тан олиш ёки бекор қилиш, норози бўлиш;

— қарздорнинг кредиторлар манфаатларига зид бўлган битимлари;

— ижтимоий-маданий ва коммунал-маиший йўналишдаги объектлар рўйхати. Бу объектларни тегишли ҳокимликларга ёки бошқа ташкилотларга бериш Давлат мулки қўмитаси қарори бўйича амалга оширилади;

— тугатилаётган корхона мол-мулкини сотиш учун лотларга ажратиш талаблари;

— тугатилаётган корхона мол-мулкини (мулкий лотларни) сотиш усули (усуллари), шунингдек уларнинг бошланғич нархи;

— мол-мулки (мулкий лотларни) сотиш шартлари рўйхати;

— тугатишнинг ноҳуш ижтимоий оқибатлари олдини олиш тадбирлари рўйхати;

— кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қолган пул маблағларини тақсимлаш тартиби.

Тугатиш режасига ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарор қабул қилиш пайтидаги корхона бухгалтерия баланси, шунингдек кредиторлар рўйхати, уларнинг талаблари суммалари кўрсатилган ҳолда илова қилинади.

11. Тугатилаётган корхона (фақат давлат улуши бўлган) мол-мулкини сотиш тугатиш режасида белгиланган тартибда Қўмита ёки у ваколат берган воситачи томонидан амалга оширилади. Агар кредиторлар умумий йиғилиши талаби билан корхонани тугатиш режасида бевосита бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса,

Мол-мулкнинг сотиш ва баҳолаш қийматлари ўртасидаги фарқ ҳисобига, банкрот корхоналарни аукционлар орқали давлат рўйхатидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағ кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қуйидагиларга йўналтирилади:

50 фоизи — санация фондини тўлдиришга;

50 фоизи — Қўмита маблағларини тўлдиришга.

12. Тугатилаётган корхона мол-мулкини сотиш тугатилганидан кейин 15 кундан кечиктирмай, ишончли шахс (бошқарувчи) кредиторларнинг якуний йиғилишини чақириб, ўз иши ҳақида ҳисобот тақдим этишга мажбур.

Кредиторлар йиғилиши тугатиш балансини (давлат улуши бўлган корхоналардан ташқари), кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган маблағларни сарфлаш ҳақида ҳисоботни тасдиқлаш ва корхонани тугатиш ҳақида қарор қабул қилади.

Агар тугатиш баланси кредиторлар йиғилишида тасдиқланмаса, кредиторлар 15 кун ичида мустақил аудиторлик текширишини тайинлашга ёки ишончли шахс (бошқарувчи)га тегишли даъво тақдим этишга ҳақли. Агар белгиланган давр ичида юқоридаги тадбирларнинг бирортаси ҳам амалга оширилмаса, ишончли шахс (бошқарувчи) тақдим этган тугатиш баланси тасдиқланган ҳисобланади.

13. Агар қарздор корхона мол-мулкида давлат улуши бўлса, раҳбар (бошқарувчи) тугатиш жараёни якунлашганлиги ҳақида ҳисобот тузиб, кейинчалик Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланиши учун Қўмитага юбориши шарт.

Белгиланган тартибда тасдиқланган тугатиш баланси танлов бўйича бошқарувчи томонидан Қўмитага ва корхонани рўйхатга олиш бўйича тегишли органга тақдим этилади, бу корхонани давлат корхоналар реестридан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

14. Кредиторлар йиғилиши амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда корхонанинг ихтиёрий тугатиш жараёни ва танлов бўйича бошқарувчи ҳаракатлари устидан назорат қилади.

Бошқарувчи ва тугатиш комиссияси ҳаракатларидан норози бўлиб, шикоят қилиш амалдаги қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
мулки қўмитаси ҳузуридаги
Корхоналар иқтисодий почорлиги
ишлари бўйича қўмита раиси

М. Т. Умаров

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»
1998 йил 2 апрель 418-сон

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
ДМҚ хузуридаги Корхоналар
иқтисодий ночорлиги иш-
лари бўйича қўмита раиси
М. Т. Умаров
1998 йил 27 февраль 4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ҳужалик суди билан
«КЕЛИШИЛГАН»
Раис ўринбосари

М. С. Умаров
1998 йил 17 февраль

БАНКРОТ КОРХОНАЛАРНИ ТУГАТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА НИЗОМ

I. Умумий қондалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Банк-
ротлик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ-1658-сон
«Корхоналар банкротлиги тўғрисида»ги Фармони, Ўзбе-
кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил
28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки
қўмитаси хузуридаги Корхоналар иқтисодий ночорлиги
ишлари бўйича қўмита фаолиятини ташкил этиш масала-
лари тўғрисида»ги 465-сон қарорига мувофиқ ишлаб чи-
қилган.

Кредиторлар талабларини мутаносиб равишда қонди-
риш ва корхонанинг иқтисодий ночорлиги муносабати
билан ноҳуш ижтимоий оқибатларнинг олдини олиш ту-
гатиш жараёнининг мақсади ҳисобланади.

Ҳужалик суди томонидан корхонани банкрот деб эълон
этиш тўғрисида қарор чиқарилганидан кейин Корхоналар
иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича қўмитанинг худудий
иқтисодий ночорлиги (бундан кейин — қўмитанинг худудий
бошқармаси) тугатиш жараёнини ташкил этиш учун суд

қарори билан бирга ҳужжатлар мажмуи тақдим этилади. Шу
пайтдан бошлаб:

— қарздор мулкини бошқа шахсининг ихтиёрига ўтка-
зиш, бериш ва мажбуриятларини сундириш тақиқланади;
— ҳисоб-китоб варағи бўйича операциялар, дивиденд-
лар, солиқлар ва тўловларни тўлаш тўхтатилади;

— қарздорнинг барча қарз мажбуриятлари муддати
ўтган ҳисобланади ва унга янги талабларнинг қўйилишига
имкон берилмайд;

— қарздорнинг барча хил қарзлари бўйича пеня ва
фоизлар ҳисоблаш тўхтатилади;

— қарздор қарзини унинг мол-мулкидан ундиришга
доир барча чеклашлар бекор қилинади;

— ҳужалик судида кўриб чиқиладиган барча мулкий
низолар тўхтатилади.

Қарздорга мулкий ёки молиявий тусдаги барча талаб-
лар фақат тугатиш жараёни доирасида тақдим этилиши
мумкин.

Ҳужалик юритиш субъекти — қарздор ҳужалик судининг
қарори кучга кирган пайтдан бошлаб давлат реестридан
чиқарилганига қадар тугатиш жараёнида деб ҳисобланади.

II. Тугатиш жараёнини ташкил этиш

2.1. Қарздор корхонани банкрот деб эълон қилиш
ҳақида ҳужалик суди қарори олинганидан кейин қўмита-
нинг худудий бошқармаси кредиторлар, банкрот корхона
ва бошқа манфаатдор томонларга тугатиш комиссияси тар-
кибига киритиш учун номзодларни тақдим этиш ҳақида
хатлар юборади.

2.2. Тугатиш комиссияси таркибига қўйиладиган кирати-

— тугатиш комиссиясига бошчилик қиладиган ишонч-
ли шахс;

— қарздорнинг вакиллари (раҳбар ва бош бухгалтер);

— кредиторлар вакили;

— бошқа манфаатдор томонлар вакиллари (ҳокимлик,
давлат солиқ инспекцияси, банк, биржа, давлат бюджет-
дан ташқари фонллари ва бошқалар).

2.3. Номзодлар тақдим этилганидан кейин қўмитанинг
худудий бошқармаси ваколатли шахс бошчилигида туға-
тиш комиссиясини ташкил этиш ҳақида буйруқ чиқаради.

Тугатиш комиссияси тайинланганидан кейин банкрот корхона ишларини бошқариш бўйича ваколатлар унга ўтади.

2.4. Банкрот корхонани тугатиш учун зарур бўлган ташкилий, иқтисодий ва бошқа шароитларни яратиш тугатиш комиссиясининг мақсади ҳисобланади.

Тугатиш комиссияси банкрот корхонани тугатиш жараёнида акциядорлар (пайчилар) ҳуқуқлари ҳимоя этилиши ва кредиторлар, бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан меҳнат жамоаси аъзолари манфаатларига риоя қилинишини таъминлайди.

2.5. Тугатиш комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— мулкчилик шаклидан қатъи назар, иқтисодий органлар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотлардан ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни олиш;

— экспертизалар ўтказиш, банкрот корхонани тугатиш режасини ишлаб чиқиш учун вазирликлар, идоралар ва аудиторлик фирмалари мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш;

— банкрот корхона раҳбари, бош бухгалтери тугатиш жараёнида қатнашишдан бош тортганлиги ёки корхонанинг мансабдор шахслари амалдаги қонунлар талабларига риоя этмаганлиги фактлари ҳақида Кўмитанинг худудий бошқармасига хабар бериш;

— жавобгар шахсларнинг корхонани банкротликка олиб келган ноқонуний ҳаракатлари аниқланганида тугатиш жараёнининг исталган босқичида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига мурожаат қилиш;

— банкрот корхона тугатилишига тўсқинлик қилаётган шахсларга нисбатан чоралар кўриш;

— тугатиш жараёни тугагунга қадар корхона мол-мулкнинг сақлаб қолиниши таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари, банкрот корхона раҳбари ва бошқа шахслар билан шартномалар тузиш.

2.6. Ишончли шахс тугатиш жараёнига бошчилик қилади. Ишончли шахс жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин. Қуйидагилар ишончли шахс деб тайинланиши мумкин эмас:

— қарздорнинг манфаатдор шахслари;

— аввал қарздор ишларини бошқарган шахслар;

— ғаразли жинойтларни содир этганлиги учун суд белгилаган муддатни охиригача ўтамаган жисмоний шахслар.

Ишончли шахсининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 23-модда-сида назарда тутилган.

2.7. Тугатиш комиссияси ташкил этилган пайтдан бошлаб, ишончли шахс корхона раҳбарининг расмий ҳужжатларни имзолаш ва бошқа ваколатлари, шунингдек кредиторлар йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлади. Ишончли шахс кредиторлар талаблари реестрини олиб бориши ва кредиторлар изҳор этган талабларни кўриб чиқиши шарт.

2.8. Тугатиш жараёнида ишончли шахс банкрот корхона мол-мулки, жумладан, гаровда бўлган мулк, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича кредиторлар олдидаги мажбуриятларини инвентарлаш ва баҳолашни ташкил этади.

Ишончли шахс талаби билан банкрот корхона раҳбари унга ўз кредиторлари ва дебиторларининг тўлиқ рўйхатини, қарзлар суммаси кўрсатилган ҳолда, активлар ва пасивлар мукамал баланси, молиявий ҳолат тўғрисида-ги ҳисоботни, дафтарлар, ҳисобварақлар ва бошқа ҳужжатлардаги барча зарур маълумотларни тақдим этиши шарт.

2.9. Ўзбекистон Республикасининг кредититорлар «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ташкил этиладиган кредититорлар йиғилиши тугатиш жараёнида кредититорлар манфаатларини ифодалайди. Кредиторлар йиғилиши ишончли шахс ташаббуси билан ёки кредиторлар талабига кўра чақирилади.

Кредиторлар йиғилишида кредиторлар, ишончли шахс ва ночор қарздор қатнашиш ҳуқуқига эга.

Кредиторлар йиғилишида қарздор мажбуриятлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорда даъво билдираётган, овоз бериш ҳуқуқига эга кредиторлар қатнаша, у ҳақиқий ҳисобланади. Йиғилишда кредиторлар ўрнига уларнинг ишончли шахси қатнашиши мумкин.

2.10. Кредиторлар йиғилиши ваколатларига қуйидагилар кирadi:

— Кўмитанинг худудий бошқармасига тасдиқлаш учун ишончли шахс номзодини тақдим этиш;

— қарздор мол-мулкни бошқасининг ихтиёрига ўтказиш билан боғлиқ муайян битимларни амалга оширишга рухсат бериш;

- келишув битимини тузиш тактифини киритиш;
- ишончли шахс ҳаракатларини назорат қилиш;
- йиғилишнинг оператив органи бўлган кредиторлар кўмитасини ташкил этиш. Кўмитанинг вазифалари кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланади.

Кредитор почор қарздорга эътироф этилган талабларга эга бўлса ва ушбу ишда бошқа манфаатлардан келиб чиққан сабаблардан кўмитанинг овоз бериш ҳуқуқини олади.

III. Тугатиш жараёнини ўтказиш

Тугатиш комиссияси жами талабларнинг камида учдан икки қисмини тақдим этаётган кредиторлар томонидан келишилган ва маъқулланган режага мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

Тугатиш комиссияси қуйидагиларга мажбур:

- 1) банкрот ҳўжалик юритувчи субъект жойлашган ердаги расмий матбуотда унинг тугатилиши ва кредиторларнинг даъво бериш тартиби ҳақида эълон чиқариш. Кредиторлар республиканинг бошқа минтақаларида ҳам бўлса, корхона тугатилиши ҳақидаги эълон марказий расмий матбуотда берилади;
- 2) хат орқали хабар бериш йўли билан кредиторлар ва манфаатдор томонларни тугатиш жараёни бошланганлиги ҳақида хабардор қилиш;
- 3) банкрот ҳўжалик юритувчи субъект пул маблағларини жамлаш учун қарздор ҳисоб-китоб варағидаги ошпазликларни тўхтатиш ва битта банкда ягона тугатиш ҳисоб варағини очиниш;
- 4) банк ҳисоб варақчасида имзоларни ишончли шахс ва тугатиш даврида бухгалтерлик ҳисобини юритиш учун масъул шахсга расмийлаштириш. Тугатиш жараёнидаги барча зарур ҳаражатлар ушбу ҳисобварақдан қопланади;
- 5) мол-мулк, жумладан гаровда бўлган мол-мулкни инвентарлаш ва баҳолаш;
- 6) тугатиётган корхона ходимлари ишдан бўшатилганлиги ҳақида Меҳнат вазирлиги ва бандлик хизмати органларини хабардор қилиш;
- 7) тугатиш балансини тузиш ва уни ҳўжалик судини тақдим этиш;
- 8) банкрот ҳўжалик юритувчи субъектни тугатиш режасини тайёрлаш;

9) зарурат тутилганда банкрот ҳўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулки очик савдода сотилишини амалга ошириш;

10) Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 28-моддасида белгиланган кетма-кетлик тартибидан кредиторлар талабларини қондириш;

11) кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин мол-мулкида давлат улushi бўлган банкрот ҳўжалик юритувчи субъект мол-мулкни сотиш ва баҳолаш қийматлари ўртасидаги фарқ билан давлат маблағлари тафовутини қуйидагича тақсимлаш:

85 фоизи — санация фондини тўлдиришга;

15 фоизи — Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари маблағларини тўлдиришга;

12) пул маблағлари ва сотилмаган мол-мулкнинг қолдиғини далолатномани расмийлаштириш йўли билан мулкдор (мулкдорлар)га бериш;

13) банкрот корхонани тугатишни ўтказиш ҳақидаги якуний ҳисоботни тайёрлаш ва уни ҳўжалик суди, Кўмита ва мулкдорга тақдим этиш.

Тугатиш жараёнида банкрот корхона ҳужжатлари пакетининг ўтиши иловага мувофиқ амалга оширилади.

IV. Тугатиш жараёнининг якуний босқичи

Тугатиш жараёни тугаганидан кейин тугатиш комиссияси Кўмитанинг ҳудудий бошқармасига ўз фаолияти ҳақида якуний маърузани тугатиш баланси ва кредиторлар даъволари қондирилганидан кейин қолган маблағлардан фойдаланиш ва уни тақсимлаш ҳақида ҳисоботни илова қилган ҳолда тасдиқлаш учун тақдим этади.

Кўмитанинг ҳудудий бошқармаси тугатиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлайди, тугатиш жараёни тугагани ҳақида баённома қарори чиқаради ва уни ҳўжалик юритиш субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш органига юборади. Баённома қарори банкрот корхонани рўйхатга олиш реестридан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Кўмита томонидан ҳўжалик юритувчи субъект давлат реестридан чиқарилганлиги ҳақида ахборот ва тугатиш комиссиясининг ҳужжатлари пакети олингани ва архивга қўйилганидан кейин иш якунланган ҳисобланади.

Тугатиш комиссиясининг ҳаракатлари ҳўжалик судида бекор қилиниши мумкин.

V. Банкрот корхонани давлат реестридан чиқариш учун зарур бўлган ҳужжатлар

Банкрот корхонани давлат реестридан чиқариш учун Қўмитанинг ҳудудий бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олиш билан шуғулланадиган органга қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1) белгиланган тартибда ариза;
 - 2) корхонани банкрот деб тан олиш ҳақида ҳўжалик суди қарорининг кўчирма нусхаси;
 - 3) тугатиш комиссияси томонидан корхонани тугатиш ҳақидаги эълон матбуотда босилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
 - 4) ишончли шахс томонидан тасдиқланган корхонани тугатиш баланси;
 - 5) кредиторлик қарзининг сўндирилмаган суммаларни кўрсатилган ҳолда сўндирилган қарзлар ҳақида банклардан кўчирмалар, давлат солиқ инспекцияси, меҳнат биржаси, Пенсия жамғармаси ва Бандлик фондидан маълумотномалар;
 - 6) тугатиш ҳисобварағининг ёпилганлиги ҳақида банк маълумотномаси;
 - 7) муҳр ва штамп йўқ қилинганлиги ҳақида ички ишлар органларидан маълумотнома;
 - 8) тугатиш жараёни яқунлангани ҳақида Қўмитанинг ҳудудий бошқармаси баённома қарори.
- Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиш органи юқорида саналган ҳужжатларни қабул қилиб олиб, ҳўжалик юритувчи субъектни давлат реестридан чиқариш ҳақида қарор чиқаради ва унинг кўчирма нусхасини Қўмитанинг ҳудудий бошқармасига юборади.
- Шу пайтдан бошлаб банкрот корхона фаолияти тўхта-тилган, банкротлик ҳақидаги иш яқунланган, қарздор эса ўз қарзларидан қутулган ҳисобланади.

Банкрот корхоналарни тугатиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича низомга илова

Тугатиш жараёнида банкрот корхона ҳужжатлари пакетининг ўтиши чизмаси

Бошланғич ҳолат

Корхона банкротлиги тўғрисида ҳўжалик суди томонидан қарор чиқарилиши

Ишончли шахс бончилигида тугатиш комиссиясини ташкил этиш ҳақида Қўмитанинг ҳудудий бошқармаси томонидан буйруқ чиқарилиши

Тугатиш комиссияси ишининг бошланғичи:

- тугатиш режасини тузиш;
 - банкротлик ҳақидаги эълонни чиқариш;
 - кредиторлар ва манфаатдор томонларни тугатиш бошланғичлиги ҳақида хабардор қилиш;
 - тугатиш ҳисобварағини очини;
 - мол-мулкни инвентарлиги ва баҳолаш;
 - мол-мулкни рўйхатга олиш далолатномасига мувофиқ мол-мулкни жавобгарлик остида сақлашга қўйиш;
 - дебиторлик қарзларини ундириш бўйича чоралар кўриш;
 - тугатиш балансини тузиш;
 - мол-мулкни очиқ савдога қўйишнинг тайёрлаш.
- Муддат: 60 кун.

Мол-мулкни РКМБ ва бошқа очиқ савдоларга қўйиш ва сотиш

- савдо амалга оширилганда (амалга ошган аукцион) аукцион ўтган кунни харидор томонидан «Аукцион натижалари ҳақида» баённома имзоланади;
 - сотувчи (тугатиш комиссияси) ва харидор ўртасида мол-мулкни сотиш шартномасининг имзоланиши. Мол-мулк учун ҳақ тўлаш;
 - объект такрор савдолар натижасида сотилмаганида (амалга ошмаган аукцион) тугатиш комиссияси икки кун ичида бошланғич нархни пасайтириш ҳақида қарор қабул қилади ва мол-мулкни қайта савдога қўяди.
- Муддат: 60 кун.

Белгиланган навбат кетма-кетлигида ва тасдиқланган тугатиш режасига мувофиқ қарзларни сўндириш.
Пул маблағлари ва сотилмаган мулк қолдинини мулкдорга бериш.

Муддат: 3 кун.

Тугатиш комиссияси ишини яқунлаш:

- мол-мулкни сотиш учун берилган ҳужжатларни қайтариб олиш;
 - тугатиш жараёни тугатилганлиги ҳақида якуний ҳисоботни Қўмитага тасдиқлаш учун тақдим этиш;
 - банкрот корхонани давлат рўйхатдан ўтказиш реестридан чиқариш;
 - ҳужжатлар пакетини сақлаш учун архивга юбориш.
- Муддат: 10 кун.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»
1998 йил 3 апрель 419-сон

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
ДМҚ хузуридаги Корхоналар
иқтисодий ночорлиги иш-
лари бўйича қўмита раиси
М. Т. Умаров
1998 йил 18 март 6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги билан
«КЕЛИШИЛГАН»
Вазир ўринбосари

Э. Ф. Гадоев
1998 йил 18 март

БАНКРОТ КОРХОНА МОЛ-МУЛКИНИНГ ҚИЙМАТИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ИНВЕНТАРЛАШ ВА БАҲОЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги 465-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Корхоналар иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва банкрот корхона мол-мулки қиймати, мажбуриятларини инвентарлаш ва баҳолашни ўтказиш ҳамда унинг натижаларини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур йўриқномада кўйидаги таърифлар қўлланилади:

— банкрот корхона мол-мулки асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий қўйилмалар, ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, товарлар, бошқа захиралар, пул маблағлари ва бошқа молиявий активларни ўз ичига олади;

— банкрот корхона мажбуриятлари деганда кредиторлик қарзи, банклар кредитлари, қарзлар (заёмлар) тушунилади.

1.3. Банкрот корхона қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, унинг бутун мол-мулки ва молиявий мажбуриятларининг барча турлари инвентарланиши керак.

Бундан ташқари банкрот корхонага тегишли бўлмаган, бироқ баланسدан ташқари ҳисобда бўлган (маъмулиятли сақланган бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) ишлаб чиқариш захиралари ва мол-мулкнинг бошқа турлари, шунингдек бирор сабабга қўра ҳисобда олинмаган мол-мулк ҳам инвентарланиши шарт. Мол-мулкни инвентарлаш моддий жавобгар шахс томонидан унинг жойлашган ерида амалга оширилади.

1.4. Инвентарланнинг асосий мақсадлари:

- ҳақиқатан мавжуд мол-мулкни аниқлаш;
- ҳақиқатан мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш;
- ҳисобда акс эттирилган мажбуриятларнинг тўлиқ ва тўғри баҳолашганини текшириш;
- банкрот корхона мол-мулки қиймати ва мажбуриятларини баҳолашдан иборат.

1.5. Банкрот корхона мол-мулкни инвентарлаш, баҳолаш ва сотиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тугатиш комиссиясига юклатилади. Тугатиш комиссияси ишини ишончли шахс бошқаради.

1.6. Тугатиш комиссияси инвентарлаш комиссиясини ташкил этади, унинг таркибига Қўмита, унинг ҳудудий бошқармалари, молия органлари ва банк муассасалари, шунингдек меҳнат жамоаси вакиллари киради. Тугатиш комиссиясининг мол-мулкни инвентарлаш ишига махсус масъулаҳат (аудиторлик) ташкилотлари жалб этилиши мумкин.

1.7. Тугатиш комиссияси банкрот корхона мол-мулкни инвентарлаш ва баҳолашни назорат қилади.

2. Банкрот корхона мол-мулкни инвентарлашни ташкил этиш тартиби

2.1. Ҳақиқатан мавжуд мол-мулкни текширишни бошлашдан аввал банкрот корхона раҳбари инвентарлаш комиссиясига инвентарлаш пайтида бўлган охириги кирим ва чиқим ҳужжатлари ёки моддий бойликлар ҳамда пул маблағларининг ҳаракати ҳақида ҳисоботни тақдим этади.

2.2. Ҳақиқатан мавжуд мол-мулкни текшириш моддий жавобгар шахсларнинг мажбурий иштирокида амалга оширилади.

Инвентарлаш бошланишида моддий жавобгар шахслар мол-мулкка оид барча кирим ва чиқим ҳужжатларининг инвентарлаш комиссиясига тақдим этади.

Ишончли шахс жалб этилган аудиторлар билан бирга реестрлар (ҳисоботлар)га илова қилинган барча кирим ва чиқим ҳужжатларига «...»да (сана) инвентарланишига қадар» деб кўрсатган ҳолда виза қўяди, бу эса бухгалтерияга ҳисоб маълумотлари бўйича инвентарлаш бошланишига қадар мол-мулк қолдиқларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2.3. Моддий жавобгар шахслардан инвентарлаш бошланишига қадар мол-мулкнинг барча чиқим ва кирим ҳужжатлари бухгалтерияга топширилганлиги ёки инвентарлаш комиссиясига берилганлиги, сақлашга келиб тушган барча бойликлар киримга қайд этилганлиги, чиқиб кетганлари эса чиқимга ёзилганлиги ҳақида тилхат олинади. Мол-мулкни харид қилишга ҳисобот берилувчи суммалар ёки уларни олишга ишончномаларга эга шахслар ҳам худди шундай тилхат берадилар.

2.4. Ҳақиқатан мавжуд мол-мулк ва ҳисобга олинган молиявий мажбуриятларнинг ҳақиқийлиги ҳақидаги маълумотлар камида икки нусхада инвентарлаш рўйхатлари ёки инвентарлаш далолатномаларида (бундан кейин инвентарлаш рўйхатлари ёки инвентарлаш далолатномалари «инвентарлаш рўйхатлари» деб номланади) келтирилади.

2.5. Жалб этилган аудиторлар асосий воситалар, хом ашё захиралари, товарлар, пул маблағлари, бошқа мол-мулк ва мажбуриятларнинг ҳақиқатан қолдиғи ҳақидаги маълумотларнинг инвентарлаш рўйхатларига тўлиқ ва тўғри киритилиши, инвентарлаш материалларининг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлайди.

2.6. Инвентарлаш чоғида ҳақиқатан мавжуд мол-мулк мажбурий ҳисоблаш, ўлчаш, санаш йўли билан аниқланади ва бу ҳақда далолатнома тузилади.

Корхона раҳбари инвентарлаш комиссияси белгиланган муддатларда ҳақиқатан мавжуд мол-мулкни текширишнинг тўлиқлиги ва аниқлигини таъминлайдиган шарт-шароит яратиб бериши керак.

2.7. Етказиб берувчининг бузилмаган ўрамида сақланган материаллар ва товарларнинг миқдори юклаб жўнатиш ва кирим ҳужжатларига асосан аниқланади, бунда бу бойликларнинг бир қисми натурада (ихтиёрий танланган) текширилиши шарт. Уйиб қўйилган материаллар оғирлиги (ёки ҳажми)ни ўлчаш ва техник ҳисоб-китоблар орқали аниқлашга йўл қўйилади.

2.8. Катта миқдордаги оғир товарлар инвентарланаётганда ўлчов қайдномалари комиссия аъзолари (аудиторлар)дан бири ва моддий жавобгар шахс томонидан алоҳида юритилади. Тортиш тутаганида бу қайдномалар солиштирилади, чиқарилган якун инвентарлаш рўйхатига киритилади. Ўлчаш далолатномалари, техник ҳисоб-китоблар ва ўлчаш қайдномалари инвентарлаш рўйхатларига илова қилинади ва ишончли шахс, аудитор, моддий жавобгар шахс томонидан тасдиқланади.

2.9. Инвентарлаш рўйхатларини ҳисоблаш ва бошқа техник воситалар ёрдамида ҳам, қўлда ёзиш усули билан ҳам тўлдирилиши мумкин.

Инвентарлаш рўйхатлари сиёҳли ёки шарикли ручкаларда аниқ, тушунарли, тузатиш ва ўчиришларсиз тўлдирилади.

Инвентарланаётган бойликлар ва объектлар номи, улар миқдори инвентарлаш рўйхатларида номенклатура бўйича ҳамда ҳисобда қабул қилинган ўлчов birlikларида кўрсатилади.

Инвентарлаш рўйхатининг ҳар бир саҳифасида ушбу бойликлар қандай ўлчов birlikларида (дона, килограмм, метр ва ҳоказо) кўрсатилганлигидан қатъи назар, мазкур саҳифада ёзилган моддий бойликлар тартиб рақамлари сони ва миқдорнинг натурал кўрсаткичлардаги умумий якуни ёзув билан кўрсатилади.

Инвентарлаш рўйхатларининг барча нусхаларида хатоларни тузатиш потўтри ёзувларни чизиб ўчириш ва улар тепасига тўғри ёзувларни ёзиш йўли билан амалга оширилади. Тузатишлар инвентарлаш комиссиясининг барча аъзолари, моддий жавобгар шахслар томонидан келишилган ва имзоланган ҳамда муҳрлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Инвентарлаш рўйхатларида тўлдирилмаган сатрларни қолдиришга йўл қўйилмайди, охириги саҳифаларда тўлди-

рилмаган сатрлар чизиб кўйилади. Сўпги саҳифала нархлар текширилганлиги, баҳо белгиланганлиги ва якунлар ҳисобланганлиги ҳақида қайд этилган бўлиши ва у текширишни амалга оширган шахслар томонидан имзоланган бўлиши керак.

2.10. Инвентарлаш рўйхатларини инвентарлаш комиссиясининг барча аъзолари, аудиторлар (жалб этилган мутахассислар), моддий жавобгар шахслар, банкрот корхона раҳбари имзолайди. Рўйхат охирида моддий жавобгар шахслар мол-мулк комиссия томонидан улар иштирокида текширилганлигини тасдиқлайдиган, комиссия аъзоларига бирорта даъво йўқлиги ҳақида тилхат беришади ҳамда рўйхатда санаб ўтилган мол-мулкни жавобгарлик остида сақланишига қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзолайди.

2.11. Жавобгарлик остида сақланаётган, ижарага ёки қайта ишлашга олинган мол-мулк учун алоҳида инвентарлаш рўйхатлари тузилади.

2.12. Агар мол-мулкни инвентарлаш бир неча кун мобайнида ўтказилса, моддий бойликлар сақланадиган хоналар (бинолар) иш кунидан кейин ишончли шахс томонидан муҳраб кўйилиши керак. Ишдаги танаффуслар пайтида (тушлик танаффуси, тушти вақтда, бошқа сабабларга кўра) инвентарлаш рўйхатлари инвентарлаш ўтказилаётган жойда ёпиқ хонадаги ёпиқ қутида (жавон, сейфда) сақланиши керак.

2.13. Комиссия аъзолари (аудитор) инвентарлашдан кейин инвентарлаш рўйхатларида хатони аниқлаган тақдирда, дарҳол (омбор, секция ва ҳоказо очилганига қадар) бу ҳақда тугатиш комиссиясининг ишончли шахсига хабар бериши шарт.

Ишончли шахс мазкур фактларни текширади ва улар тасдиқланган тақдирда белгиланган тартибда ўтган хатоларни тузатиб кўяди.

2.14. Инвентарлашни расмийлаштириш учун мол-мулк ва молжавий мажбуриятларни инвентарлаш бўйича бошлангич ҳисоб ҳужжатларни шакллари кўллаш зарур.

2.15. Инвентарлаш тугатилганда кейин инвентарлашни ўтказиш тўғрисидаги назорат текширувлари ўтказишни мумкин. Уларни тугатиш комиссияси аъзолари, жалб этилган

ган аудиторлар, мутахассислар ва моддий жавобгар шахслар иштирокида омборхона, секция ва ҳоказолар ёшилганига қадар инвентарлаш ўтган жойда ўтказиш керак.

Инвентарлаш тўғри ўтказилганлигининг назорат текширувлари натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва тугатиш комиссиясига берилади.

3. Асосий воситаларни инвентарлаш

3.1. Инвентарлаш бошланганига қадар:

а) инвентар варақчалар, инвентарь дафтарлари, инвентарлаш рўйхатлари ва таҳтилий ҳисобнинг бошқа регистрлари мавжудлиги ва ҳолати;

б) техник паспортлар ёки бошқа техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳолати;

в) ташкилот томонидан ижарага ва сақлашга берилган ва олинган асосий воситаларга ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириш тавсия этилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларида ёки техник ҳужжатларда тафовутлар ва ноаниқликлар аниқланганида, улар тугатиш комиссиясига маълум қилиниши лозим.

3.2. Асосий воситаларни инвентарлашда комиссия объектларни текширади ва инвентарлаш рўйхатларига уларнинг тўлиқ номи, мақсади, инвентарь рақамлари ва асосий техник ёки фойдаланиш кўрсаткичларини киритади. Бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулклар инвентарланганда комиссия мазкур объектлар банкрот корхоналарнинг мулкчилигида эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

3.3. Ҳисобга олинмаган объектлар, шунингдек бухгалтерия ҳисоби регистрларида қайд этилмаган ёки уларни тасдиқловчи нотўғри маълумотлар кўрсатилган объектлар аниқланганида, комиссия инвентарлаш рўйхатларига бу объектлар бўйича тўғри маълумотлар ва кўрсаткичларни киритиши керак. Масалан, бинолар бўйича — уларнинг мақсади, қурилишида ишлатилган асосий материаллар, ҳажми (ташқи ёки ички томондан ўлчаниши), майдони (умумий фойдаланиш майдони), қаватлар сони (ертўла, ярим ертўла ва ҳоказоларсиз), қурилган йили ва бошқалар; каналлар бўйича — узунлиги, чуқурлиги ва кенлиги (таги ва усти бўйича), сунъий иншоотлар, таги ва ёнбағрини мустаҳкамлаш мате-

риаллари; кўприклар бўйича — жойлашган ери, материаллар тури ва асосий ўлчамлар; йўллар бўйича — йўл тузилиши (тош кўча, текисланган), узунлиги, қоплаш материаллари, йўл кенлиги ва ҳоказолар кўрсатилади.

Инвентарлашда аниқланган ҳисобга олинмаган объектларни баҳолаш бозор нархларини ҳисобга олиб амалга оширилиши, эскириши эса объектларнинг амалдаги техник ҳолати бўйича аниқланиши ҳамда баҳолаш ва эскириш ҳақидаги маълумотлар тегишли далолатномаларда расмийлаштирилиши керак.

Асосий воситалар инвентарлаш рўйхатларига номи бўйича объектнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб киритилади. Агар объект қайта тикланган, таъмирланган, кенгайтирилган ёки қайта жиҳозланган ва бунинг оқибатида унинг асосий мақсади ўзгарган бўлса, у инвентарлаш рўйхатига номи остида янги мақсадига кўра киритилади.

Агар комиссия томонидан капитал тусдаги қурилишлар (қаватлар қуриш, янги хоналарни қуриш ва бошқалар) ёки иморатлар ва иншоотларни қисман тугатиш (айрим конструктив қисмларини бузиш) ишлари бухгалтерия ҳисобида акс этмаганлиги аниқланса, тегишли ҳужжатлар бўйича объектнинг баланс қиймати кўпайиши ёки камайиши суммасини аниқлаш ҳамда инвентарлаш рўйхатида амалга оширилган ўзгаришларни келтириш зарур.

3.4. Машиналар, жиҳозлар ва транспорт воситалари инвентарлаш рўйхатига яқка тартибда завод инвентарь рақами, ишлаб чиқарган ташкилот, ишлаб чиқарилган йил, мақсади, қуввати ва ҳоказолар кўрсатилган ҳолда киритилади. Бунда корхонанинг тугатилиши ва мавжуд автотранспортни ҳисобдан чиқариш ҳақида ДАН органларига хабар берилади.

Ташкилотнинг таркибий бўлинмаларидан бирига бир вақтда келган ва туркумли ҳисобга олинмаган намуналар инвентарь варақчасида қайд этиладиган бир хил қийматлар бир хил тусдаги хўжалик анжомлари, асбоблар, дастгоҳлар ва ҳоказолар инвентарлаш рўйхатларида ушбу предметларнинг миқдори кўрсатилган ҳолда номи бўйича келтирилади.

3.5. Инвентарлаш пайтида ташкилот жойлашган ердан бошқа жойда бўлган асосий воситалар (узоқ рейслардаги автомашиналар, темир йўл ҳаракат таркиби; капитал таъ-

мирлашга юборилган машиналар ва ускуналар ва ҳоказолар) инвентарлаш рўйхатларига ҳисоб маълумотларига кўра шартли қайд этилади ва кейинчалик доимий жойига қайтганида назорат учун қайта текширилади.

3.6. Фойдаланиб бўлмайдиган ва қайта тикланмайдиган асосий воситалар учун инвентарлаш комиссияси алоҳида рўйхат тузади, унда фойдаланишга топширилган вақт ва объектларнинг яроқсиз ҳолатга келиши сабабларини (ишдан чиқиш, тўлиқ эскириш ва ҳоказо) кўрсатади ҳамда бу ҳақда тугатиш комиссиясига хабар беради. Тугатиш комиссияси уларни ҳисобдан чиқаради ва сотиш нархи бўйича темир-терсақка топширади.

3.7. Ўз асосий воситаларини инвентарлаш билан бир вақтда жавобгарлик остида сақлаш учун ва ижарага олинган асосий воситалар ҳам текширилади.

Кўрсатилган объектлар бўйича алоҳида инвентарлаш рўйхати тузилади, унда ушбу объектларни жавобгарлик остида сақлаш учун ёки ижарага олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга ҳавола қилинади.

Номоддий активлар ва молиявий қўйилмаларни инвентарлаш

3.8. Номоддий активларни инвентарлаш пайтида:

— ташкилотнинг ундан фойдаланишга ҳуқуқи борлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

— номоддий активларнинг балансда тўғри ва ўз вақтида акс этирилганлигини текшириш зарур.

3.9. Молиявий қўйилмаларни инвентарлашда бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва устав сармояларига ҳақиқатан қилинган харажатлар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзлар текширилади.

3.10. Қимматли қоғозларнинг ҳақиқатан мавжудлиги текшириляётганида:

— қимматли қоғозларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги;

— балансда қайд этилган қимматли қоғозлар қийматининг ҳаққонийлиги;

— қимматли қоғозларнинг сақланганлиги (ҳақиқатан мавжуд қимматли қоғозларни бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар билан таққослаш йўли воситасида);

— бухгалтерия ҳисобида қимматли қоғозлар бўйича олигана даромадларнинг ўз вақтида ва тўлиқ акс эгтирилганлиги аниқланади.

3.11. Қимматли қоғозлар ташкилотнинг ўзида сақланганида уларни инвентарлаш кассадаги пул маблағларини инвентарлаш билан бир вақтда амалга оширилади.

3.12. Қимматли қоғозларни инвентарлаш далолатномада унинг номи, туркуми, рақами ва ҳақиқий қиймати, сўндириш муддатлари ва умумий суммаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади.

Ҳар бир қимматли қоғознинг реквизитлари ташкилот бухгалтериясида сақланадиган рўйхатлар (реестрлар, дафтарлар)даги маълумотлар билан таққосланади.

3.13. Махсус ташкилотлар (депозитарий — қимматли қоғозлар сақланадиган махсус жой ва бошқалар)га топширилган қимматли қоғозларни инвентарлаш ташкилот бухгалтерия ҳисобининг тегишли ҳисобварақларида ҳисобда бўлган суммалар қолдигани мазкур махсус ташкилотлар кўчирмаларидаги маълумотлар билан солиштиришдан иборат бўлади.

3.14. Бошқа ташкилотлар устав сармояларига молиявий қўйилмалар, шунингдек бошқа ташкилотларга берилган қарзлар инвентарлаш вақтида солиштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак.

Товар-моддий бойликларни инвентарлаш

3.15. Товар-моддий бойликлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, товарлар, бошқа захиралар) ҳар бири инвентарлаш рўйхатларига тури, гуруҳи, миқдори ва бошқа зарур маълумотлари (артикул, нави ва бошқалар) кўрсатилган ҳолда алоҳида номда киритилади.

3.16. Товар-моддий бойликларни инвентарлаш одатда ушбу бойликлар мазкур хонада қандай тартибда жойлашганлигига қараб ўтказилади.

Товар-моддий бойликлар битта жавобгар шахсда турли ажратиб қўйилган хоналарда сақланганда инвентарлаш сақлаш жойлари бўйича кетма-кетлик билан амалга оширилади. Бойликлар текширилганидан кейин хонага киришга йўл қўйилмайди (масалан, тамғаланади) ва комиссия ишлаш учун кейинги хонага ўтади.

3.17. Комиссия омбор мудирини ва бошқа моддий жавобгар шахслар иштирокида ҳақиқатан мавжуд товар-моддий бойликларни мажбуран санаш, тарозила тортиш ва ўлчаш йўли билан текширади. Бойликлар қолдиги ҳақидаги маълумотларни ҳақиқатан мавжудлигини текширмай, моддий жавобгар шахслар сўзларидан келиб чиқиб ёки ҳисоб маълумотлари бўйича инвентарлаш рўйхатига киритишга йўл қўйилмайди.

3.18. Юклар жўнатилган, бироқ харидорлар томонидан муддатида ҳақи тўланмаган, бошқа ташкилотлар омборларида сақланаётган товар-моддий бойликларни инвентарлаш бухгалтерия ҳисобининг тегишли ҳисобварақларида ҳисобда бўлган суммалар асослигини текширишдан иборат бўлади.

3.19. Юклар жўнатилган, лекин харидорлар томонидан ҳақи муддатида тўланмаган ва бошқа ташкилотлар омборларида жойлашган товар-моддий бойликларга алоҳида инвентарлаш рўйхатлари тузилади.

3.20. Юклар жўнатилган ва харидорлар томонидан ҳақи ўз вақтида тўланмаган товар-моддий бойликларга инвентарлаш рўйхатларида ҳар бир юклар жўнатилган бойлик бўйича харидор номи, товар-моддий бойликлар номи, суммаси, юклар жўнатиш санаси, кўчирма санаси ва ҳисобкитоб ҳужжатининг рақами келтирилади.

3.21. Бошқа ташкилотлар омборхоналарида сақланаётган товар-моддий бойликлар ушбу бойликларни жавобгарлик остида сақлашга топширилганлиги тасдиқловчи ҳужжатлар асосида инвентарлаш рўйхатларига киритилади. Инвентарлаш рўйхатларида бу бойликларнинг номи, миқдори, нави, қиймати (ҳисоб маълумотларига кўра), юкни сақлашга қабул қилинган санаси, сақлаш жойи, ҳужжатлар рақами ва санаси кўрсатилади.

3.22. Ходимларга яқка тартибда фойдаланиш учун берилган арзон ва тез эскирадиган буюмларни инвентарлаш пайтида гуруҳни инвентарлаш рўйхатларини тузишга йўл қўйилади, уларда ушбу буюмлар учун жавобгар бўлган, шахсий варақчалар очилган шахслар кўрсатилади, рўйхатларда уларнинг тилхатлари келтирилади.

Ишга яроқсиз бўлган ва ҳисобдан чиқарилмаган арзон ва тез эскирадиган буюмлар инвентарлаш рўйхатларига ки-

ритилмайди, балки уларни балансдан чиқариш далолатномаси тузилади ва унда фойдаланиш муддати, яроқсизликка келиш сабаблари, бу буюмлар ёки фойдали қолдиқларнинг хўжалик мақсадларида ишлатиш имконияти кўрсатилади ва бу ҳақда тугатиш комиссиясига маълум қилинади.

3.23. Идишлар инвентарлаш рўйхатларига тури, кўзланган мақсади ва ҳолати (янги, фойдаланилган, тузатилиши керак ва ҳоказо) бўйича киритилади.

Яроқсиз бўлиб қолган идишларга инвентарлаш комиссияси томонидан уларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси тузилади ва унда яроқсизликка келиш сабаблари кўрсатилиб, бу ҳақда тугатиш комиссиясига хабар қилинади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келажак даврлар харажатларини инвентарлаш

3.24. Саноат ишлаб чиқариши билан шугулланадиган корхоналарда тугалланмаган ишлаб чиқаришларни инвентарлаш пайтида:

— ишлаб чиқаришда ярим тайёр буюмлар (деталлар, узеллар, агрегатлар) ва тўлиқ тайёрланмаган ҳамда йиғилмаган буюмларнинг ҳақиқатан мавжудлигини аниқлаш;

— тугалланмаган ишлаб чиқариш (ярим тайёр буюмлар)нинг ҳақиқатан йиғилганлигини аниқлаш;

— бекор қилинган буюртмалар, шунингдек бажарилиши тўхтатиб қўйилган буюртмалар бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини аниқлаш зарур.

3.25. Ишлаб чиқариш хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, инвентарлаш бошланғунига қадар цехларга керак бўлмаган барча материаллар, харид қилинган деталлар ва ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек ишлаб чиқаришнинг мазкур босқичида ишлов бериш тугалланган барча деталлар, узеллар ва агрегатлар омборхоналарга топширилган бўлиши керак.

3.26. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ярим тайёр буюмлари (деталлар, узеллар, агрегатлар)ни текшириш ҳақиқатда борини санаш, тарозиди тортиш ва ўлчаш йўли билан амалга оширилади.

Инвентарлаш рўйхатлари ҳар бир алоҳида таркибий бўлинма (цех, участка, бўлинма) бўйича ярим тайёр (захира) буюмлар номи, тайёрлик босқичи ва даражаси, миқдор

ри ёки ишлар ҳажми: тугалланмаган объектлар, уларнинг навбати, ишга тушириш мажмуалари, конструктив элементлари ва ишлар турлари бўйича кўрсатилган ҳолда алоҳида тузилади.

3.27. Иш жойларидаги қайта ишлов берилмаган хом ашё, материаллар ва харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш рўйхатларига киритилмайди, алоҳида рўйхатларда инвентарланиб, қайд этилади.

Яроқсиз деб топган деталлар тугалланмаган ишлаб чиқариш рўйхатларига киритилмайди, улар бўйича алоҳида рўйхатлар тузилади.

3.28. Бир жинсли бўлмаган масса ёки хом ашёлар қўшилмаси кўринишидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича инвентарлаш рўйхатлари, шунингдек солиштириш қайдномаларида икки миқдорий кўрсаткич: бу масса ёки қўшилма миқдори ва унинг таркибига кирган хом ашё ёки материаллар миқдори кўрсатилади. Хом ашё ва материаллар миқдори маҳсулот таннархини режалаштириш, ҳисобга олиш ва калькуляция қилиш масалалари бўйича тармоқ йўриқномаларида белгиланган тартибда техник ҳисоб-китоблар орқали аниқланади.

3.29. Тугалланмаган капитал қурилиш бўйича инвентарлаш рўйхатларида объект номи ва ушбу объект бўйича бажарилган ишлар ҳажми, ҳар бир алоҳида бажарилган иш тури, конструктив элементлар, ускуналар ва ҳоказолар бўйича ишлар ҳажми кўрсатилади.

3.30. Қурилиши тўхтатилган объектлар, шунингдек амалга оширилмаган қурилиш бўйича лойиҳа-тадқиқот ишларига рўйхатлар тузилиб, уларда бажарилган ишлар тавсифи ва улар қиймати ҳақида маълумотлар келтирилади.

Ҳайвонлар ва ёш ҳайвонларни инвентарлаш

3.32. Катта ёшдаги маҳсулдор ва иш моллари рўйхатларга киритилади, уларда: ҳайвоннинг рақами, лақаби, туғилган йили, зоти, семизлиги, тирик вазни (ҳайвон оғирлиги) ва бошланғич қиймати кўрсатилади. Зоти мол бонитировкаси маълумотларига асосланиб ёзилади. Қорамол, иш ҳайвонлари, чўчқалар ҳамда қўйлар ва бошқа ҳайвонларнинг ўта қимматли турлари рўйхатларга алоҳида киритилади. Асосий поданинг бошқа ҳайвонлари моллар боши миқ-

лори ва ҳар бир гуруҳ бўйича тирик вазни кўрсатилган ҳолда гуруҳди тартибда ҳисобга олинади.

3.33. Қорамол, наслдор отлар ва иш ҳайвонларининг болалари рўйхатга яқка тартибда инвентарь рақамлари кўрсатилган ҳолда киритилади.

3.34. Рўйхатлар ҳайвонлар турларига кўра фермалар, цехлар, бригадалар бўйича ҳисоб гуруҳларига асосан алоҳида тузилади.

Пул маблағлари, пул ҳужжатлари ва қатъий ҳисобот ҳужжатлари бланкаларини инвентарлаш

3.35. Кассадаги ҳақиқатан мавжуд пул белгилари ва бошқа бойликларни ҳисоблашда нақд пуллар, қимматли қоғозлар ва пул ҳужжатлари (давлат бож маркалари, авиа-чипталар ва бошқалар) ҳисобга олинади.

3.36. Қимматли қоғозлар бланкалари ва бошқа қатъий ҳисобот ҳужжатлари бланкаларини текшириш бланкалар турлари бўйича (масалан, акциялар бўйича: эгаси номин ёзилган ва кўрсатувчи учун, имтиёзли ва оддий акциялар), муайян бланкаларнинг бошланғич ва сўнгги рақамларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3.37. Банклардаги ҳисоб-китоб варақлари, валюта ва махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини инвентарлаш корхона бухгалтерияси маълумотларига кўра тегишли ҳисобварақлардаги ҳисобга олинган суммалар қолдигини банклар кўчирмалари маълумотлари билан солиштириш йўли орқали амалга оширилади.

Ҳисоб-китобларни инвентарлаш

3.38. Сюддалар бўйича банклар ва бошқа кредит муассасалари, бюджет, харидорлар, отказиб берувчилар, ҳисобот берувчи шахслар, ходимлар, депозитлар, бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни инвентарлаш бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ҳисобда бўлган суммаларнинг асослигини текширишдан иборат бўлади.

3.39. Ташкилот ходимларига қарздорлик бўйича депонентлар ҳисобварақларига ўтказилиши керак бўлган, тўланмаган иш ҳақи суммалари аниқланади.

3.40. Комиссия ҳужжатларни текшириш йўли билан шунингдек:

— банклар, молия, солиқ органлари, бюджетдан ташқари фондлар, шунингдек ташкилотнинг алоҳида балансларга ажратилган таркибий бўлинмалари билан ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги;

— дебиторлик, кредиторлик ва депонент қарзлари, жумладан, даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммаларининг тўғрилиги ва асослигини белгилаши зарур.

4. Инвентарлаш бўйича солиштириш қайдномаларини тузиш

4.1. Инвентарлаш вақтида ҳисоб маълумотларидан тафовутлар аниқланган мол-мулк бўйича солиштириш қайдномалари тузилади.

Солиштириш қайдномаларида инвентарлаш натижалари, яъни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва инвентарлаш рўйхатларидаги маълумотлар бўйича кўрсаткичлар ўртасидаги тафовутлар акс эттирилади.

5. Мол-мулк, асосий ва оборот воситаларни баҳолаш тартиби

5.1. Корхона мол-мулки қийматини баҳолаш унинг мавжудлиги ва инвентарлаш натижалари бўйича белгиланган ҳақиқий ҳолати, ҳисоб ҳужжатлари бўйича ҳақиқатда шаклланган нархлардан келиб чиқиб амалга оширилади.

5.2. Агар асосий воситалар қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.06.92 й. даги 293-сон, 18.06.93 й. даги 261-сон, 28.11.94 й. даги 572-сон қарорларига мувофиқ аввал қайта баҳоланган бўлмаса, у Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорлари ва Ўзбекистон Республикасида мол-мулкни баҳолаш бўйича амалда бўлган бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида баҳоланади.

5.3. Баҳоланаётган мол-мулк таркибига қуйидагилар киради:

— асосий воситалар; бинолар, иншоотлар, тугалланмаган капитал қурилиш, ўтказиш қурилмалари, машиналар, жиҳозлар, ўрнатилмаган ускуналар, ҳисоблаш техникаси, ўлчаш, ростлаш асбоблари, транспорт воситалари, асбоб-

лар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари, иш ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқа асосий воситалар;

— молиявий активлар: кассада ва банклардаги ҳисобварақларда бўлган пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бадаллар ва корхона баланси бўйича бошқа молиявий кўйилмалар, дебиторлик қарзи;

— оборот воситалар: ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, товарлар, арзон ва тез эскирадиган буюмлар ва бошқа бойликлар.

5.4. Корхоналар балансида ҳисобда бўлган асосий воситалар, уларнинг техник ҳолати, яъни жисман эскириш даражасидан қатъи назар, ишлаб турган (жумладан вақтинчалик капитал таъмирлашда бўлган ва замонавийлаштирилаётган объектлар) ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотларга фойдаланиш учун берилган, консервацияда, захира ёки резервда бўлган воситалар, тугалланмаган капитал қурилиш баҳоланиши шарт.

5.5. Асосий воситалар қийматини баҳолаш босқичма-босқич:

а) асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қийматини;

б) асосий воситаларнинг қолдиқ (баланс) қийматини кетма-кет аниқлаш асосида амалга оширилади.

5.6. Янги нарх прејскурантлари бўлган асосий воситаларнинг тиклаш қиймати кўрсатилган прејскурантлар асосида аниқланади. Янги прејскурантлар бўлмаган тақдирда асосий воситаларнинг тиклаш қиймати амалдаги прејскурантлар асосида уларнинг жисмий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади.

5.7. Баланс қийматини фойдаланиш меъёрлари ва мудатларидан келиб чиқиб ҳисобланадиган эскириш суммасига камайгириш йўли билан аниқланадиган қолдиқ қиймати асосий воситалар қийматини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

5.8. Комиссия таклифи билан мол-мулкни баҳолаш алоҳида турларни ҳисобга олган ҳолда мол-мулк гуруҳлари бўйича йириклаштириб амалга оширилиши мумкин.

5.9. Давлат томонидан муҳофаза қилинадиган ҳамда меъморий, балиий ёки тарихий қимматга эга бўлган, ишлаб чи-

қариш ёки бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ва банкрот корхона балансида бўлган объектлар қийматини баҳолаш фақат мутахассислар иштирокида бажарилади.

5.10. Оборот воситаларига киритиладиган товар-моддий бойликлар, шунингдек арзон ва тез эскирадиган буюмларни бошланғич баҳолаш уларнинг эскирганлигидан келиб чиқиб амалдаги нархларда ўтказилади.

5.11. Мол-мулк қийматини аниқлашда корхонанинг молиявий ҳолати, жойлашган ери ва бошқа омиллар кўшимча ҳисобга олинади.

6. Инвентарлаш натижаларини расмийлаштириш тартиби ва банкрот корхона мол-мулкни баҳолаш

6.1. Инвентарлаш пайтида аниқланган мол-мулкнинг ҳақиқатан мавжудлиги билан бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар ўртасидаги тафовутлар қўйидаги тарзда тартибга солинади:

— ортиқча бўлган асосий воситалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар кирим қилиниши ва корхонанинг тегишли молиявий натижаларига ҳисобланиши, бунда ортиқча бўлиш сабаблари ва айбдор шахслар аниқланиши керак;

— қопунларда белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар доирасида бойликлар камомати банкрот корхона тутатиш комиссиясининг раиси фармойишига биноан ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ҳисобдан чиқарилади. Камомат меъёрлари ҳақиқатан етишмовчиликлар аниқланган ҳоллардагина қўлланиши мумкин;

— белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг камомати мазкур камоматлар ўрни навлар бўйича қайта саралашдан сўнг ортиқча чиққан бойликлар билан қопланганидан кейин белгиланади. Агар навлар бўйича белгиланган тартибда саралашдан сўнг қопланганидан кейин ҳам бойликлар камомати бўлса, табиий камомат меъёрлари фақат етишмовчилик аниқланган бойликлар номи бўйича қўлланади. Меъёр мавжуд бўлмаганда камоматга меъёрдан ортиқча етишмовчилик сифатида қаралади;

— моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг камомати, шунингдек табиий камомат меъёрларидан ортиқча талафотлар учун айбдор шахслардан жа-

воб талаб этилади. Айбдорлар аниқланмаган тақдирда иш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оширилади.

6.2. Табиий камомад меъёрларидан ортиқча бойликлар камомади ва талафотини ҳисобдан чиқариш учун расмийлаштиришга тақдим этиладиган ҳужжатларда айбдор шахсларнинг йўқлиги ёки айбдор шахслардан зарарни ундиришни рад этиш ёхуд техник назорат бўлими ёки тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлардан олинган бойликлар талафотини тасдиқловчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки суд органлари қарори бўлиши шарт.

6.3. Навларга қайтадан ажратиш натижасида ортиқчаликни камомад билан ўзаро қоплашни фақат битта текшириляётган давр, битта текшириляётган шахс, битта номдаги товар-моддий бойликка нисбатан ва бир хил миқдорда бўлгандагина истисно тариқасида қўллаш мумкин.

Навларга қайтадан ажратишда йўл қўйилган хато ҳақида моддий жавобгар шахслар инвентарлаш комиссиясига тўлиқ тушунтириш беради.

Навларга қайта ажратишда қийматнинг камомад томонга фарқи моддий жавобгар шахс айби билан юз бермаган тақдирда инвентарлаш баённомаларида бундай фарқ айбдорларга юкланмаганлиги сабаблари ҳақида батафсил тушунтириш берилган бўлиши керак.

6.4. Инвентарлашда аниқланган ҳақиқатан мавжуд бойликлар билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларидаги тафовутларни тартибга солиш ҳақида таклифлар тугатиш комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

6.5. Инвентарлаш натижалари бўйича тугатиш комиссияси томонидан асосий (1-илова), оборот воситалари, тугалланмаган қурилиш ва бошқа мол-мулклар қиймати-ни баҳолаш йема далолатномаси тузилади. Мазкур далолатномаларга топшириш баланси, инвентарлаш натижалари ҳужжатлари, ихтисослаштирилган маслаҳат ташкилотлари худосалари илова қилинади. Баҳолаш далолатномалари тугатиш комиссиясининг ишончли шахси томонидан тасдиқланади.

6.6. Банкрот корхона мол-мулкининг қолдиқ (баланс) қиймати савдога қўйиладиган мол-мулк бошланғич қийматини аниқлаш учун баҳолаш қиймати ҳисобланади.

Илова

199 ___ й. « ___ » _____ ҳолати бўйича асосий фонларини инвентарлаш ва қолдиқ қийматини аниқлаш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

«Тасдиқлайман»
Тугатиш комиссияси раиси
199 ___ й. « ___ » _____ М.У.

Т/р	Ишлар тарих рақами	Инвентар объект номи, техник тавсифи	Фойдаланишга тоширилган ой ва йили	У.р. Вакиллар Маҳкамасининг 293, 261, 572-сон қарорлари бўйича бошланғич қиймати					1991 й. 1 январидан 1072-сон қарор билан тасдиқланган меъёрлар бўйича асосий фонлар амортизацияси ҳисоб-китабли				Қолдиқ (баҳолаш) қиймати (мил. сўм)
				миқдори	бошланғич қиймати	293-сон	261-сон	572-сон	шифр	1991 йилга қалар	1991 йилдан буён	фойдаланиш мўлдатли	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12		
1													
2													
3													
Жамме:													

(Исм-шарифи)
(Исм-шарифлари)

Инвентарлаш комиссияси раиси
Инвентарлаш комиссияси аъзолари

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Корхонанинг тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлигини баҳолаш	4
Корхона амалий фаоллиги ва рентабеллигини таҳлил қилиш	14
Корхоналарнинг иқтисодий пачорлигини аниқлаш	27
Корхона пачорлиги сабаблари	41
Корхоналарнинг зарар кўрмай фаолият юритишини таъминлаш усуллари	49
Корхоналар банкротлигини тартибга солиш	57
Хулоса	63

Н. Ҳасанов
С. Нажбиддинов

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ:
муаммолар ва уларни ҳал қилиш
8-чиқарилиш

“Бухгалтер кутубхонаси” туркуми
“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи
томонидан тайёрланган
Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 2.

Менеджер *Б. С. Муслимов*
Муҳаррир *А. Имомназаров*
Компьютерда саҳифаловчи *Н. Е. Киселева*

Н. Хасанов
С. Нажбиддинов

ОЦЕНКА ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ПРЕДПРИЯТИЯ:

ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Выпуск 8

Ташкент — 1999

8-К-7063

Рецензенты:

Ю. М. Иткин — председатель ассоциации бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан, доктор экономических наук.

А. А. Ризакулов — председатель правления ООО «Хисобчи», кандидат экономических наук.

С. В. Вахидов — заведующий кафедрой бухгалтерского учета ТГЭУ, кандидат экономических наук.

Хасанов Н., Нажбиддинов С.

Оценка экономического состояния предприятия: проблемы и решения. Вып. 8. — Т.: «Мир экономики и права», 1999 г. — 224 с. (Сер. «Библиотека бухгалтера»)
I. Соавт.

В настоящей книге представлена система показателей (абсолютных и относительных), связанная с изменением финансовых коэффициентов, позволяющих анализировать финансовое состояние предприятий, оценивать их хозяйственную деятельность, определять оправданность вложения капиталов, уровень риска, рентабельность с целью оздоровления предприятий и предотвращения банкротства.

ББК 65.053+65.9(5У)26

ВВЕДЕНИЕ

В условиях рыночной экономики информация о финансовом состоянии предприятия является ведущей, представляющей интерес для различных категорий пользователей: менеджеров, акционеров, кредиторов, потенциальных инвесторов, поставщиков, государственных органов и др. При этом каждая из этих категорий пользователей преследует свои цели и имеет свои критерии оценки финансового состояния предприятия.

Так, для менеджера наиболее важна оценка эффективности хозяйственной деятельности, используемых ресурсов и полученных результатов. Собственников и акционеров в первую очередь интересуют оправданность вложения капиталов, уровень риска или возможных потерь. Кредиторы руководствуются оценкой перспектив возврата инвестиционных средств, рентабельностью, а поставщики — возможностью предприятия своевременно оплачивать поставляемую продукцию и оказываемые услуги.

Кроме того, все вышеперечисленные пользователи преследуют и другие цели, в частности, финансовое оздоровление предприятия, предотвращение экономической несостоятельности и банкротства.

Экономическая «болезнь» предприятия часто подкрадывается незаметно, и чтобы вовремя увидеть ее и предупредить опасный исход, необходимо научиться распознавать ненадежных партнеров, объективно оценивать ситуацию, различая временную неплатежеспособность от действительной экономической несостоятельности предприятия.

На все вопросы, связанные по тем или иным критериям с экономическим состоянием предприятия, можно ответить в результате анализа-оценки его финансового состояния.

Комплексный анализ позволяет с достаточно высокой степенью объективности оценить положение дел на предприятии и принять правильные решения. Для анализа финансового состояния предприятия применяется целая система абсолютных и относительных показателей, которые и являются предметом разговора данной книги.

ОЦЕНКА ПЛАТЕЖЕСПОСОБНОСТИ И ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ

Оценка деятельности предприятия характеризуется прежде всего показателями платежеспособности и финансовой устойчивости. Поэтому углубленный анализ финансового состояния начинается именно с этих показателей.

Под платежеспособностью понимается способность предприятия своевременно и в полном объеме произвести расчеты по краткосрочным обязательствам. К последним относятся, например, расчеты с работниками по оплате труда, с поставщиками за полученные товарно-материальные ценности и оказанные услуги, с банками по ссудам, по платежам в бюджет и т.п.

Неплатежеспособность может быть как временной, так и длительной, хронической. Ее причины как внутренние: нехватка финансовых ресурсов, малый объем продаж и соответственно выручки, недостаток оборотных средств, так и внешние — задержки в поступлении платежей от контрагентов и др.

Признаки неплатежеспособности можно обнаружить уже при чтении баланса по наличию «хромяющих, неудовлетворительных» статей и отражению убытков. Однако более верно и обоснованно платежеспособность оценивается с помощью системы показателей (схема 1). Общая идея такой оценки заключается в сопоставлении текущих обязательств и активов, используемых для их погашения. К текущим относятся активы (обязательства) с временем обращения (сроком погашения) до одного года. Показатели платежеспособности представляют собой относительные коэффициенты, в числителе которых — текущие активы, а в знаменателе — текущие (краткосрочные) обязательства.

Наиболее точным, обобщающим показателем платежеспособности является коэффициент текущей ликвидности, который показывает, какую часть краткосрочных обязательств предприятия можно погасить, если мобилизовать все оборотные средства. Для характеристики платежеспособности применяют и другие показатели. Рассмотрим основные из них.

Коэффициент срочной ликвидности — разновидность коэффициента ликвидности или покрытия, когда в числителе к учету принимаются только денежные средства, краткосрочные вложения и чистая дебиторская задолженность, а товарно-материальные запасы исключаются. Это вызвано тем, что денежные средства, которые можно выручить в случае вынужденной реализации производственных запасов, оказываются существенно ниже затрат по их приобретению. Так, по данным зарубежных экономистов, при ликвидации обанкротившихся предприятий удается выручить не более 40% от учетной стоимости производственных запасов:

$$\text{Коэффициент срочной ликвидности} = \frac{\text{Денежные средства, краткосрочные вложения и чистая дебиторская задолженность (стр.170(Ф1) по стр.290(Ф1))}}{\text{Краткосрочные обязательства Ф1 (стр.420 по стр.530 - (400 + 410 + 370 + 380))}}$$

где в скобках указаны коды исходных показателей, которые берутся из бухгалтерского баланса (финансовой отчетности).

На Западе считается, что значение этого коэффициента — должно быть не менее 1. Правда, чрезмерно высокий коэффициент срочной ликвидности может быть результатом неоправданного роста чистой дебиторской задолженности, выявленная путем инвентаризации, но и за вычетом сомнительных (безнадежных) долгов. В условиях переходной экономики отсутствует ряд возможностей для реального взыскания долгов, а краткосрочные финансовые вложения не обрели значения такого же финансового инструмента, как в странах с развитой экономикой, поэтому реальное значение этого коэффициента — не более 0,6-0,7.

Код для информации финансовой отчетности состоит из двух частей: первая часть указывает кол документа, вторая — номер строки в документе. Формы финансовой отчетности, используемые в целях оценки финансового состояния:

Ф1 — форма № 1 «Баланс предприятия»;




СХЕМА 1

- Ф2 — форма № 2 «Отчет о финансовых результатах»;
- Ф3 — форма № 3 «Отчет о движении основных средств»;
- Ф4 — форма № 4 «Отчет о денежных потоках»;
- Ф5 — форма № 5 «Отчет о собственном капитале».

По мнению некоторых экспертов в условиях нашей республики наиболее точное отражение платежеспособности могут дать не коэффициенты текущей и срочной ликвидности, а коэффициент абсолютной ликвидности.

Коэффициент абсолютной ликвидности представляет собой отношение денежных средств, которыми располагает предприятие на счетах в банках и в кассе, к краткосрочным обязательствам. Это наиболее жесткий критерий платежеспособности, показывающий, какая часть краткосрочных обязательств может быть погашена немедленно. Считается, что значение этого коэффициента не должно опускаться ниже 0,2.

$$\text{Коэффициент абсолютной ликвидности} = \frac{\text{Денежные средства Ф1 (170 + 180 + 190 + 200 + 210)}}{\text{Краткосрочные обязательства Ф1 (420 по 530) - (400 + 410 + 370 - 380)}}$$

Коэффициент чистой выручки — отношение суммы чистой прибыли и амортизационных отчислений к выручке от реализации товаров и услуг без учета НДС, акцизов и пошлин. Чистая выручка, складывающаяся из чистой прибыли и амортизационных отчислений, остается в обороте предприятия в денежной форме. Что касается суммы амортизационных отчислений, то эта сумма через износ и себестоимость продукции (работ, услуг) попадает в оборотные средства предприятия. В расчет принимается начисленный износ по основным средствам и нематериальным активам за отчетный период. Чем больше доля чистой выручки в общей сумме выручки, тем больше возможностей у предприятия для погашения своих долговых обязательств.

$$\text{Коэффициент чистой выручки} = \frac{\text{Чистая прибыль + Амортизация Ф2 (200) + Ф1 (021)}}{\text{Чистая выручка от реализации Ф2 (050)}}$$

Низкий коэффициент чистой выручки (на наш взгляд, менее 0,1) говорит о том, что предприятие находится в **трудном финансовом положении** и не скоро сможет из него самостоятельно выйти.

